



С А Р А Ҳ И К О Я Л А Р

# БҮЮРМАГАН БОЙЛИК

ЖАХОН АДАБИЁТИ  
ҲИКОЯЛАРИ



НОВЕЛЬ МУКОФОТИ  
СОВРИНДОРЛАРИНИИ  
ҲИКОЯЛари



# БУЮРМАГАН БОЙЛИК

*Хикоялар*



ZIYO NASHR

Toshkent  
2019

УЎК: 821(100)-32

КБК 84(0)

Б 98

Тузувчи  
**Абдурахмон Жўраев**

Рус тилидан  
**Абдуҳамид Пардаев ва Бобоҳон Муҳаммад Шариф**  
таржимаси

Ҳикоя – жаҳон адабиётида бой тарихга эга оммабон жанр. Ҳукмингизга ҳавола қилинаётган мазкур тўпламдан Нобель мукофотига сазовор бўлган машҳур адиларнинг ҳикоялари ўрин олган. Ҳикоялар ранг-баранг мавзуларда бўлишидан қатън назар меҳр-мухаббат, эзгуликка ташналик, олийжаноблик, инсонпарварлик, эҳтиросларнинг жўшқинлиги, бадиий пухталик каби фазилатлар уларни уйгунлаштиради. Жаҳон адабиётининг энг сара ҳикоялари сизда катта таассурот қолдиради, деб умид қиласиз.

*Габриэль Гарсия МАРКЕС,  
Колумбия.  
Нобель мукофоти совриндори.*

## **ОҚ ЙҮЛ, ЖАНОБ ПРЕЗИДЕНТ!**

У кимсасиз боғда, сарғайган япроқлар остидаги тахта ўриндиқда ҳассасининг кумуш тутқичига таянган ҳолда, чанг босган оқкушларга тикилганича, ўлим ҳақида ўйлаб ўтиради. Женевага илк бор келган вактида кўл осуда ва шаффоғ эди, қўлга ўрнатилган чайкалар учиб келар ва кафтидаги егуликни чўқиб ерди, бурма кўйлак ва ипак шляпа кийиб олган аёллар эса, оқшом соат олтида арвоҳга ўхшаб кўринарди. Уларни пулга ёллаш мумкин эди. Энди бўлса, бўм-бўш соҳилда гул сотувчи аёлдан бошка кимса йўқ. Вакт фақат унинг ҳаётинигина эмас, теваракатрофини ҳам ана шундай остин-устин қилишига қодир эканига зўрға ишониш мумкин.

Номаълум кимсаларга тўлиб-тошган бу шаҳарда у ҳам бир номаълум киши эди. Оқ чизиқли тўқ кўк костюм, зарбоғ нимча ва истеъфодаги судьялар киядиган дағал шляпада, мўйлови калондимоғ мушкетёрларникига ўхшаб кўкиш товланади, қалин, жингалак соchlари паришон, қўллари баини арфа чолғувчи аёлларнидек, чап қўлининг номсиз бармоғида бевалигини кўрсатадиган узук, кўзлари масрур. Фақат бир оз тиришган терисигина соғлиғини йўқотганини аён этиб турарди. Шундай бўлса-да, у етмиш ёшида ҳам ўта пўрим. Аммо ўша тонгда унда манманликдан асар ҳам йўқ эди. Шухрат ва ҳукмронлик даври қайтмайдиган даражада ортда қолиб кетган, энди фақат ўлим замони келганди.

Мартиникадаги врачлар ҳечам аниклай олмаган касаллигининг сабабини ниҳоят билиб олиш учун иккита жаҳон урушидан кейин Женевага қайтиб келганди. У, бу ерда икки ҳафтадан кўп қолмоқчи эмасди, лекин, мана, қарийб олти ҳафта бўлдики, тинкани қуритадиган текширувларга гирифтор қилишди. Бу текширувларнинг охири йўқдай туюлар, улар аниқ натижа бермаётган эди. Жигари, буйраги, ошкозон ости бези ва простата безини текшириб кўришди, ҳолбуки, бу ерларда ишкал йўқ эди. Ниҳоят, уни текширган бир тўда доктордан энг машхури машъум пайшанба кунларининг бирида асаб хасталиклиари бўлимига эрталаб соат тўққизга келишни тайинлади.

Кабинет роҳибларининг ҳужрасига ўхшарди. Пакана ва ғамгин докторнинг ўнг кўли бош бармоғи сингани учун гипсланган эди. Чирок ўчгач, экранда умуртқанинг сурати пайдо бўлди. Доктор таёқча билан белдан пастроқдаги икки бўғин бирлашган жойни кўрсатмагунча, у бу умуртка ўзиники эканини тан олмади.

– Оғриқ мана шу жойда, – деди доктор.

У бу даражада оддий бўлмаса керак, деб ҳисобларди. Чунки оғрикни тушуниб бўлмас, у кезиб юарар, гоҳ ўнг бикинида, гоҳ корнининг остида пайдо бўлар, тўсатдан чови санчиб коларди. Доктор унинг сўзларини таёқчани экрандан олмасдан жимгина эшилди.

– Шунинг учун ҳам уни шунча вакт тополмадик-да, – деди у. – Лекин энди билиб олдик, у худди мана шу жойда.

Шундан кейин у кўрсаткич бармоғини чаккасига тиради-да, аниқлик киритди:

– Қатъий айтаманки, жаноб президент, бутун оғриқ худди мана шу жойда.

Текширувларда шу даражада азоб тортганники, охирги ҳукм муруватли бўлиб туюлди: президент муқаррар суратда ва таваккалига операция килиниши лозим эди. Президент таваккал даражаси нечоғлиқ эканини сўради,

кекса доктор мутлако номаълум бўлган бу масалага мужмал жавоб берди.

– Ҳар ҳолда, буни айтиш қийин, – деди у.

Шундай бўлса-да, яқин-яқинларгача бунақа операцияларда натижанинг машъум оқибат билан тугаш эҳтимоли жуда катта бўлганини, лекин иш кўпинча турли даражадаги фалаж билан якунланганини илова қилди. Бироқ кейинги икки жаҳон урушида медицина эришган ютуклар туфайли бундай таҳликалар ортда қолиб кетган.

– Хотиржам кетаверинг, – деди у сўзини якунлар экан. – Яхшилаб тайёрланинг ва бизга хабар беринг. Шуни унутмангки, қанча эрта бўлса, шунча яхши.

Бундан ёмон янгиликни ҳазм қилиш учун бу эрта жуда бехайр эди. Бунинг устига ҳаво ҳам айниб турган бўлса. У меҳмонхонадан жуда барвакт, пальто киймай чикқан, чунки деразадан куёш чараклаб турганини кўрган эди. Оҳиста юриб, шифохона жойлашган Шмен-де-Бо-Солей кўчасидан Инглиз боғидаги Яширин севишганлар бошпанасига қадар бўлган йўлни босиб ўтди. У боғда бир соатдан кўпроқ тўхтовсиз ўлим ҳакида ўйлаб ўтириди. Шу паллада бирданига куз изғирини эсди. Кўл бўронда қолган океанга ўхшаб тўлқинланди, каттиқ эсган шамол чайкаларни тўзитиб юборди, дараҳтлардаги сўнгги япроқларни учириб кетди. Президент оёқка қалқди ва гулчи аёлдан гул сотиб олиш ўрнига, боғдаги тувакларда ўсаётган дасторгулдан биттасини узиб, кўкрагига такиб олди. Гулчи хайрон бўлди.

– Бу гуллар Тангрининг моли эмас, – деди у норози бўлиб. – Бу гуллар пошшоликники.

У пинагини ҳам бузмади. Ҳассасининг ўртасидан тутиб, олифталардек ўйнатганча катта ва шахдам қадам ташлаб узоклашди. Мон-Бланш кўприги устига осилган Конфедерация байроқларини шамол йиртиб юбормасин, дея шоша-пиша йиғишириб олишган, кўпириб ётган

баланд фавворани олдинданок беркитишган эди. Президент соҳилда жойлашган ўзига яхши таниш қаҳвахонани танимай қолди – яшил матодан қилинган бостиurmани аввалбошданок йиғишириб олишган, энди бўлса, гултуваклар жойлаштирилган айвонни беркитаётган эдилар. Куппа-кундуз бўлишига қарамай, залда чироклар ёниб турарди, чолғучилар аллақачон Моцарт куйларини ижро этишга киришгандилар. Президент пештахтада мижозларга атаб қўйилган газеталардан биттасини олди, ҳассаси ва шляпасини илгичда қолдирди, стулга ўтириб ўқишига чоғланаркан, тилла гардишли кўзойнагини тақди ва шундагина куз кирганини тушунди. У халқаро саҳифадан бошлаб ўқий бошлади. Бу ерда Лотин Америкаси мамлакатлари ҳақидаги хабарлар жуда кам эди. У официант қиз, одатдагидек, унга бир шиша «Эвиан» минерал суви келтиргунча, шу тариқа охирги саҳифадан то биринчи саҳифагача ўқийверди. Мана, ўттиз йил бўлибдики, у врачлар тайинлагани учун қаҳва ичиш одатидан воз кечган. Лекин ўзига-ўзи: «Қачон ўлишимни аниқ билганимдан кейиноқ яна қаҳва ичишни бошлайман», дерди. Эҳтимол, ўша вақт келган ҳам бўлса керак.

– Менга қаҳва ҳам келтирсангиз, – деб буюрди у французчани қойиллатиб. Тортинмай қочирим ҳам қилиб кўйди, – ўликларни ҳам тирилтирадиган итальянча хилидан бўлсин.

У қаҳвани шакар аралаштирмасдан, қултумлаб узок ичди, сўнгра финжонни тақсимчага тўнкарди. Неча йиллардан бери қилмаган ишини қилиб, қаҳва қуйқасига қараб, тақдирида нималар борлигини билмокчи бўлди. Қаҳванинг таниш мазасини яна ҳис қилди, бир лаҳзага оғир хаёллардан чалғиди. Кўп ўтмай, худди ўша афсунгарлик давом этаётгандай, кимдир унга тикилиб турганини ҳис қилди. У гўё бехосдан қилгандай саҳифани ағдараркан, кўзойнак устидан қаради ва спортчилар қалпоғи,

ағдарма тери куртка кийиб олган, соколи олинмаган рангпар йигитни күрди. Йигит күзлари түкнаш келмаслиги учун шу захотиёқ бошқа томонга қаради.

Унинг юзи таниш эди. Улар касалхона айвонида бир неча бор түкнаш келишганди. Бундан ташкари, оккушларни томоша қилиб ўтирганида, бу йигитнинг Променад-дю-Лак кўчасидан енгил мотоцикл ҳайдаб ўтганини кўрганди. Лекин бирон марта бу йигит уни танишини ҳис қилмаган эди. Бирок у шунчаки хомхаёлга, кувфин туфайли пайдо бўлган таъкиб васвасасига берилган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмасди.

У Брамснинг нафис куйларидан хузурланиб, оғриқ мусиканинг таъсир кучидан устун чикқунга қадар шошилмай газета ўқиди. Шундагина у нимчасининг чўнтағида олиб юрадиган занжирли олтин соатини олиб қаради ва туш пайти ичиши лозим бўлган иккита ҳапдорини «Эвиан»нинг қолган-қутган қултуми билан ютди. Кўзойнагини олишдан олдин у қаҳва қўйқасига қараб, фол очмокчи бўлди ва сесканиб кетди: тамоман мавҳум!

Нихоят, ҳисоб-китоб қилди, гадога бераётгандай озгина чойчака ташлади, илгичдан ҳассаси ва шляпасини олиб, кўчага чиқди. Орқасидан кузатаётган одамга қайрилиб ҳам қарамади. У шахдам қадамлар билан нари кетди, шамолда синган гултувакларни айланиб ўтди ва шайтон васвасасидан қутилишга муваффақ бўлдим, деб ўйлади. Бирок орқасидан кимдир келаётганини қўққисдан сезди: муюлишга қайрилди, тўхтади ва хиёл ўгирилди. Таъкиб қилиб келаётган киши унга урилиб кетмаслик учун бирдан тўхтади ва шундоққина рўпарасида турган президентга бакрайганча қараб, кўркувдан қотиб қолди.

- Синьор президент, – ғулдиради у.
- Сизни ёллаганларга бориб айтинг, хомхаёлга берилуб юрмасинлар, – деди президент жилмайганча мафтункор овозда. – Соғлиғим аъло.

– Буни мендан яхшироқ биладиган одамнинг ўзи йўқ, – деди нотаниш киши президентнинг салобати остида эзилиб. – Мен касалхонада ишлайман.

Унинг лаҳжаси ҳам, сўзлаш оҳангидан ҳам, ҳатто, журъатсизлиги ҳам соғ карибча эди.

– Наҳотки врач бўлсангиз? – сўради президент.

– Ҳали бунга етти қовун пишиғи бор, – деди йигит. – Мен «Тез ёрдам» шофёriman.

– Ҳамдардлик билдираман, – деди президент янглишганига ишонч ҳосил қилиб. – Кўп оғир иш.

– Сизничиалик оғир эмас, сеньор.

Президент унинг кўзларига тик қаради, иккала қўли билан ҳассасига суюнди ва самимий қизиқиш билан:

– Сиз қаердансиз?

– Карабданман.

– Буни аллақачон сездим, – деди президент. – Қайси мамлакатдан?

– Сизнинг мамлакатингиздан, сеньор, – деди йигит ва қўлини узатди. – Менинг исмим Омеро Рей.

Ҳайратга тушган президент унинг қўлини қўйиб юбормай, сўзини бўлди:

– Жин урсин! Бу қандай шарафли исм!

Омеро тин олди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди у. – Омеро Рей-де-лекаса<sup>1</sup>. Кўча ўртасида очиқда колган сухбатдошларимизни изғирин забтига олди. Президент суюқ-суягигача қақшаб кетди ва пальтоси бўлмагани учун икки квартал наридаги арzon ошхонага ниёда етиб боришга кучи етмаслигини тушунди. У одатда ўша ерда овқатланарди.

– Тушлик қилдингизми? – деб сўради Омеродан.

– Мен ҳеч қачон тушлик қilmайман, – жавоб берди Омеро. – Фақат бир марта, кечкурун уйда овқатланаман.

<sup>1</sup> Ҳомер хонадон Қироли (испанча).

– Бугун истисно қила қолинг, – деди президент, имкон қадар самимиilik билан. – Сизни бирга овқатланишга таклиф киламан.

Шундай деди-ю, уни құлтиқлаганча күчанинг нариги томонидаги ресторанга бошлади. Рестораннинг канон пештоқига «Ле Боеуф Соуронне»<sup>1</sup> деган ном зархал ҳарфлар билан ёзилған эди. Ичкари тирбанд ва иссик, афтидан, биронта ҳам бүш жой қолмаганди. Президентни ҳеч ким танимаётганига ҳайрон қолган Омеро күмак истаб, зал түрига йўналди.

– Амалдаги президентми? – деб сўради ресторан хўжайини.

– Йўқ, – деб жовоб берди Омеро. – Ағдарилгани.

Хўжайин маъқуллаш оҳангиди кулимсиради.

– Бундайлар учун, – деди у, – мен доим жой олиб қўяман.

Хўжайин уларни залнинг узок бурчагига ўтқазди. Бу ерда улар хоҳлаганча сухбатлашиб олишлари мумкин эди. Президент хўжайинга миннатдорчилик билдириди.

– Кувғиндагиларни сизга ўхшаб ҳурмат қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, – деди у.

Кўмир чўғида пиширилган буқа қовурғаси рестораннинг хос таоми эди. Президент ва меҳмони атрофга қараб столларнинг устига нафис ёғга беланган катта гўшт бўлакларини кўришди. «Зўр гўшт, – ғудранди президент. – Лекин уни ейиш менга тикиқланган-да». Сўнг, Омерога дикқат билан тикилиб, энди бошқача оҳанѓда деди:

– Тўғрисини айтганда, менга ҳамма нарса тикиқланган.

– Сизга қахва ҳам ман қилинган, – деди Омеро, – лекин, шундай бўлса-да, қахва ичяпсиз-ку.

– Кўриб қолдингизми? – деди президент. – Лекин бу истисноли бир кун деб қилинган истисно эди.

<sup>1</sup> «Тождор бука» (французча).

Бу кун факат қаҳва учун истисно қилингани йўқ. У бука қовурғаси, факат зайдун мойи солинган янги сабзабот салати буюрди. Унинг меҳмони ҳам шуларни ва яна ярим кўза қизил шароб келтиришларини илтимос қилди.

Гўшт келгунча Омеро чўнтағидан ичи пул эмас, турли коғозларга тўлиб кетган ҳамёнини чикарди ва президентга сарғайиб кетған бир фотосуратни кўрсатди. Президент ўзини таниди: у енги калта қўйлакда, ҳозиргидан бир неча фунт озғинроқ, сочи ва мўйлови ҳозиргидан анча кора, нима қилиб бўлса ҳам суратга тушишга уринган ёш йигитлар курсовида турарди. У бу жойни дарҳол таниди, ўша лаънати сайловолди кампаниясининг рамзини ва ўша баҳтсиз кунни ҳам эслади. «Жин урсин, – деб ғулдидари у. – Мен ҳамиша одам ҳаётдагига караганда суратда тезроқ қариыйди деб айтардим». Сўнгра фотосуратни, ҳамма нарсага чек қўйган одамдек, кескин ҳаракат билан эгасига қайтарди.

– Жуда яхши эслайман, – деди у. – Бу минг йиллар олдин Сан-Кристобаль-де лас-Касас деган овулда бўлганди.

– Бу менинг овулим, – деди Омеро ва суратдан ўзини кўрсатди. – Мана бу менман.

Президент уни таниди.

– Ҳали болакай экансиз!

– Шундай деса бўлади, – деди Омеро. – Мен жануб сафарида доим сизнинг ёнингизда юргандим, университет бригадаларига раҳбарлик қилгандим.

Президент таънанинг олдини олди:

– Мен бўлсан, албатта, сизга эътибор қилмаганман, – деди у.

– Аксинча, сиз бизга жуда яхши муносабатда бўлгансиз. Энди, биз кўпчилик эдик, ҳамма эсда қолмайди.

– Ундан кейин-чи?

– Буни мендан яхшироқ биладиган борми? – деди Омеро. – Ҳарбий тўнтаришдан кейин сиз билан бу ерда

буқанинг ярмини емоқчи бўлиб турганимизнинг ўзи бир мўъжиза. Бунақа омад ҳаммага ҳам кулиб боққани йўк.

Уларга ликопча келтиришди. Президент, худди болалардай, бўйнига сочик осди ва меҳмонларнинг салпал ҳайрон колганини сезди. «Шундай килмасам, ҳар гал овқатдан кейин бир галстукдан кечишга тўғри келади» – ғулдуради. Таомга қўл урушдан олдин гўшт пишган-пишмаганини текшириб кўрди, сўнг маъқуллаб, бош ирғади ва мавзуга қайтди.

– Лекин бир нарсани тушунолмаётирман, – деди у. – Менинг ортимда айғоқчидай изғиб юрмай, нега олдинроқ рўпара бўлмадингиз?

Шунда Омеро президент касалхонанинг алоҳида ҳолларда очиладиган эшигидан кирган захотиёқ уни таниганини айтди. Ёз авжида эди. Президентнинг эгнида оппок каноп костюм, оёғида оқ-кора туфли, камзулининг кайтарма ёқасида дасторгул, чиройли соchlарини шамол тўзғитиб юборганди. Омеро президент Женевада ёлғиз эканини, унга ҳеч ким ёрдам бермаётганини, Женевавани юристликка ўқиган вактларидан буён беш қўлдай билишини билиб олди. Касалхона дирекцияси, президентнинг илтимосига кўра, унга маҳфийликни таъминлаш учун тегишли фармойиш берганди. Ўша оқшомда хотини билан маслаҳатлашиб олган Омеро президент билан учрашишга қарор қилди. Шундай бўлса-да, қулагай фурсатни кутиб, орқасидан роса беш ҳафта пойлаб юрди, эҳтимол, агар президентнинг ўзи у билан юзма-юз бўлмаганда, саломлашишга ҳам юраги бетламай юраверган бўларди.

– Шундай килганимдан хурсандман, – деди унга президент. – Лекин, тўғрисини айтганда, ёлғизлик мени эзолмайди.

– Бу адолатдан эмас.

– Нега? – чинакамига ҳайрон бўлди президент. – Мени унудишиларига эришганим – ҳаётимдаги энг катта ғалабамдир.

– Биз сизни сиз ўйлагандан кўпроқ эслаймиз, – деди Омеро ҳаяжонини яширмай. – Сизни мана шундай соғлом ва ёш кўриб турганимизнинг ўзи катта гап.

– Ҳолбуки, – деди президент бамайлихотир, – ҳамма нарса яқинда ўлишимдан далолат бермоқда.

– Ахир, сиз ҳар қандай вазиятдан чиқа оласиз-ку, – деди Омеро

Президент ҳайратдан сапчиб тушди, бу ҳаракатни у жуда нафислик билан қилди.

– Жин урсин! – хитоб қилди президент. – Нима, гўзал Швейцарияда врачларнинг сир сақлаш қоидаси бекор килинганми?

– Дунёнинг биронта касалхонасида тез ёрдам шоғёрининг билмайдиган сири йўқ, – деди Омеро.

– Буни атиги икки соат олдин бу гапни билиши лозим бўлган ягона одамдан эшитдим.

– Нима бўлгандаям, сиз бекорга ўлиб кетмайсиз, – деди Омеро. – Сизни юксак шон-шараф намунаси сифатида муносиб ўринга қўядиганлар топилади.

Президент ўзини ҳайратланганга солди.

– Тасалли учун раҳмат, – деди у.

У овқатни, ҳамма ишларини қандай килса шундай, шошилмай еяётганди ва тановул қиларкан, Омеронинг кўзларига тик боқарди. Бундан Омерога президент унинг фикрларини кўриб билиб тургандай туюларди. Қумсашдан иборат хотираларга тўла узоқ сухбат сўнгидиа президентнинг юзида масхараомуз табассум зохир бўлди.

– Мен жасадимнинг қисмати ҳақида, ташвиш тортмаслик ҳақида бир қарорга келгандай бўлувдим, – деди у. – Лекин энди кўряпманки, мурдамни ҳеч ким тополмаслиги

учун детектив романларда ёзилганига ўхшатиб, баъзи эҳтиёт чораларини кўришимга тўғри келади, шекилли.

– Бефойда, – деб ғулдиради Омеро. – Касалхоналарда бир соат ўтмай, ошкора бўлмайдиган бирорта сир йўқ.

Қахвани ичиб бўлишгандан кейин президент финжон тубида колган куйқага назар солди ва яна сесканди: қуйқадан яна ўша мажхул маъно чикқан эди. Шундай бўлса-да, пинагини бузмади. У нақд тўлади, лекин олдинига хисобни бир неча бор текшириб кўрди ва пулни қаттиқ дикқат билан қайта-қайта санади. Шунчалик арзимаган чой-чақа бердики, официант қовоғини солиб, тўнғиллаб кўйди.

– Мен ҳакиқатан ҳам жуда маза қилдим, – деди у якунида Омеро билан хайрлашаркан. – Операция қачон бўлишини ҳозирча билмайман, операция қилдиришга журъатим етадими, йўқми, буни ҳам ҳозирча билмайман. Лекин ҳаммаси яхши ўтса, биз яна кўришамиз.

– Нега ундан олдинроқ эмас? – сўради Омеро. – Хотиним Ласара бойларникида ошпазлик қилади. Қисқич-бақали гуруч таомини ҳеч ким унчалик зўр пишира олмайди. Бир куни кечки пайт меҳмонимиз бўлишингизни биз жуда хоҳлаймиз.

– Денгиз неъматлари менга ман этилган, лекин шундай бўлса-да, зўр мамнунийт билан еган бўлардим, – деди у. – Қачон боришим керак?

– Пайшанба куни бўшман, – деди Омеро.

– Жуда зўр, – деди президент. – Пайшанба куни кечки соат еттида сизникига келаман. Мамнунийт билан.

– Сизни опкетгани келаман, – деди Омеро. – Манзилингиз Отелери Дамедаги Индустрى кўчаси, ўн тўртинчи уйда. Вокзал ортида. Тўғрими?

– Тўғри, – деди президент ва тавозе билан ўрнидан турди. – Кўряпманки, ҳатто, туфлимнинг размерини ҳам биласиз.

— Албатта, сеньор, — деди Омеро мамнун бўлиб, — кирқ биринчи.

Лекин Омеро Рей президентга бир гапни айтмади. Кейинчалик у узок йиллар мобайнида эшитгиси келган ҳар бир кишига бу гапни такрорлаб юрди: дастлаб унинг нияти уччалик яхши бўлмаганди. Касалхонанинг барча хайдовчилари сингари, у дафн идоралари ва суғурта компаниялари билан bemорлар, айниқса, камбағал ажнабийлар ҳақида келишиб қўйган эди. Бундан келадиган даромад айтишга арзигулик эмасди, бунинг устига бу пулни оғир bemорлар тўғрисидаги маҳфий маълумотларни оғиздан-оғизга етказадиган бошқа хизматчилар билан баҳам кўришга тўғри келарди. Лекин, шунга қарамай, ҳеч қандай истиқболи йўқ, хотини ҳамда икки боласи билан арзимаган маошга амал-такал қилиб кун кечирадиган қочок учун бир оз мадад эди.

Унинг хотини Лесара Дэвис анча тадбири эди. У Сан-Хуандан чиккан типик Пуэрто-Риколик дурагай аёл бўлиб, тўладан келган, паст бўйли, териси жигарранг, кутурган қанжикникига ўхшаган кўзлари феъл-авторига жуда мос эди. Улар bemорлар шафқат юзасидан текин даволанадиган бўлимда танишгандилар. Қизни ватандоши бўлган бир судхўр Женевага эгалик қилишга олиб келган, кейин ташлаб кетганди. Шундан кейин у навбатчи сантар бўлиб ишга кирган эди. Гарчи қиз Йоруба қабиласига мансуб малика бўлса-да, улар католик маросимига кўра турмуш қуришганди. Улар африкалик муҳожирлар яшайдиган лифтсиз тўққиз қаватли уйнинг саккизинчи қаватида жойлашган икки хона ва бир меҳмонхонадан иборат хонадонда истиқомат қилишарди. Уларнинг тўққиз ёшли Варвара исмли қизи, етти яшар Ласаро исмли ўғли бўлиб, ўғлида аклий заифлик аломатлари бор эди.

Ласара Дэвис аклли, бадфеъл, лекин ботинан мушфик аёл эди. У ўзини аник-тиник Бука буржига мансуб деб

ҳисоблар ва юлдузлар башоратига кўр-кўёна ишонарди. Бирок унинг миллионерларга фол очиб пул ишлаш орзуси амалга ошмаганди. Аксинча, у бойвучча хонимларга таом пишириб, тасодифан ишлаб топган пуллари ҳисобига рўзғор тебратарди. Баъзан бу даромадлар тузуккина бўларди. Бу бойвуччалар меҳмонларни иштаҳа қитикловчи антика овқатлар билан сийлашар, уларни ўзим пиширганман деб мактанаар эдилар. Омеро рисоладагидан четга чиқмайдиган тортичок одам бўлиб, килаётган ишидан бошқа нарса қўлидан келмасди. Шундай бўлса-да, Ласара ҳаётини усиз тасаввур қилолмас, покиза қалбли эрини қадрлар эди. Йил ўтган сайин ҳаёт оғирлашиб бораётган, болалар вояга етаётган бўлса-да, қийинчиликларга қарамай, улар тотувликда яшарди. Президент пайдо бўлган вақтга келиб, улар беш йил давомида йиккан пулларини оз-оздан сарфлашга киришган эдилар. Шунинг учун ҳам Омеро Рей президентни касалхонада маҳфий касаллар орасида кўрди дегунча, иштаҳалари карнай бўлиб кетганди.

Улар президентдан бу ишни қандай ва кайси ҳукукка асосан илтимос қилишларини аниқ билмасди. Аввалига жасадни мўмиёлаш ва Ватанг жўнатишни ҳам ҳисобга олган ҳолда бутун дафн ишларини таклиф қилмоқчи бўлишди. Аста-секин президент даставвал тувланидек, тез орада ўлмаслигини тушунишди. Меҳмонга чакиришган куни улар гумонлар гирдобида қолганди.

Тўғрисини айтганда, Омеро университет бригадаларининг бошлиғи бўлмаганди, бунақа гап асти бўлмаган ҳам, сайлов компаниясида ҳам бир марта, мана шу фотосурат олинган куни иштирок қилган эди. Фотосуратни жавонда қалашиб ётган эски қоғозлар орасидан зўрға қидириб тошишганди. Лекин унинг ҳиссиётлари қизғин ва самимий эди. У ҳакиқатан ҳам ҳарбий тўнтаришга қарши кўчалардаги намойишларда қатнашгани учун мамлакатдан

қочишига түғри келган, лекин Женевада бунчалик узок яшашнинг сабаби бор-йўғи қуёнюраклиги эди, холос. Ёлғон каттароқ бўладими, кичикроқ бўладими, нима фарқи бор, президентнинг меҳрини қозонса бўлди-да.

Ҳар иккаласи учун ҳам биринчи кутилмаган янгилик: машхур кочок, кўримсиз Гротт даҳасидаги тўртинчи тоифа меҳмонхонада осиёлик муҳожирлар ва фохишалар орасида яшар ҳамда арzon ошхоналарда овқатланарди. Ваҳоланки, қувфинга учраган сиёsatчилар учун Женевада муносиб резиденциялар тиқилиб ётибди. Омеро президент улар танишган кунда нима қилган бўлса, ҳар куни шундай қилганини ўз кўзи билан кўрди. Президент эски шаҳарнинг ваҳимали, сарик қўнғирокгуллар чирмашган деворлари орасида қиладиган сайрларида Омеро уни кузатиб борар, баъзан эҳтиётсизлик килиб, масофани қисқартириб кўярди. У президентнинг Кальвин ҳайкали пойида соатлаб ўйга чўмиб туришларини кўрди. Унинг орқасидан ясминларнинг иссиқ бўйидан нафаси тикилай-тикилай деб, тош зинапоялардан Бур-де-Фур тепалигига кадам-бақадам кўтарилар, ёзги қуёшнинг астаста ботишини томоша қиласарди. Бир куни кечки пайт уни пальтосиз ва шамсиясиз, ёмғир остида Рубинштейн концертига билет олмокчи бўлиб турган талабалар орасида кўрди. «Шамоллаб қолмаганига ҳайронман», деди Омеро хотинига. Яқинда ҳаво айний бошлиган шанба куни президент қувфингдаги амирлар савдо қиладиган Рю-де-Рон кўчасидаги ҳашаматли магазиндан эмас, балки эски-туски бозоридан сунъий мўйна ёқали эски пальто сотиб олганини кўрди.

– Демак, бош қотириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ! – Хитоб қилди Ласара Омеро бу ҳақда сўзлаб бераркан. – Ўтакетган курумсоқ экан. У ўзини давлат ҳисобига умумий мозорда дафн қилдирса керак. Биз ҳеч қачон ундан бир чақа ҳам ундира олмаймиз.

– Балки, у ҳақиқатан ҳам қашшоқдир! – деди Омеро. – Неча йиллардан бери ишсиз!

– Мен сенга шуни айтайки, балиқ буржи остида туғилган кишиларнинг ҳаммаси ҳам унга ўхшаб сувдан қуруқ чиқиши эплай олмайди, – деди Ласара. – Давлатнинг олтиналарини ўмариб кетганини ва Мартиникадан чикқан энг бой одам эканини ҳамма билади.

Хотинидан ўн ёш катта бўлган Омеро президент Женевада ўқиган вақтлари қурилишда оддий ишчи бўлиб ишлаганини билар ва шу таассурот остида ўсиб-улғайганди. Ласара эса, аксинча, президентга душман бўлган матбуотнинг шов-шувли фош этишлари мухитида ўсиб катта бўлганди. Бу шов-шувлар у ёшлигидан энага бўлиб ишлаган президент душманининг хонадонида янада бўрттириларди. Шунинг учун ҳам Омеро президент билан овқатланганидан боши қўкка етиб, қайтган куни президентнинг Омерони қиммат ресторанга таклиф қилгани Ласара учун асосий нарса бўлди. Омеронинг ўзлари орзу қилган нарсаларнинг бирортаси – на болалар учун нафақа, на ўзи учун касалхонада тузукроқ иш сўрамагани унга маъқул бўлмади. Ласаранинг гумонлари тўғри бўлиб чиқди: президент муллажирингларини жасадини муносиб тарзда дағн қилиш учун шон-шараф билан ватанига қайтаришга сарфлашдан кўра, мурдасини қузғуларга ташлашларини афзал кўради, шекилли. Омеро гапнинг сўнгига асраб қўйган хабар – президентни пайшанба куни қисқичбақали гуруч танавул қилишга таклиф этгани Ласаранинг сабр косасини тошириб юборди.

– Бизга шу етмай турувди, – бўкирди Ласара, – қисқичбақа консервасидан заҳарланиб шу ерда ўлиб қолса ва болаларга асраб қўйган арзимаган пулимизни уни кўмишга сарфламасак гўрга эди.

Шундай бўлса-да, хотинлик бурчига содик қолди. Қўшни аёлдан учта мельхиор қошиқ-пичок, шиша са-

латдон, бошқасидан электр қаҳва қайнатгич, учинчиси-дан каштали дастурхон ва хитойча қаҳва финжонлари олиб туришга түғри келди. У эски пардаларни янгисига алмаштириди, ҳолбуки, уларни фақат байрам кунлари осарди. Мебелларнинг ғилофини ташлади. Кун бўйи полларни ювиб тозалади, чангларни артди, нарсаларни у ёқдан-бу ёққа сурди. Хуллас, охир-оқибат натижа нияти-нинг тамомила тескариси бўлиб чиқди, ваҳоланки, у ха-лоллиги учун камбағал яшашларини кўз-кўз қилиб, пре-зидентнинг кўнглини юмшатмоқчи эди.

Пайшанба оқшоми эски пальто ва урфдан қолган шля-па кийиб олган, қўлида Ласарага аталган атиргул ушла-ган президент саккизинчи қаватга кўтарилиб, нафасини ростлаб олгач, оstonада ҳозир бўлди. Ласара унинг мар-донавор қиёфаси ва ўзини зодагонларга хос тутишидан ҳайратда қолди, лекин барибир уни қандай хоҳлаган бўлса, шундай иккиюзламачи ва йиртқич деб топди. Прези-дент унга кўпол, беандиша бўлиб кўринди, чунки овқат пишираркан, уйни қисқичбака ҳиди тутиб кетмасин деб, ойналарни ланг очиб қўйганди, у бўлса, оstonадан ҳат-лар-ҳатламас, гўё тўсатдан ҳайратга тушгандай кўзла-рини юмди ва қўлларини ёзиб: «Оҳ, денгизимизнинг бўй-лари!» дея хитоб килди. У Ласарага хасисларнинг хасиси бўлиб туюлди, чунки атиги бир дона атиргул келтирган эди. Униям, албатта, жамоат боғидан ўғирлаган. У та-каббур бўлиб туюлди, чунки унинг собиқ шон-шуҳрати ҳақидаги газета қийқимларини, сайловолди компания-си вимпеллари ва байрокчаларини нафрат билан кўздан кечирди. Уларни Омеро соддалик билан меҳмонхона деворларига осиб чиққанди. У Ласарага бағритош бў-либ туюлди, чунки ўз қўллари билан президентга совға тайёрлаган Барбара ва Ласаро билан ҳатто саломлашга-ни ҳам йўқ, бунинг устига овқат пайти гап орасида икки нарса – итлар ва болаларга тоқати йўқлигини қистириб

ўтди. Ласара уни ёмон кўриб колди. Бироқ, карибча туғма меҳмондўстлик таассуф устидан устун чиқди. Ласара байрамларда кийиладиган африкача кенг ва узун чопонини эгнига илди, ўзининг бор муқаддас тақинчоқлари, билакузукларини тақди, дастурхон устида биронта ортиқча килиқ қилмади, ортиқча гап айтмади. У факат бекаму кўстлик эмас, балки байни мукаммалик тимсоли эди.

Тўғрисини айтганда, қисқичбақали гуруч унинг ошпазлик санъатининг шоҳ асари эмасди, лекин у бор хунарини ишга солди ва, натижада, таом жуда зўр бўлиб чиқди. Президент, гарчи уй эгаларининг қўмсаш тўла хотираларига қўшилмаса-да, мақтай-мақтай ликопчасини икки марта гуручга тўлдирди, етилган бананлар, қовурилган бўлаклар ва овакадо салатидан боши осмонга етди. Ласара ширинликка гал келгунча ва Омеро Парвардигор барҳаклиги масаласининг моҳиятига етиб бормасиданок бутунлай чалкашиб қолгунга қадар сабр билан тинглади.

– Мен Худонинг борлигига ишонаман, – деди президент, – лекин у одамларнинг ишига аралашмайди. Унинг ўз ишлари бор.

– Мен бўлсам, факат юлдузларга ишонаман, – деди Ласара президентнинг юзида зоҳир бўлган қизиқишдан боши осмонга етиб. – Туғилган кунингиз қачонлигини айтинг.

– Ўн биринчи март.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, – деди Ласара шодон овозда ва тавозе билан сўради: – Бир дастурхон устида иккита балиқ кўплик қилмасмикан?

Эркаклар Худо тўғрисидаги сухбатни давом эттиридилар, Ласара қаҳва қайнатиш учун ошхонага кетди. Дастурхондаги овқат қолдиқларини у аллақачон йиғишириб олган ва меҳмондорчилик яхшилик билан тугашини жуда хоҳлаётганди. У қаҳвани кўтариб меҳмохонага кирав экан, гап давомида президент айтган гапдан қотиб колди.

– Ҳеч шубҳаланманг, азиз дўстим, агар мен яна президент бўлсам, бадбаҳт мамлакатимиз учун энг катта фалокат бўларди.

Омеро хитой финжонлари ва қарзга олинган қаҳва қайнаткични кўтарганча остонаядан қотиб қолган Ласарани кўрди ва у ҳозир ҳушидан кетиб йиқилса керак деб ўйлади. Президент ҳам аёлга қараб қўйди.

– Менга бунақа қараманғ, сеньора, – деди у юмшоққина қилиб. – Мен самимий гапиряпман. – Сўнг Омерога ўгирилиб, сўзини якунлади: – Тентаклигим боис мана шундай кунлар бошимга тушгани кўп яхши бўлди.

Ласара қаҳвани тарқатди, ёруғлик сухбатга халақит бермаслиги учун, стол устидаги чирокни ўчиради. Мехмонхонага фараҳбахш ғира-шира коронфилик чўқди. Ниҳоят меҳмон Ласарада қизиқиш уйғотди. Гапга чечанлиги унинг қайғу-ҳасратини пардалай олмаётганди. Президент қаҳвани ичиб бўлгач, финжонни ликопчага тўнкариб қўйганида Ласаранинг қизиқиши янада ортди.

Ширинликни тановул қилишгач, президент уларга қувғинда яаш учун нега Мартиникани танлаганини айтиб берди: чунки у шоир Эмей Сезер билан дўст эди – у ўша кунлари «Cahir d'un retour au pays natal»<sup>1</sup> китобини чоп эттирган ва янги ҳаёт бошлиши учун президентга ёрдам қилиши мумкин эди. Хотинига қолган мерос пулларига улар Фор-дэй-Франс тепалигидаги қимматбаҳо ёғоч ўйни сотиб олишди. Уйнинг дерезаларига симтўр тутилган, денгиздан ёқимли шабада эсган, стол устида шакарқамиш ромига тўла стакан турган, чирилдоқлар сайраётган вакъларда денгизга қараган ва жўн гулларга тўла айвонда мудраш жуда оромбахш эди. У бу ерда ўзидан ўн тўрт ёш катта бўлган, бор-йўғи бир марта тукқан вактидан буён касал хотини билан азалий нуксони – ло-

<sup>1</sup>«Ватанга кайтиш кундаликлари» (французча).

тин классикларини оригиналда ўқиш билан тақдирдан кочиб, ўз умрини охирги, якуний босқичини бошидан кечираётганига ишониб яшарди. Кўп йиллар давомида саноқсиз васвасаларга қарши бардош беришга тўғри келди. Тор-мор қилинган тарафдорлари унга қандай қалтис авантюраларини таклиф қилишмади.

— Мен биронта мактубни очиб кўрганим ҳам йўқ, — деди у. — Энг ошигич нарсалар бир ҳафтадан кейин унчалик ошигич бўлмай қолиши, икки ойдан сўнгра эса, хатто, бу хабарни ёзган кишилар ҳам уни унутишларини тушуниб етганимдан сўнг бу мактубларни бирон марта очганим йўқ.

У олов шуъласида Ласарага қаради. Аёл чекаётган эди ва у очкўзларча сигаретни тортиб олди. Қаттиқ тортди ва тутунни томоғида ушлаб турди. Ҳайрон бўлган Ласара сигарета қутиси ва гугуртни олиб, янгисини тутатмоқчи бўлди, лекин у сигаретани қайтариб берди.

— Сиз шундай хузурланиб чекяпсизки, нафс қуткусига бас келолмадим, — деди у. Шундай деркан, тутунни чиқаришга тўғри келди ва йўтал тутди. — Бу қусурдан кўп йиллар олдин воз кечгандим, лекин у мендан кечгани йўқ, — деб қўйди у. — Кўпинча у ғолиб келади. Худди ҳозиргидай.

Йўталдан уни бир неча бор қалтироқ тутди. Оғриқ пайдо бўлди. Президент чоғроқкина чўнтақ соатига қаради ва оқшомги иккита хабдорисини ичди. Сўнгра қаҳва финжони тубини дикқат билан текширди: яна ҳеч нарса ўзгармаган, бироқ у энди сесканмади.

— Собиқ тарафдорларимнинг баъзилари мендан кейин президент бўлишди, — деди у.

— Сайаго, — деди Омеро.

— Сайаго ва бошқалари, — деди у. — Ҳаммаси менга ўхшаб муносиб бўлмаган шарафни, эплай олмайдиган лавозимга қўшиб тортиб олишди. Айримлари факат ҳоки-

миятга, күпчилик бўлса бундан ҳам камроғига, мансабга интилишиди.

Ласаранинг жаҳли чиқди.

– Сиз ҳақингизда нималар дейишларидан хабарингиз борми? – деб сўради ундан.

Чўчиб кетган Омеро гапга аралашди.

– Бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон.

– Ҳам ёлғон, ҳам рост, – деди президент бамайлихотир. – Президент ҳакида гап борганида энг даҳшатли ифво айни вактда униси ҳам буниси ҳам: рост ҳам, ёлғон ҳам бўлиши мумкин.

Кувғинлик йилларида у расмий газеталаридағи камчил маълумотларни ҳисобга олмагандан, ташқи дунё билан ҳеч қандай алоқа қиласдан, Мартиникада яшади. Кун кўриш учун давлатга қарашли лицейда испан тилидан дарс берди, гоҳ-гоҳ Эмей Сезер бериб турган нарсаларни таржима қилди. Август ойининг иссиғига чидаб бўлмасди, у ётк-хонасидан чикмай, осма тўр беланчакда пешингача шамол парракнинг бир маромда шовкини остида ўқиб ётарди. Қуёшдан сақланиш учун сунъий мевалар ва гуллар билан безатилган, айвони кенг сомон шляпа кийиб олган хотини, хатто, куннинг энг жазирама палласида ҳам эркин кушларни боқиши билан шуғулланарди. Жазирама сусайган вақтлари салқин айвонда ўтиришроҳат бўларди. У қош корай-ган паллада қимирламай денгизни, йиртик шляпа кийган, барча бармокларига йирик тошли узуклар тақиб олган хотини эса, тебранма тўр курсига ястанганча ёнларидан сузиб ўтаётган жаҳон камераларини томоша қиласди. «Бу Поэрто-Рикодан келяпти, – деб қўярди у. – Тўлдириб банаң ортгани учун зўрга иммиллаб келаётган буниси бўлса, Поэрто-Сантодан». Қадрдон ўлкасидан бошқа мамлакатларнинг кемалари ҳам бу ердан ўтиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмасди. Президент ҳамма нарсага лоқайд эди, лекин унутиш борасида, ҳар қалай, хотини ундан

ҳам ўтиб тушди, у хотирасини йўқотди. Қуёш ботиб, қош корайгунга қадар улар шундай ўтиришар, шундан кейин ҳашаротлар хужумидан кочиб, уйга киришарди. Ана шундай август кунларидан бирида газета ўқиётган президент хайратдан сакраб турди:

– Жин урсин, бу қанақаси?! Мен Эсториледа ўлган эмишман!

Яхшигина мудраёган хотини қўркиб кетди. Шундокқина биқинларида, муюлишда босиладиган газетанинг бешинчи сахифасида олти қатор хабар босилган эди. Газетада унинг таржималари онда-сонда босилиб турар, газета мудири гоҳо уларни зиёрат қилиб туарди. Энди шу газетада унинг Лиссабонда, Эсториледа вафот этгани ҳакида ёзишганди. Эҳтимол, у ўлишини ҳечам хоҳламайдиган ягона жой ўша ер эди. Хотини эсида қолган ягона хотира – яккаю ёлғиз ўғлининг ҳасратида бир йилдан кейин ўлди. Ўгил отасини агдаришда қатнашган ва кейинчалик ҳамтовоклари томонидан отиб ташланганди.

Президент тин олди.

– Биз ана шундаймиз ва тақдирдан кочиб қутулиб бўлмайди, – деди у. – Қитъа дунёнинг севги нималигини етти ухлаб тушида кўрмаган пасткашларидан ҳомиладор, болалар бўлса, ҳайвоний ёки қароқчиларча зўравонлик, бир-бирини асти кўролмайдиган душманларнинг оғиз-бурун ўпишишлари мевасидир.

У Ласаранинг уни аёвсиз тилкалаётган африкача кўзларига тик қаради ва аёлни ўзининг синовдан ўтган қуроли – гапга чечанлиги билан мафтун қилмоқчи бўлди.

– «Метислаштириш», қориштириш ёки чатиштириш деган сўз кўз ёши билан қонни аралаштиришни англатади. Бунака қоришмадан нимани ҳам кутиш мумкин?

Ласара миқ этмади, сукути билан уни ўтирган жойига михлади. Бироқ ярим кечга яқин ўзини босиб олди ва хайрлашув олдидан уни тавозе билан ўпиди. Пре-

зидент Омерони меҳмонхонагача кузатиб боришига йўл кўймади, лекин такси топишга ёрдам беришига қаршилик кўрсатмади. Қайтиб келган Омеро хотинининг жаҳлдан жиғибийрон бўлганини кўрди.

– Уни ағдариб жуда тўғри қилишган, – деди хотини. – Бориб турган итвачча.

Омеро хотинини тинчтишга ҳарчанд уринмасин, кечани бедор ўтказиши. Ласара президентдай келишган эркакни кўрмаганини, у ўта мафтункор ва наслдор айғирга хос барча сифатларга эга эканини эътироф килди. «Қари туллак ва тинкаси қуриган бўлишига қарамай, ҳатто ҳозир ҳам тўшакда йўлбарсдай кучли бўлса керак», – деди у. Бирок, унинг фикрига қараганда, Худонинг бу неъматини у мугамбирлик йўлида исроф килган. Унинг мактанджоқлигига, гўё, мамлакатнинг энг ёмон президенти бўлганман дейишига тоқат қилиб бўлармиди?! Ўзини зоҳид қилиб кўрсатганига нима дейсиз, у Мартинкадаги шакар фабрикалари ярмининг эгаси эканига Ласаранинг имони комил-ку. Ҳокимиятни ёмон кўраман, деб мунофиқларча ёлгонлади, кўриниб турибди: душманларига тупроқ чайнатиш учун бир лаҳзага бўлса-да, президентликни қайтариб олиш учун борини беради.

– Буларнинг ҳаммаси, – деб хулоса қилди аёл, – бизни оёклари остида кўриш учун, холос.

– Бундан унга нима наф? – сўради Омеро.

– Ҳеч қандай, – деди Ласара. – Шунчаки ноз-фироқ – бу иллатни тўйдириб бўлмайди.

У ғазабдан шу даража қутурган эдики, Омеро тўшакда қола олмади ва кўрпага ўралиб, диванда ухлаб олиш учун меҳмонхонага кетди. Уй ичида қип-яланғоч юришга ва ухлашга одатланган Ласара ҳам тонгга яқин тўшакдан турди, қип-яланғоч ўтирганча, ўзига-ўзи узундан-узок сўзланди. Нихоят, вақти келганида у бу истал-

маган зиёфатни, заррача из колдирмай, хотирасидан бутунлай сидириб ташлади. Эрталаб қарзга олинган нарсаларни эгалариға кайтариб берди, янги пардаларни эскилариға алмаштириди, мебелларни ўз жойига қўйди ва уй яна кечаги оқшомгача бўлган ҳолатига, муносиб ва факирона кўринишга қайтди. Пировардида деворлардаги газета парчалари ва фотосуратларни, лаънати сайловолди компаниясининг байроқларини юлиб олди ва ҳаммасини ахлат қутисига улоқтиаркан, хайқирди.

– Ўлиб кетсин!

Зиёфатдан бир ҳафта ўтгандан кейин Омеро касалхонанинг чиқиши эшиги олдида президентни кўрди. Президент уни кутиб турган экан. У Омеродан бирга меҳмонхонага боришини илтимос қилди. Улар баланд-баланд уч қаватни босиб ўтиб, ягона дерезаси кулранг осмонга қараган болохонага кўтарилишди. Хона бўйлаб тортилган дорда ювилган кийимлар осиглиқ эди. Хонанинг ярмини икки кишилик каравот эгаллаган, бундан ташкари, стул, юз ювадиган жўмрак, мўъжазгина биде ва ойнаси тутилган оддийгина жавон ҳам бор эди. Президент буларнинг ҳаммаси Омерога қандай таъсир кўрсатганини кўрди.

– Талабалик йилларим ўтган уй худди шу, – деди у гўё кечирим сўрагандай. – Мен уни олдинданоқ, ҳали Фор-де-Франсда эканимдаёқ ижарага олдим.

У духоба сумкадан қолган-қутган захираларини, кимматбаҳо тошлар билан зийнатланган бир нечта олтин билагузук, уч катор дур шодаси, нодир тошли иккита тилла зебигардон, авлиёлар тасвири туширилган тилла занжирли учта медаль, зумрад исирғалар, битта бриллиант, битта ёқут зирак, иккита ладанли тумор, турли тошлари бўлган ўн битта узук, эҳтимол, кироличаники бўлган бриллиант тиллақошни олиб, тўшак устига ёйди. Кейин маҳсус ғилофдан уч жуфт кумуш запонка, галстукка ка-

даладиган икки жуфт олтин тұғнодыч, яна оқ олтин суви юритилган чүнтак соатини олди. Нихоят, пойабзал соли-надиган картон қутидан үзининг олтита – иккита олтин, битта кумуш, қолғанлари шунчаки темирдан ишланган орденларини олди.

– Менда қолған нарсаларнинг бори шу, – деди у.

Нима ҳам қиласы, даволаниш ҳақини тұлаш учун уларни сотишга тұғри келганди. У Омеронинг бу катта сирни сақлаган ҳолда үзиге ёрдам беришини хохлаётган зди. Аммо Омеро илтимосни дүйкөндөн патта олмасдан бажара олмаслигини айтди.

Президент бу буюмлар хотинига тегишли эканини, унга мустамлака йилларидан, бувисидан мерос бүлиб қолғанини айтди. Буви бўлса, үз навбатида, Колумбия-даги тилла конлари ҳиссасини мерос тариқасида олганди. Соат, запонка ва галстук тұғнадағыларни унинг үзиники. Орденлар бўлса, табиийки, олдин ҳеч кимга тегишли бўлмаган.

– Кимдир бу нарсаларга даъвогар бўлади деб үйламайман, – деди у.

Омеро үз сўзида туриб олди.

– Ундей бўлса, – деди президент, – ҳаммасини үзим қилишимдан бошқа чора йўқ.

У хотиржамлик билан жавохирларни йиғишира бошлади.

– Үтинаман, азизим Омеро, мени афв этинг, факир президентнинг қашшоқлигидан даҳшатлироқ нарсанинг үзи йўқ, – деди у. – Ҳатто, тирик юришнинг үзи ҳам но-мақбул.

Шунда Омеронинг қалб кўзи очилди ва у таслим бўлди.

Шу куни Ласара уйга кеч қайтди. Остонадан ҳат-лар-ҳатламас, меҳмонхонада ялтираётган жавохирларга кўзи тушиб, тўшагида чаён кўргандай қотиб қолди.

– Майнавозчиликни бас қил, ҳой бола, – деди у күрқа-писа. – Бу нарсалар қаердан келиб қолди?

Омеро ҳамма гапни тушунтиргандан кейин баттар хавотирланди. У ўтириб олиб, жавоҳирларни гўё заргардек битта-битталаб синчилаб текшира бошлади. Нихоят, тин олди. «Афтидан, дунёнинг бойлиги бўлса керак». Омерога тикилиб қолди, нима гаплигини тушуниб етмоқчи бўлди, лекин у гангиг қолганди.

– Жин урсин, – деди у. – Бу одам тўғрисини айтяптими-йўқми, қандай текшириш мумкин?

– Нега энди тўғрисини айтмас экан? – деди Омеро. – Ҳалигина ўз кўзим билан кўрдим. У кирини ўзи ювиб, худди биз сингари, хонасида қуритар экан.

– Бу очкўзликдан, – деди Ласара.

– Ёки камбағалликдан, – деди Омеро.

Ласара яна жавоҳирларни кўздан кечира бошлади, лекин энди олдингидай дикқат қилмаётганди. Дили вайрон бўлди. Шундай қилиб, эртасига ўзича энг қиммат қўйлакларини кийган, бўйнига тақинчоқларни осган, ҳар иккала қўлининг бармоқларига, ҳатто бош бармоғига сикқанича узук тақсан, билакларига билакузук солган ҳолда, у жавоҳирларни сотгани кетди. «Қани, кўрайлик-чи, Ласара Дэвисдан ким патта сўрар экан» деди у гердайиб уйдан чиқаркан ва кулиб қўйди. У атайлаб ҳашаматли бўлмаган одмирок тилла дўконни танлади, чунки бу ерда ортиқча савол бериб ўтирмасдан тилла буюм олиб-сотишларини биларди. Ласара дўконга ичидаги кўркув бўлса-да, шахдам кадам ташлаб кирди.

Форма кийган озғин ва рангпар саркор уни тавозе билан кутиб олди, қўлинини ўпиб, хизматга шай эканини айтди. Дўконнинг ичкариси кундузгидан ёруғ бўлиб, ойналар ва ёрқин чироқлардан ҳамма ёқ бриллиантга тўлиб кетгандай бўлиб туюларди. Ласара хийласини сезиб қолишидан чўчиб, саркорга деярли қарамай, дўкон тўрига йўналди.

Сотувчи Людовик XV замонаси услубига хос, хусусий пештахта сифатида ишлатиладиган учта столнинг бири ортига ўтиришни таклиф қилди ва олдига оппоқ сочик ёзди. Ўзи бўлса унинг рўпарасига ўтириб, кута бошлади.

– Хўш, хизмат?

Ласара узуклар, билакузуклар, дуру исирғаларни тақиб, осиб келган жавоҳирларининг барчасини пештахта устида шахмат тартибида қўйиб чиқди. Ўзи бу нарсаларнинг ҳақиқий кийматини билишни хоҳлаётганини айтди.

Заргар чап қўзига моноклни қистирди ва жавоҳирларни текшира бошлади. Текширишда давом этар экан, нихоят, сўради:

– Ўзингиз қаерлик бўласиз?

Ласара бундай саволни кутмаганди.

– О, сенъор, – уф тортди у. – Узоқдан.

– Мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим.

Сотувчи яна жим қолди, Ласара бўлса сариқ қўзлари билан унга тешиб юборгудай тикилиб ўтираверди. Заргар бриллиант тиллақошга алоҳида эътибор берди ва уни бошқалардан ажратиб қўйди. Ласара хўрсинди.

– Сизнинг паризод эканингиз очик-ойдин аён бўлиб турибди, – деди у.

– Бу гапни қаердан олдингиз?

– Хатти-ҳаракатларингиз айтиб турибди, – деди Ласара.

Заргар жавоҳирларни текшириб бўлгунча бошка хеч нарса демади, сўнгра худди олдингидай расмий сиполик билан Ласарага мурожаат қилди:

– Буларни қаердан олгансиз?

– Бувимдан мерос қолган, – деди Ласара овозида бетоқатлик оҳангига пайдо бўлиб. – У ўтган йили Парамарибода вафот этди, тўқсон олти ёшга кирганди.

Шунда заргар унинг қўзларига тикилди.

– Қаттиқ афсусдаман, – деди у. – Бу нарсаларнинг ягона қиймати олтинлигига, яъни вазнига кўра.

У бармок учida тиллақошни кўтарди. Тиллақош кўзни қамаштиргудай ярақлаб кетди.

– Мана шундан бошқаси, – деди у. – Бу жуда қадимий нарса, Мисрники бўлса керак. Бриллиантлари уннинг ганида унинг баҳоси йўқ бўлган бўларди. Лекин, баридан бир, у тарихий аҳамиятга молик. Бошқа тақинчоқлардаги тошлар – сафкарлар, зумрадлар опалларнинг ҳаммаси истисносиз сохта. Шубҳасиз, оддинига уларнинг ўрнида ҳақиқий тошлар бўлган. – Заргар Ласарага қайтариб бериш учун жавоҳирларни йиғиштира бошлади. – Лекин бу нарсалар авлоддан-авлодга ўтаверган, ҳақиқий тошлар йўқолиб, ўрнини шиша эгаллаган.

Ласаранинг кўнгли бехузур бўлиб кетди, чукур тин олди ва қўрқувини босди. Сотувчи унга тасалли берди:

– Бунақа ишлар тез-тез бўлиб туради, сеньора.

– Биламан, – деди Ласара тинчланиб. – Шунинг учун хам улардан кутулмоқчиман.

Шу чоғда у ўйин тугаганини ҳис қилди ва ўзини тутиб олди. Ортиқча сипогарчилик қилиб ўтирмай, сумкасидан запонка, чўнтақ соатлари, галстук тўғноғичлари, олтин ва кумуш орденларини президентнинг барча какир-кукурини олиб, стол устига кўйди.

– Буларни ҳамми? – сўради заргар.

– Ха, ҳаммасини, – деди Ласара.

Унга ҳақини яп-янги швейцария пуллари билан тўлашди. Ҳатто, Ласара пулларнинг янги бўёғи бармокларимни кир қилмасмикан, деб чўчиди. У пулни санамай олди. Заргар бўсагада аёл билан қандай сиполик билан саломлашган бўлса, шундай хайрлашди. Ойна эшикни очиб, уни ўтказар экан, хиёл имиллади.

– Охирги гапни айтай, сеньора, – деди у, – мен сувчиман.

Шу оқшомда Омеро Ласара билан бирга пулни мөх-  
монхонага олиб боришиди. Қайта-қайта санаңдан кейин  
маълум бўлдики, яна озрок пул етмас экан. Шунда пре-  
зидент никоҳ узуги, занжирили чўнтақ соати, запонка ва  
галстук тўғноғичини чиқариб, тўшакка қўйди.

Ласара никоҳ узугини қайтариб берди.

– Факат бу эмас, – деди у. – Хотира сотилмайди.

Президент унинг важ-корсонини тўғри деб топди ва  
узукни бармогига тақди. Ласара чўнтақ соатини қайтиб  
берди. «Буни ҳам», – деди у. Президент бу гапга қўшил-  
мади, лекин Ласара соатни жойига солиб қўйди.

– Швейцарияда ким ҳам соат сотиши мумкин?

– Биз биттасини сотдик-ку, – деди президент.

– Лекин соат бўлгани учун эмас тилла бўлгани учун  
олишган.

– Буниси ҳам тилладан, – деди президент.

– Ҳа, шундай, – деди Ласара. – Лекин сиз операция  
қилинмасангиз ҳам яшай оласиз, соатсиз яшай олмай-  
сиз.

Гарчи президентнинг бошқа, мугуз қўзойнаги бўл-  
са-да, Ласара тилла гардишли қўзойнагини олмади. Аёл  
буюмларни кафтида салмоклаб кўрди ва шубҳаларга чек  
қўйди.

– Бўлди, – деди у. – Шулар етади.

Эшикдан чиқишдан олдин бир оғиз сўзламай, дорга  
осиғлик хўл кийимларини йиғишириб олди, қуритиш  
ва дазмоллаш учун олиб кетди. Улар мотоциклда, Оме-  
ро рулда, Ласара орқада белидан қучган ҳолда кетишиди.  
Оқшом осмон қизғиши тусга кирганида кўча чироқлари  
ёнди. Шамол дарахтларнинг сўнгги япроқларини ҳам  
учириб кетди ва улар пати юлинган күшга ўхшаб қолди.  
Рона дарёси бўйлаб куйига сузиб кетаётган юк кемасида  
радио варанглаб, сохил бўйи кўчаларини мусиқага тўл-  
дирди. Жорж Брассен куйлаётган эди:

«Mon amour tient la barre, le temps va passer par là,  
et le temps est un barbare dans le genre d' Attila, par là où  
son chèvre passe l'amour ne repousse pas»<sup>1</sup> Омеро билан  
Ласара ашуладан ва сўлимайдиган сунбуллар ҳидидан  
сармаст ҳолда чурқ этмай кетиб боришарди. Бир оз  
вакт ўтгандан кейин Ласара узок уйкудан уйғонгандай  
бўлди.

- Жин урсин, – деди у.
- Нима демоқчисан?
- Шўрлик қария, – деди у. – Бу ҳаёт дегани б...нинг  
ўзгинаси!

\* \* \*

Кейинги жума қуни, еттинчи октябрда президентни  
операция қилишди. Беш соат давом этган операциядан  
кейин ҳам аҳвол олдин қандай бўлса шундай мужмал-  
лигича колаверди. Гапнинг пўскалласини айтганда,  
унинг тирик қолгани ягона тасалли эди. Ўн кундан ке-  
йин президентни умумий палатага ўтказиши. Энди уни  
бориб кўриш мумкин эди. У тамомила бошқа: паришон,  
озиб-тўзган, сийрак соchlари ёстиққа тегиши билан тўки-  
ладиган одамга айланганди. Унинг биринчи марта бир  
жуфт маҳсус ортопедик қўлтиқоёқ ёрдамида юришга  
уринганини кўриб, кишининг юраги эзилиб кетарди. Ласа-  
ра кечки санитаркага пул кетказмаслик учун палатада  
тунаб қолди. Касаллардан бири ўлимдан кўркиб, кечаси  
билан бақириб чиқди. Бедор ўтган бу кечалар Ласаранинг  
калбидаги президентга нисбатан сўнгги ғазаб қолдиқла-  
рини таг-томири билан қуритди.

Президентга касалхонадан чиқишига рухсат бериш-  
ганида унинг Женевага келганига роппа-роса тўрт ой

<sup>1</sup> Биз севгини йўлларга ўхшатамиз, вакт йўлдан ўтиб боради, вакт – вах-  
ший, хун Атилла кўшини билан Римга бостириб бораётир. Севги, сен мени  
унинг отининг туёклари остига ташлайсан.

тўлганди. Президентнинг такчил маблағларининг тежамкор бошқарувчиси бўлган Омеро касалхона харажатларини тўлади, ўзининг «Тез ёрдам» каретасида уни ўз уйига олиб борди ва кўмакка келган ҳамкаслари билан уни саккизинчи қаватга олиб чиқди. Улар президентни болаларнинг хоб хонасига жойлаштирилар ва президент аста-секин тузала бошлади. У ҳарбийларча интизом билан тикловчи машқлар қиласади, сўнгра аста-секин ҳассасига суюниб юра бошлади. Лекин эндиликда, ҳатто пўрим кийимда у ташки кўриниши билан ҳам ҳулқ-автори билан ҳам олдингисига ҳечам ўхшамасди. Қиши совуғидан чўчиб (қиши қаттиқ келади дейишганди, дарҳақиқат, бу кейинги юз йил ичидаги энг қаҳратон қиши бўлди) врачларнинг яна бир оз вақт кузатувда тутиш ниятига қарамай, ўн учинчи декабрда Марселдан жўнайдиган кемада уйга қайтишга қарор қилди. Охирги лахзаларда унга пул етмаслиги маълум бўлиб қолди ва Ласара Эрига билдирамай, болалар учун йиғиб қўйган пулидан озрок қўшмоқчи бўлди. Аммо қараса, ўзи ўйлаганидан камроқ пул колган экан. Шунда Омеро унга билдирамай, бу пулларнинг бир қисмини касалхона харажатини тўлашга сарфлаганини тан олди.

– Майли, – ён берди Ласара. – Уни бизнинг катта ўғлимиз деб хисоблаб қўя қоламиз.

Корбўрон кутуриб турган ўн биринчи декабрь куни улар президентни Марселга борадиган поездга ўтказиши. Уйга қайтиб келишганида эса болалар хонаси-даги кичик жавон устида унинг видолашув мактубини топиши. Ўзининг никоҳ узугини ва мархум хотинининг сотишини ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган узугини Барбарага, занжирли соатни эса, Ласарага қолдирган эди. Президентнинг кетадиган куни якшанбага тўғри келди ва сирдан аллақачон воқиф бўлган кариблик баъзи қўшилар арфа чаладиган веракруслик созандалар билан

Корнавэн вокзалига келишди. Президент унниқиб кетган пальто ва илгарилари Ласараники бўлган узун, рангдор шарфда хансираф нафас олаётган бўлса-да, охирги вагон-нинг очик тамбурида турганча бўралаб ёғаётган кор остида кузатувчиларга шляпасини силкитиб кетди. Омеро қўлида президентнинг ҳассаси қолганини тўсатдан сезиб қолганида, поезд тезликни оширган эди. Омеро платформа охиригача чопиб борди ва президент илиб олиши учун ҳассани бор кучи билан отди, лекин ҳасса ғилдирак тагига тушиб, бўлак-бўлак бўлиб кетди. Бу жуда аянчли манзара эди. Ласаранинг энг охирида кўргани – ҳассани тутишга уринган, лекин тутолмаган қалтираган қўллар ва ҳавода муаллақ қолган, бошдан-оёқ қорга беланганд қарияни шарфидан ушлаб куткариб қолган йўл бошловчи бўлди. Кўзлари ёшга тўла бўлса-да, кулишга уринган Ласара даҳшатга тушиб, эри томонга ошиқди.

– Ё, Худойим-эй, – ҳайқирди у. – Уни оладиган ажалнинг ўзи йўқ.

Президент узундан-узок миннатдорчилик телеграммасида ёзганида, манзилга эсон-омон етиб борганди. Кейин бир йилдан кўпроқ вақт ичиде улар у ҳақида хабар эшишишмади. Ундан сўнгра қўлда ёзилган олти сахифалик мактуб келди. Бу хатнинг тамомила бошқа одам ёзганга ўхшарди. Яна илгаригисига ўхшаш қаттиқ ва кетмас оғриқлар бошланган, лекин у бунга парво қилмай, борига шукур қилиб яшашга қарор қилганди. Шоир Эме Сезар унга ялтироқ қадама нақшли ҳасса совға қилди, лекин у ҳасса ишлатмасликка қарор қилди. Мана олти ой бўлдики, у мунтазам суратда гўшт истеъмол қиласди, кунига йигирма финжон энг аччик қахвадан ичади. Лекин қахва қуйқасига қарамайдиган бўлди, чунки очилган фолларнинг тескариси бўлиб чиқди. Етмиш беш ёшга тўлган куни у бир неча қадаҳ зўр мартиника роми ичди, ўзини жуда яхши хис қилди ва яна чекишни бошлаб

юборди. Албатта, унинг аҳволи яхшилангани йўқ, лекин ёмон ҳам бўлмади. Бироқ мактуб ёзишдан мақсади адолат ва Ватан шон-шуҳрати учун янгидан бошланган ҳаракатга бошчилик қилишдир, балки. Эҳтимол, кексалик тўшагида ўлиб кетмасликдек мағруона истак учунгина Ватанга қайтишга ҳаракат қилаётганини уларга билдириш бўлгандир. Шу маънода, деб якунланганди у мактубини, Женева сафари унинг учун туб бурилиш бўлганди.

---

**Роберт ФИШ,  
АҚШ.**

## САМОЛЁТДАГИ ЎГИРЛИК

Охирлаб қолган ёз фаслининг илик куни. Пастқам Теннеси тоғлари ортида бир парча булат сузиди. Булутнинг изига тушгандай самолёт парвоз килаёттир. Бу – Нью-Йорк – Янги Орлеан йўналиши бўйлаб парвоз килаётган «727» йўловчи самолёти.

Учувчилар хонасига кириладиган торгина эшикдан дўлвор алоқачи пишиллаб кириб келди. Биринчи учувчига имо қилиб, ўз жойиға ўтириди ва наушникни тақди. Учувчи унга диққат билан тикилди. Алоқачининг хотиржам қиёфасига назар ташлаб, ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилди ва яна бир парча булатга тикилди. Пастда кўзгудай силлиқ денгиз юзида күёш нурлари мавжланарди. Биринчи учувчи микрофонни кўлига олди, овозини пасайтириб мусика кўйди, кейин эса радиосет орқали салондаги йўловчиларга мурожаат килди:

– Хонимлар ва жаноблар, самолёт капитани гапираёттир. Ўнг томонда, бир оз олдинда Уотс-Би кўли ястанган. Кўлнинг жанубидаги тўғонни сизлар ҳам томоша килсангиз бўлади.

У гапини тугатишга улгурмади – рўпарасидаги огоҳлантирувчи лампочка ўчиб-ёна бошлади. Капитан тумблер тугмасини босди:

– Эшитаман.  
– Капитан, Кларисса гапираёттир. Бу ерда... Бу ерда кўнгилсиз воқеа, капитан.

– Нима бўлди?

– Қандайдир йўловчи Милли билан хожатхонага бекиниб олди. Йўқ, йўқ, бу шунчаки безорилик эмас, – шоша-пиша гапирди стюардесса, гўё нотўғри тушунишларидан чўчигандай. – Бу – ўғирлик!

Унинг овози кўркувдан титрарди.

Алоқачи учувчиларга саволомуз тикилди. Иккинчи учувчи ўрнидан қўзгалмоқчи бўлди, бироқ капитан, жойингга ўтирилган, дегандай имо қилди ва микрофонга юзланди:

– Кларисса, полиция агенти ҳозир қаерда?

– Ёнимда ўтирибди.

– Йўловчилар хотиржамми?

– Хотиржам, ҳозирча ҳеч кимнинг ҳеч вақодан хабари йўқ.

– Жуда соз. Йўловчиларга ҳеч нарса айтманлар. Телефон гўшагини полиция агентига бер.

– Салом, капитан! – дарҳол полициячининг хириллаган овози янгради. – Ҳаммаси кутилмаганда рўй берди. Бу кимса хожатхона томон йўл олди, ҳеч кимнинг эътиборини тортгани йўқ. Тамбурга кирганда стюардесса ҳам ўша ерда экан, ўзи билан бирга хожатхонага мажбуран олиб кирибди. Мен ёпик эшик оркасида туриб гаплашдим. Миллининг ахволи ёмон эмас. Айтишича, анови кимсанинг тўппончаси, пичоғи, колаверса қўлида нитроглецирен тўла шиша ҳам бор эмиш. Милли, шишада қуюқ сарик суюклик бор, деб айтди... – Агент йўталди ва иккиланиб сўради: – Нима қиламиз, капитан?

– Ҳеч нима! – капитан дарҳол кескин жавоб берди. – Бу таскара шўрлик Миллини эшикка тираб турган кўринади. Бинобарин, курол ишлатишнинг иложи йўқ. Кларесса билан бирга бориб, у билан гаплашишга, нияти нима эканини билишга уриниб кўринг. Мен эса Янги Орлеан билан боғланаман.

Алоқачи Янги Орлеандаги аэропортнинг диспетчери билан бошлади.

– Кларесса!

– Лаббай, капитан.

– Ҳожатхона эшигига «Ҳожатхона ишламаяпти» деган лавҳани илиб, пардани ҳам тортиб қўй. Миллининг аҳволи яхшими?

– Бир дақиқа... Тўхтаб туринг, у нимадир демоқчи. Салом, капитан! Миллининг айтишича, бу жаноб Жексонвилл томон парвоз килишимизни, ўша ерда кўшимча ёнилғи олишимизни талаб қилаётир.

– Жексонвилда нима бор? Ёнилғимиз бусиз ҳам Мексикагача етади!

– Гапингизни унга етказаман.

– Менга қара, йўловчилар рўйхатини кўздан кечирмадингми? Бу кароқчи ким бўлди? Исми-шарифи?

– Хартфордлик Чарлз Вагнер. Иллюминатор ёнидаги 16-ўриндиқда ўтирганди.

– Кўриниши қандай?

– Кўринишими?.. – Кларисса бир оз тутилиб қолди. – Ҳамма қатори... Ўттиз ёшлар атрофика, соchlари узун, турқи совук...

– Бирон ичимлик ичдими?

– Фақат пиво. Назаримда, маст эмас. Энди нима киласиз?

– Йўловчилардан ҳеч кимни ҳожатхона томонга ўтказма. Тушундингми?

– Янги Орлеан! – айни шу палла хитоб қилди алоқачи.

Динамик тилга кирди:

– Нима бало бўлди?

– Самолётда ўғри бор. Стюардесса билан ҳожатхонага бекиниб олди. Қуролланган. Қўлида нитроглицерин тўлашиша ҳам бор.

– Қайси шаҳарга учишни талаб қиляпти?

- Кўшимча ёнилги олиш учун Жексонвиллга.
- Капитан, алоқада қолинг. Бу хабарни маъмуриятга ва хавфсизлик хизматига етказаман.

Капитан сукут саклаганча рўпарадан кўз узмас, унинг корамагиз япалоқ юзи қотиб қолгандай эди. Учувчилар хонасига хавотирли сукунат чўкди, фақат самолёт двигателларининг гувуллаши ва радиоаппаратураларнинг шиғирлаши эшитиларди. Динамик яна тилга кирди:

- Капитан Литтлжон? Микрофон олдида хавфсизлик хизматининг ходими. Сизларга йўналишни ўзгартириб, Жексонвилл томон учишга рухсат бераман.

Иккинчи учувчи шу заҳоти хатжилдан янги харитани чиқарди. Литтлжон унга имо қилиб, штурвални қўлга олди. Бир оз ўйлагандан кейин микрофонни ёқди:

- Хонимлар ва жаноблар! Сизлар тоғлар ва Теннеси қўлини яна бир бор томоша қилишинглар учун ортга қайтамиз.

Самолёт жанубий-шарққа бурила бошлади.

- Яхши қилдингиз, – динамикдан маъқулловчи овоз эшитилди. – Йўловчилар билмагани маъқул, ортиқча муаммонинг нима кераги бор... Энди Жексонвилдаги хавфсизлик хизмати билан боғланинг. Уларни огохлантириб қўйдик.

– Тушунарли, – лўнда жавоб берди капитан ва елкаси оша харитага тикилди.

- Капитан! – мурожаат қилди Кларисса.
- Ҳа, эшитяпман.

– У йўловчиларнинг ҳаёти ва самолёт эвазига пул талаб қилаётир. Пулни Жексонвилда олишим керак деяпти. Унинг талабини қондирмасак, олдин Миллини отиб ташларкан, кейин эса самолётни портлатмоқчи.

- Қанча талаб қилаётир?
- Чорак миллион...

Литтлжон микрофонни қўлга олди:

– Янги Орлеан! Хавфсизлик хизмати. Мени яхши эшитяпсизми?

Нотаниш овоз жавоб берди:

- Бу Жексонвилл. Сизни эшитяпман.
- Ўғри чорак миллион доллар талаб қилаётир.
- Ўғрининг исми шарифи борми?
- Хартфордлик Чарлз Вагнер. Асли ким экани номаълум.
- Бошқа талаблари ҳам бормикан?
- Бир оз қутиб турсангиз, билиб бераман.

Литтлжон ички алоқа билан боғланди:

- Кларисса, бу йўлтўсарнинг бошқа талаби йўқми?
- Ҳаммомни орзу қилган түянинг нақд ўзи! Пуллар хар бири эллик долларлик, йигирма беш минг доллардан дасталанган, яна жомадонда бўлишини талаб қилмоқда. Қолаверса, аэропорт биносидан имкон борича узокроқда, «727» самолёти учун йўлакнинг энг охирида тўхташимизни талаб қилаётир.

– Кларисса, бир оз сабр қилгин. Жексонвилл, сиз ҳаммасини эшитдингизми?

- Ҳаммаси тушунарли. Давом этинг.
- Кларисса, гапиравер.
- Ўғри «самолётга ҳеч ким яқин йўламасин», деди. Барча шартларига рози бўлсак, йўловчиларнинг ҳаммасини самолётдан тушириб юбораркан. Пул самолётга олиб чикилгач ва самолёт яна ҳавога кўтарилгач, ҳожатхонадан чиқармиш. Пул солинган жомадонни самолётга кириш йўлагида қолдиришни сўрайяпти. Бундан ташқари, иккита парашют ҳам керак, демоқда.

– Иккита?

– Ҳа, иккита. Биттаси спорт парашюти, иккинчиси ҳарбий парашют.

– Бир дақиқа...

Хавфсизлик хизмати ходими кимгадир топширик бераетгани динамиқдан эшитилиб турарди: «Дарҳол су-

риштилинг – Чарлз Вагнер Хартфордда бирон-бир спорт клубига аъзо эмасмикан? Балки, унга якинроқ жойдаги клубга аъзодир...»

– Яна нима?

Кларисса:

– Ҳозирча факат шу...

– Яхши.

Биринчи учувчи микрофонга юзланди:

– Шамол йўналишидан қатъи назар «727» йўлагига кўнишга рухсат беришингизни сўрайман.

– Рухсат.

– Пуллар-чи?

– Пуллар бўлади. Парашютлар ҳам.

Капитан, ниҳоят, диққат билан самолётни бошқара бошлади. Шаркка қараб парвоз қилишарди. Алоқачи парвоз йўналиши тизимини Жексонвилл радар станциясига ўтказди. Двигателлар бир маромда гувиллар, пультлар ва асбобларнинг чироқлари шом коронғисида ёркинрок порлар, экипаж аъзоларининг ташвишли чехраларида ранг-баранг жилвалар ҳосил қиласди. Ниҳоят, Жексонвилл чироқлари ҳамда соҳил шарпаси кўринди. Самолёт пастлай бошлади. Литтлжон бошқарувни иккинчи учувчига топширди, ўзи эса микрофонни қўлга олди:

– Ҳонимлар ва жаноблар, об-ҳаво нокулай бўлгани учун Флорида штатидаги Жексонвилл шаҳрига учишга мажбур бўлдик. Қўнганимиздан кейин маҳаллий аэропортнинг маъмури саёҳатингизни давом эттириш учун зарур барча ахборотларни маълум қиласди. Сизларни янги Орлеанга етказа олмаганимиздан жуда афсусдамиз... Ҳозир эса чекишни бас қилиб, камарларни такиб олишларингизни сўрайман.

Кейин самолёт кўнди. Трап томонидан йўловчиларнинг норози оҳангдаги гап-сўзлари анчагача эшитилиб турди, ниҳоят, салон тинчиб қолди. Самолёт бакларига

ёнилғи қуйилгач, күниш йўлагининг четига микроавтобус келиб тұхтади. Ундан иккита эркак тушди. Улардан бири ихчам жомадон ва парашют құтариб олганди. Иккінчиси-нинг кўлида ҳам парашют бўлиб, анча катта эди. Иккаласи ҳам трап зиналари бўйлаб кетма-кет қўтарилиб, кўлла-ридаги нарсаларни чиқиши люки олдига кўйди. Уларнинг биринчиси ичкарига мўралаб, йўлакнинг охирида турган баланд бўйли, оқишдан келган формадаги стюардессага хайрихохлик билан кўл силкиди. Кларисса алам билан жилмайганча бош ирғади. Иккінчи эркак ҳам бошини сукиб қаради, сўнг ўзаро шивирланганча пастга туша бошладилар. Микроавтобус жўнаб кетгач, биринчи учувчи ички алоқа тизими бўйича стюардессага мурожаат қилди:

– Салом, Кларисса!

– Лаббай, капитан.

Анави каллакесардан қаёқка учишимизни сўра.

– Бир дақиқа... – Кларисса бир неча сония дамини чи-кармади. – Капитан, Майамига учишимизни талаб қиляпти. Айтишича, тезлик соатига тўрут юз километрдан ошмасин, баландлик эса, тахминан, олти минг километр атрофига бўлсин экан. Орка эшик очик бўлишини ҳам талаб қиласпти...

Хавфсизлик хизмати ходими шу захоти радио орқали сўради:

– Капитан, сизнинг самолётингиздан парашютда сакраса бўладими?

– Бўлади, шекилли, – жавоб берди Литтлжон, дина-микка кўз кирини ташлаб, бир оз ўйлаб, қўшиб кўйди:

– Чамаси, шу мақсадда «727»ни танлаган. Ахир «Боинг 707» ёки «Боинг 747» русумли самолётларидан сакраб бўлмайди. Авиациядан хабардор кўринади... Нима бўлганда ҳам, ҳаммасини олдиндан пухта режалаштирган.

– Икки юз эллик минг долларни қўлга киритиш учун, албатта, росмана жон койитган-да, – киноя билан жа-

воб берди динамик. – Бундай сармоя учун одам ўзини томдан ташлаши ҳам ҳеч ғап эмас. Дарвоқе, капитан, парашютчилар клубларини текширганимиз ҳеч қандай наф бермади.

– Эҳтимоллар кўп, ахир, – елка қисди Литтлжон. – Масалан, парашютчилар ҳарбий қисмида хизмат қилиши ҳам мумкин. Бу биринчидан. Иккинчидан, балки, бундай ҳунар билан уйидан олисда шуғулланар? Ниҳоят, исми шарифини ўзгартирган бўлиши ҳам мумкин...

– Гапингиз тўғри, капитан, ҳаммаси эҳтимолдан холи эмас. Айтингчи, очик эшик билан қандай парвоз қилмокчисиз? Хатарли эмасми?

– Хатарли, албатта. Имкон борича мақсадга мувофик баландликда ва тезликда учишга ҳаракат қиласиз. Бахтимизга, бу қароқчи тепамизда туриб олгани йўқ-ку! – Литтлжоннинг овозидан хаяжонланаётгани билиниб колди, чамаси, унинг ҳам сабру токати тугаётганди.

– Биздан яна нима талаб қилинади? – деди у сабрсизлик билан динамикка юзланиб.

Динамикдан қандайдир шовқин эшистилди ва нотаниш овоз эшистилди:

– Салом, капитан! Сиз билан хавфсизик хизмати майори Уиллоби гаплашаётири. Бирон аниқ таклифингиз борми?

– Ҳм... – Литтлжон маслаҳат сўрамоқчи бўлгандай иккинчи учувчига кўз кирини ташлади. У эса нигоҳини олиб қочди. – Биз кўл устида учишимиз мумкин... Ўғри кўлга сакрамайди. Сизлар вактдан фойдаланиб енгил самолётларни учирасизлар ва изимизга тушасизлар.

Ҳарбий авиацияда хизмат қилган иккинчи учувчи минғирлади:

– Лекин унутманглар, агар у йўлини қилиб бир юз эллик километр тезликда сакраса, тун коронгисида илғай олмайсизлар!

– Кўлдан чиқармасликка ҳаракат қиласиз, ҳавза бўйлаб парвоз қилсангиз бас. Бу йўналишдан бошқа самолётлар парвоз қilmайди. Сув ҳавзаси узра имкон борича кўпроқ учинглар. Енгил самолётлар сизларга етиб олади!..

– Ҳаммаси тушунарли.

– Капитан, – сухбатга аралашди Кларисса. – Ўғри асабийлашяпти!

– Унга айт, ҳозироқ ҳавога кўтарилими.

Двигателлар зўрикиб гувиллар экан, улкан қуш каби самолёт учиш йўлаги бўйлаб пилдирай кетди. Ердан кўтарилиб, тун осмони бағрида кора кўланкага айланди. Самолёт соҳилга етади деб қолганда хавфсизлик хизмати ходимининг овози янгради:

– Тасқара Вагнер жойидами?

– Қаёқка ҳам борарди, касофат, – зарда билан деди биринчи учувчи. – Нихоят, ҳадемай ҳожатхонадан чиқса керак. Лекин чиқиши билан сув устида учётганимизни кўради... – Учувчи боши билан имо қилди ва бошқа гап айтмади.

– Алоқани узманг, ҳамиша бoggанишда бўлинг!

– Капитан!

– Нима гап, Кларисса?

– У чиқмоқчи бўлаётир.

– Гапимга қулок сол, қизалоқ! – Литтлжон атайлаб овозини баландлатди. – Сенинг микрофонинг шнури етарли даражада узун, бинобарин, биринчи қатордаги ўриндиқча ҳам жойлашиб олишинг мумкин. Жойлашиб олгач, ҳимоя камарини тақиб ол. Қароқчининг қўлидан омон қутилгач, Милли ҳам шундай қилсин. Тушундингми? Анави сурбет хоҳлаган жойида сакраб, жаҳаннамнинг қаърига тушмайдими! Лекин сизларни Худонинг ўзи паноҳида асрасин! Гапимни эшитдингми?

– Ҳа, капитан, ҳа... Камарни тақиб олдим. Бир дақиқа!..  
У чиқаётир!

– Милли-чи?

– У ҳам. Вой Худойим, адойи тамом бўлибди, бечора Милли! Бу ёкка кел... Менинг ёнимга. Ўтири. Кел, ҳимоя камарини тақиб қўяман. Мана шундай, бўлди...

Сукунат чўқди, факат қизларнинг пиқиллаб йиглагани эшитиларди.

– Капитан, сув узра учайдонганимизни пайқаб қолди! Вой!.. Тўппончасини чиқараётир... Вой худойим!.. Сохил томон учишни талаб қилаётир, капитан... У...

Ўқ овози янгради, Клариссанинг кейинги сўзларини эшитиб бўлмади.

– Диққат, капитан! Майор Уиллоби гапиряпти. Буюраман: самолётни соҳил томон буринг!

– Кларисса, нима бўлди?! – самолётни соҳил томон аста буаркан Литтлжон қичкирди.

– Худо асрари... – овози титраганча деди стюардесса. – У очик эшик томон ўқ узди. У айтяптики...

– Тўхта! Уни ёнингга чақир, нима дарди бўлса, микрофонга ўзи гапирсин.

– Ҳозир... – Клариссанинг овози зўрга эшитилди. – Капитан, у сиз билан гаплашмоқчи эмас. Аввал Окала, кейин Тампа томон учишингизни талаб қилаётир. Тампада bemalol ерга кўнасизлар, мен йўл-йўлакай сакрайман, деб ваъда беряпти.

Яна майор Уиллобининг овози янгради:

– Капитан, қароқчининг ҳамма талабларини бажаринг. Соқчи самолётлар ҳавога кўтарилиган, сизларга етиб олади. Бутун Флорида полицияси оёққа турган, барчаси «Вагнер» деган кимсанинг изига тушади, қочиб кетолмайди.

– Флоридада пана-пастқам жойлар кўп-ку... – иккиланиб жавоб берди Литтлжон. – Майли, мен нима ҳам дердим. – Бир оз сукут сақлагач, қўшиб қўйди: – Майор, илтимос, Тампага оёғимиз тортмаяпти. Майамига қўнишга рухсат

берсангиз. Агар иложи бўлса, бирон меҳмонхонага дам олиш учун хоналар буюртма берсангиз. Бу кароқчининг дастидан ҳаммамиз, айниқса, кизлар жуда ҳолдан тойди.

– Яхши, Майамига учаверинглар. Меҳмонхонага буюртма беришга ҳам ҳаракат қиласмилини келиш...

Орага яна Кларисса суқилди:

– Капитан, у бизни ҳам учувчилар кабинасига киришимизни талаб қилаётир сакраганини ҳеч ким кўрмаслиги керак эмиш...

– На илож, кира қолинглар...

Орадан ҳеч қанча ўтмай икқала стюардесса ҳам кабинада турарди. Кларисса ҳеч вақо бўлмагандай хотиржам кўринар, жимжилоқдай Милли эса ҳушидан кетар ахволда эди. Унинг докадай оқариб кетган юзига тикиларкан, Литтлジョン Клариссага деди:

– Унга тинчлантирадиган бирон нарса берсанг-чи!

– Ҳаммаси ўтиб кетди, капитан, ортда колгани рост бўлсин... – аста шивирлади Милли.

Литтлジョン пастга қаради, жануб тун бағрида мудрар, замин ва само зулмат билан копланганди. «Сокчи самолётлар бундай зулмат ичида нимани ҳам илғарди», – деган фикр унинг кўнглидан кечди.

Нихоят, пастда ғарбий Флорида соҳилининг чироклари милтирай бошлади.

– Наплесдан ўтдик, – деди харитага қараб чамалаганча алоқачи.

Литтлジョン иккинчи учувчига ўгирилди:

– Майкл, салондан хабар олгин. Лекин эҳтиёт бўл!

– Хотиржам бўл, – деди у ўрнидан тураркан. Керишиб олди-да, икки қизнинг ўртасидан сирғалиб ўтиб, йўлакка чиқди.

– Ҳеч кимса йўқ, – деди у бир неча сониядан кейин кайтиб киргач.

– Ростданми?

– Кўлдан чиқардик! – динамикдан майор Уиллоби нинг аламли овози эшитилди. – Ҳолбуки, соқчи самолётлар сиз билан изма-из учайдиганди... Ҳеч қиси йўқ! Ерда уни қучоқ очиб кутиб олишади. Майли, капитан, Майамига соғ-саломат етиб олиб, яхши дам олинглар.

– Раҳмат, майор! – Литтлжон бўғимларини қирсиллатиб керишди, кейин эса экипаж аъзоларига юзланди: – Жуда оғир кун бўлди, дўстлар. Энди енгил тин олсак ҳам бўлади, Майамида эса bemalol хордик чиқарамиз. – У биринчи марта яйраб кулди ва майор Уиллоби билан хаёлан хайрлашди.

Литтлжон харитани четга улоқтириб, ўриндиқнинг тагидан ихчам жомадонни олди.

– Хуллас, ҳамкаслар, бу ерда ҳар биримизга эллик минг доллардан сармоя бор. Бир неча соатлик «захмат» учун чакки мояна эмас-а? Ҳеч қандай солик ҳам тўламаймиз!

У мамнун жилмаяркан, ҳаммани бирма-бир кўздан кечирди.

– Бир оз каллани ишлатишнинг шарофати бу! Нима дейсизлар, қизлар?

– Умуман, – деди сал чайналганча Милли, – шахсан менга бир оз қўшиб берилса, чакки бўлмасди. Ахир, мурда билан нақд беш соат ҳожатхонада тик туришнинг ўзи бўлмайди!

– Сенгами? – писанда қилди қулоғигача қизариб Кларисса. – Исковчи полициячини чув туширган каминага шунинг ўзи ҳам бўлаверадими? Ҳолбуки, лаънати полициячи бутун салон бўйлаб...

– Шошманглар, қизлар, шошманглар, – унинг гапини бўлди алоқачи. – Бугун ишнинг тамал тоши шундаки, ҳаммасини ташкил қилиш, ҳатто жасадни ҳам топиб келиш керак эди. Ёки йўқми? Бинобарин, қўшимча мукофот фақат менга берилиши керак!..

Иккинчи учувчи тортишувга аралашмай, даста-даста пулларни чарм курткасининг чўнтаклариға жойлашти-  
рар экан, бамайлихотир ўйларди: «Манавиларнинг бир-  
бирини чўқиганини қаранг. Мурда билан бир йўла икки  
парашютни ҳам сувга улоқтириш менга ҳам осон бўл-  
гани йўқ...»

Бу сухбатни бошдан-охиригача эшиитган майор Уил-  
лоби тошдай қотиб қолганини уларнинг ҳеч бири ҳатто  
хаёлига ҳам келтирмасди. Ахир, Литтлжон бехосдан қал-  
тис хато қилгани, ташқи радиоалоқа ўрнига ички алоқа  
тизимини ўчирганидан улар тамомила бехабар эди.

---

**Эдгар ПО,  
АҚШ.**

## **МОРЕЛЛА**

*Яккаю ягона бўлганинг ҳолда ўзингга,  
фақат ўзингга ўхшагин.*

Афлотун

Мен қадрдон Мореллага самимий, чинакамига ипсиз боғланиб қолгандим. Биз кўп йиллар муқаддам тасодифан танишгандик, уни биринчи марта кўрганимдаёқ юрагимни аланга чулғаб олди, гарчи бу эҳтирос алангаси бўлмаса ҳам, унинг мавҳум моҳиятини англай олмаслигим ва хира ёлқинини уdda қилолмаслигимга ишонч хосил қилгунча узок вақт икки ўт орасида қолдим. Тақдир бизларни бир-биримизга рўпара қилганди, ниҳоят никоҳдан ўтдик; шунга қарамай эҳтирос олови ҳам юрагимни ўртамас, бинобарин муҳаббат ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. У эса оммадан ўзини олиб кочар, бутун борлиғини менга баҳшида этиб, каминани баҳтиёр қилди. Зотан, мулоҳаза юритиб ҳам, ширин хаёллар оғушида ҳам баҳтиёр бўлиш мумкин.

Морелланинг ўқимаган китоби йўқ эди. Қасам ичиб айтаманки, ниҳоятда қобилиятли бўлиб, тафаккури ҳам теран ва антиқа эди. Мен унинг ноёб хислатини қадрлаш баробарида кўп нарсаларни ўргандим. Лекин кўп ўтмай у (эҳтимол, бу Пресбургда тарбия олганининг оқибатидир) менга ҳамиша мистик, яъни ғайриоддий воқеаларга бағишлиланган асарларни тавсия қилаётганини пайқаб қолдим, бинобарин, бундай асарлар ибтидоий немис

адабиётининг бемаъни уйдирмалари ҳисобланади. Мен сира ҳам тушуна олмайдиган сабабларга қўра, у айни шундай асарларни қўлдан қўймай севиб мутолаа қиласди, кейинчалик камина ҳам мазкур асарларга ружу қўйганим эса Мореллага эргашганим туфайли одат тусини олган эди.

Бунга – агар ўзимни алдамаётган бўлсам – тафаккуримнинг ҳеч қандай дахли йўқ эди. Мен ўқиган асарлардаги мистик воқеалар – балки, қаттиқ янгишаётгандирман – на ишончу эътиқодимга, на хатти-харакатларимга, на фикр-мулоҳазаларимга ҳеч қандай таъсир кўрсатгани йўқ. Бу борада событқадам бўлганим ҳолда инон-ихтиёrimни хотинимнинг қўлига топширдим ва биронта ҳам туким қилт этмасдан унга хос изланишларнинг боши берк кўчаларига шўнғидим. Деярли, тақиқланган саҳифалар узра бош эгарканман, кўнглим ичра тақиқланган ғалаёнлар бош кўтараётганини хис этардим, Морелла эса муздай кафтини қўлимга қўяр экан, мавхум фалсафанинг куллари остидан охори кетган антиқа сўзларини пайнаслаб топар, бу сўзларнинг сирли мазмуни хотирамга тамғадай муҳрланарди. Мен унинг ёнида соатлаб ўтирганча талаффузидаги сехрли оҳангга маҳлиё бўлардим, охир-оқибат унинг мусиқадай овози юрагимга ваҳима сола бошлади – кўнглимни қандайдир кўланка қоплаб олди ва заминга деярли бегона бу нидолардан рангим учиб, ваҳимага тушадиган бўлиб қолдим. Шоду хуррамлик шу асно дафъатан даҳшатга, гўзаллик тимсоли эса ваҳимали манзарага айланди.

Мен кайд этган рисолалар асосида кечадиган сұхбатларимиз мазмунини баён қилишимнинг ҳожати йўқ, лекин биз узоқ йиллар мобайнида Морелла билан фақат шу мавзуда баҳслашардик. Таъбир жоиз бўлса, илохиёт ахлоқи дея номланадиган илм билан шуғулланган одам борки, бизлар нималар хакида сұхбатлашганимизни тезда

англаб олади, бироқ бу илмдан йироқ кимсалар бизнинг сухбатимиз мохиятини ҳеч қачон тушуна олмайди. Фихтенинг кизғин насиҳатбозлиги; Пифагор издошларининг иккинчи марта туғилишга оид таълимотларининг бир оз бузилган шакли ҳамда энг асосийси Шеллинг таърифлагандек, айният, айнан ўхшашлик таълимоти – нихоятда серҳаяжон, Морелла айни шу мавзуларга алоҳида ихлос билан қаради. Шахсий айниятни, ўхшашликни, янгиш масам, жаноб Локк, мулоҳазакор жонзотнинг оқилона тафаккур юритиши, дея таърифлайди. «Шахс» деганда эса токи мулоҳаза юритиш қобилиятига эга рационал ибтидони англар эканмиз, қолаверса онг ҳамиша мулоҳаза юритгани боис айни мана шу жиҳатлар фикрлайдиган бошқа жонзотлардан бизларни фарқлантириб туради. Ўлимдан кейин йўқолиб кетадиган – балки, йўқолмайдиган шахс билан боғлиқ тасаввур ҳамиша мени астойдил қизиқтиарди. Наинки жозибадор ва зиддиятли бўлгани боис, балки Морелла булар ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилгани туфайли бу жумбоқ фикру зикримни ром қилиб олганди.

Охир-оқибат шундай палла келдики, хотинимнинг ақл бовар қилмас сирли феъл-атвори гүё ёвуз қасамёд сингари мени ғазаблантира бошлади. Унинг ингичка рангпар бармоқларини ушлашдан ҳам, сокин мусиқадай овозидан ҳам, ғамгин нигоҳларининг беозор ёлқинларидан ҳам жирканадиган бўлиб қолдим. Буни у ҳам сезарди, бироқ таъна қилмасди; назаримда, менинг ожизлигимни, тўғрироғи, телбалигимни англаб етганди, буни Қисмат деб атай бошлаганди. Яна шундай туюлардики, мени аста-секин бегоналаштирган мавхум сабабни хотиним биларди, лекин бу нима экани ҳақида менга бир оғиз ҳам гапирмаған, ҳатто шаъма ҳам қилмаган. Аммо нима бўлганда ҳам у аёл эди ва кун сайин сўниб борарди. Нихоят ёноқларида бир жуфт қизил доғ пайдо бўлди, до-

кадай оппок манглайдаги иккита килдай қон томирлари эса кўқимтири тус олиб, кўзга ташланиб қолди; бир сония унга раҳмим келиб меҳрим товланди, лекин унинг изтироб тўла кўзларига нигоҳим тушгани ҳамоно юрагимни шундай саросима ва қўркув қуршаб олдики, тубсиз чохнинг тубига кўзи тушганда боши айланиб кетган одам шундай вахимага тушади.

Морелланинг ниҳоят жон таслим қилишини изтиробли сабрсизлик билан кутганимни қандай баён қилсан экан? Мен тезрок ундан халос бўлишни истардим, бироқ унинг жони ҳолдан тойган танасига чиппа ёпишиб олганди – бу азоб кунлаб, ҳафталаб, ойлаб давом этиши окибатида аклу ҳушимни йўқотиб, жазавага тушдим ва хотинимнинг қисқа ҳаёти сўниб боргани сайин гўё узайгандан-узайиб бораётган – кун заволга юз тутганда соялар шу асно узаядилар – кунлар, соатлар, лаҳзаларни алам билан лаънатлай бошладим.

Лекин самода шамоллар ҳам тинган куз кунларининг бирида Морелла мени тўшаги ёнига чорлади. Бутун замин узра рангпар туман пардаси тўшалган, ҳавзалардаги сув юзида қуёш нурлари жилваланар, олтиндай ўрмонлар узра камалак товланарди.

– Нижоят, муборак сана келди, – деди у мен яқинлашганимда. – Бу яшаш учун ҳам, жон таслим қилиш учун ҳам муборак кун. Замин ва ҳаёт ўглонлари учун шарафли кун... лекин самовот ва ажал қизлари учун яна ҳам ҳайратомуз сана!

Мен манглайдан ўпдим, у давом этди:

– Мен жон беряпман, лекин барҳаёт яшайман.

– Морелла!

– Бутун ҳаётимиз мобайнида мени сира ҳам севганинг йўқ, бироқ ҳаётлигимда мендан жирканган бўлсанг ҳам, вафот этганимдан кейин хотирамга сигиниб яшайсан.

– Морелла!

– Мен ниҳоят жон таслим қиляпман. Лекин бағримда сен Мореллага илинган бир пайса, атиги бир пайса меҳрингнинг самараси барҳаёт. Мен жон беришим арафасида сенинг ва менинг, яъни Морелланинг фарзанди дунёга келади. Бирок сенинг ҳаётинг қайғулар гирдобида кечади, сарв барча дараҳтлардан чидамли бўлгани каби ўзга барча туйғулар орасида бу қайғуга ҳам завол бегона. Илло, саодатли онларинг ортда колиб кетди, шоду хуррамлик чечаги эса бир инсон ҳаётида икки марта гулламайди, фақат Пестумгина йилига икки марта гуллайди. Анаkreонт сингари ортиқ вакт билан ўйнашмайсан, лекин чамбар ва новдалардан узилган барг каби, афтода ҳолда ўлимни бўйнига олиб ҳаж сафарига отланган мўмин каби ҳамиша кафанга чулғаниб юрасан.

– Морелла! – қичкирдим мен. – Морелла, буларнинг барчасини сен қаёқдан биласан!

Лекин у юзини ўгириб олди, оёқ-қўли хиёл титради; шу асно жон берди, унинг овозини ортиқ эшиitmадим.

Бирок у каромат қилгандек, ҳаётдан кўз юма туриб дунёга келтирган қизалоғи, онасининг нафаси тўхташи билан нафас ола бошлаган боласи ҳақикатан ҳам тирик колди. Колаверса, қизим жисмонан ва руҳан жуда ғалати тарзда улғая бошлади, шунингдек, марҳума онасига икки томчи сувдек ўхшарди ва мен замин фарзандларига нисбатан бундай туйғуни ҳис этиб бўлмайди, деган азалий фикримга зид равишда унга чексиз меҳр қўйдим.

Лекин мазкур беғубор муҳаббат осмонини кўп ўтмасдан хавотир, даҳшат ва кулфат булутлари куршаб олди. Қизалоқ жисмонан ва руҳан ғалати тарзда улғая бошлаганини айтдим. У ғалати тарзда бўй чўзарди, лекин руҳан улғайишини кузатиш асносида кўнглимни даҳшатли, ҳатто ўта даҳшатли фикрлар чулғаб олди! Норасида қизалоқнинг сўзларида балоғат ёшидаги аёлнинг тафаккури ва қобилиятлари акс этаётганини ҳар куни

кўраверганимдан кейин даҳшатга тушмай нима ҳам қила олардим? Ёшгина болакай тажрибали инсон хуросалари ни баён қиласди-да. Боз устига, унинг йирик ўйчан кўзларида ҳар соатда тамомила бошқа ёшдаги инсонга хос донишмандлик ва эҳтироснинг гувоҳи бўлардим. Буларнинг барчаси, яна такрорлайман, даҳшатдан фалажланиб қолган кечинмаларим учун кундай равshan бўлганда, буларнинг барчасини ўзимдан ҳам яшира олмайдиган, хатто инкор этиш ташналиги билан ортиқ курашишга холим қолмаганда, даҳмада мангуда ўйкуда ётган Морелланинг ғайриоддий таҳайюли ва гаройиб таълимотларига фикран жонҳолатда мурожаат қилганимга оид галати ва вахимали гумонлар гирдобида қолганимга ажабланишнинг ҳожати бормикан? Тақдир мени сифинишга мажбур қилган нури дийдамни, жонимдан ҳам ортиқ яхши кўрган фарзандимни қизиқувчан нигоҳлардан панада, деярли хилватда ҳеч вақони аямасдан, қолаверса бирон-бир жиҳатни эътибордан сокит қилмасдан тарбиялар эдим.

Йиллар ўтиб борар, мен эса кизимнинг бамисоли роҳибалардай, мулоим ва жозибали чиройига, новдадай кадди қоматига уззукун тикилардим, унинг қиёфасида қайғули ва марҳума онаси билан ўхшаш жиҳатларни кун сайин тобора кўпроқ топардим. Бундай ўхшаш жиҳатлар эса соат сайин кўпайиб борар, тобора шубҳасиз, тобора аник бўлиб борар, устига-устак тобора мавҳум ва тамомила даҳшатли тус оларди. Унинг онаси каби табассум килишига чидардим, бироқ байни онаси сингари кулишидан ларзага тушдим; унинг кўзлари Морелланинг кўзларига ўхшашига чидаган бўлардим, бироқ у тобора ҳукмфармолик ва англаб бўлмайдиган нигоҳ билан кўксимни тешиб юборгудек тикилардики, факат Морелла шундай сирли нигоҳ соҳибаси эди. Унинг кенг манглайи ҳам, ипакдай майин соchlари ҳам, соchlарини тароқдай тарайдиган рангпар озғин бармоқлари ҳам, қайғули та-

ронадай овози ҳам хотинимни беихтиёр ёдимга солар, нихоят энг муҳими (ха, ха, энг муҳими!) ўлган хотиним айтган сўзлар ва ибораларни севимли қизимнинг оғзидан такрор-такрор эшитарканман, «йўқ, йўқ, хотиним ўлмаган», деган даҳшатли фикрдан ваҳимага тушардим!

Орадан қанча вақт ўтганига қарамай, қизим ҳамон маҳбусдай тутқунликда яшарди. «Болагинам», «кўзимнинг оқу кораси» – мен қизимдан меҳримни дариғ тутмасдим, лекин ташқи оламдан узилиб қолгани учун бошқалар билан сухбатлаша олмасди. Морелла вафот этгандан кейин унинг исмини ҳам унутиб юборишга уриндим. Онаси ҳақида қизимга ҳам ҳеч қачон ҳеч нарса демаганман – унга онаси ҳақида сўзлаб бера олмасдим. Қисқагина ҳаёти давомида тутқунликдаги қизим учун ташқи олам бегоналигича қолди. Нихоят, чўқинтириш маросими саросимада қолган идрокимни халос қилиш ва қисмат даҳшатларидан нажот топишим учун имконият яратди. Черковнинг сув тўла жоми олдида турарканман, қизимга қандай исм қўйсам экан, дея бошим котди. Яқину олис ўлкаларда ўтмишда яшаган, қолаверса айни кунларда умргузаронлик қилаётган кўплаб окила ва ажойиб аёлларнинг исмлари кўнглимдан кечарди, ҳақиқатан ҳам қалбан беғубор, баҳтиёр ва бағри кенг гўзал аёллар кўп-ку, деб ўйлардим. Бироқ, во дариғки, марҳум ва даҳмада ётган хотиним рухини безовта қилишга мени нима ундинди? Эсга олишнинг ўзиёқ одамнинг тепа сочини тикка қилиб юборадиган хотиннинг исмини қайси бир ёвуз иблиснинг қутқуси билан тилга олдим? Ним қоронги черков ичида ва сассиз тун оғушида рухонийга қаратада уч бўғиндан иборат Морелла исмини айтишга қалбимнинг тубидаги қандай ёвуз куч мажбур килди? Ва ёвуз арвоҳдан ҳам қудратлироқ аллақандай синоат фарзандимнинг киёфасига раҳна солди ва ҳаёт завқини буткул ўчирди, айни шу паллада мен шивирлаб айтган исмни эшитгани

ҳамоно шишадай совук күзларини заминдан узиб самоларга қадаганча, оиласиң даҳмамизнинг қора тоши узра ожизона ётаркан, шундай деди:

– Мен шу ердаман.

Бу оддий сўзлар юрагимни дафъатан музлатиб юборди, кейин эса эритилган кўроғошиндай жизиллаганча идрокимни куйдирди. Йиллар... йиллар тарих қаърига сингиб, из қолдирмай ғойиб бўлиши мумкин, бироқ айни лаҳза билан боғлик хотира – ҳеч қачон кетмайди! Шу-шу чечаклару гулларни наинки унутиб юбордим, балки мевасиз сарву заҳарли ўт-ўланлар қора қўланкадай доимий ҳамроҳимга айланди. Шу-шу замонни ҳам, маконни ҳам унутдим, пешонамга битган юлдузлар ҳам сўнди, замин узра зулмат чўкди, одамлар эса ёнимдан хира соялардай ўтиб боришар, улар орасида фақат ва фақат Мореллани кўрадим! Шамоллар қулоғимга фақат бир сўзни шивирлар, денгиз тўлқинлари ҳам фақат Морелла исмини такрорларди. Лекин унинг ҳам умри қиска экан, вафот этди; уни даҳмага ўз қўлларим билан кўтариб бордим, даҳмага иккинчи Мореллани қўйганимда биринчисидан ном-нишон ҳам топа олмасдан, алам билан, телбалардай узок қах-қах уриб кулдим.

---

**Генрих БЁЛЛЬ,**

*Германия.*

*Нобель мукофоти совриндори.*

## **НИМАДИР СОДИР БЎЛИШИ КЕРАК!**

Альфред Вунзиделнинг фабрикасида хизматчи сифатида ўтказган кунларимни хаётимнинг шубҳасиз мухим даври, деб биламан. Табиатан анчагина хаёлпаст ва бекорчихўжа бўлсам ҳам, молиявий кийинчилик – ахир бекорчилик каби хаёлпастлик ҳам деярли ҳеч қандай наф келтирмайди – баъзи-баъзида бирон-бир лавозим эгаси сифатида ишлашга мажбур киларди. Хуллас, бир сафар ҳамёнимда сарик чақа ҳам колмагач, инон-ихтиёrimни иш топиб берадиган аллақандай идорага топшириб, ўзим каби кулфатзада кимсалар билан бирга Вунзиделнинг фабрикасига йўлланма олдим-да, шу ерда қаттиқ синовдан ўтдим.

Фабрика биносининг кўриниши ёқ менда шубҳа уйғотди – унинг ташки деворлари йирик-йирик ойналар билан қопланганди, мен эса ишлашга сира бўйним ёр бермагандай яркирайдиган бинолару ўта ёруғ хоналарни ёқтирамасдим. Бизни тўғридан-тўғри ёп-ёруғ, ёрқин ранглар билан бўялган фабрика ошхонасига бошлаб киришганда эса яна ҳам хушёр тортдим – ошхонада биз учун нонушта тайёрлаб қўйилганди. Фариштадай официант кизлар тухум, қаҳва ва қовурилган нон бўлакчаларини олдимизга келтириб қўйишиди. Бежирим финжонларга апельсин шарбати тўлатиб қўйилган, тилла баликчалар дўнг пешоналарини аквариумнинг яшил ойнасига хотирjam тираганча думларини ликиллатишарди. Офици-

ант қизларнинг оғзи қулоғида, қувончи ичига сиғмаёт-гандай, бор шодлигини қўшиқ килиб куйлашдан ўзини аранг тутиб тургандай туюларди. Серпушт товуклар сингари уларнинг қалбида ҳам гўё шавқу завқ уммони жўш уради.

Бу нонушта ҳам имтихоннинг бир қисми эканини ўзим каби иш излаб юрган биродарларим ҳатто хаёлига ҳам келтирмаётганини дафъатан пайкадим. Шу боис гўё омонат танасини қандай фойдали озуқалар билан таъминланаётганини теран англайдиган кимса каби ҳар бир лукмани шошилмасдан чайнардим. Мен, ҳатто одатий ҳолатда дунёдаги бирон-бир куч мажбуrlай олмайдиган ишни ҳам килдим – оч коринга апельсин шарбатини ичдим, ликопчадаги нон бўлакчаларига қўл урмадим, тухум билан қаҳвага эса қиё ҳам бокмадим. Сўнг ўрнимдан туриб, дарҳол ишга киришишга ташна одам сингари ошхона бўйлаб ошкора одимлай бошладим.

Бу наф берди – имтиҳон бўладиган хонага дастлаб мени таклиф қилишди. Диid билан безатилган столлар устида олдиндан тайёрлаб қўйилган саволномалар ётарди. Хона деворлари оч мовий рангга бўялган, унинг оҳанрабоси ўта бефарқ кимсаларни ҳам ҳайратга солган бўларди. Хонада ҳеч ким йўқ, бундан қатъи назар кимдир қайсиdir тиркишдан мени кузатаётганини сезиб турардим. Дарҳол чўнтағимдаги ручкани олдим, рўпарамдаги столга ўтириб, уй эгасидан ҳисоб-китоб варакасини олган ижарадаги ҳовлиқма каби сўровномага қўл узатдим.

Биринчи савол: одамзод фактатиккита қўл, иккита оёқ, бир жуфт кўз ва қулокқа эга эканини сиз адолатли ҳол деб ҳисоблайсизми?

Хаёлпараст, мулоҳазакор эканимнинг самарасини биринчи бор татиб қўриш насиб этадиган бўлди! Ўйлаб ҳам ўтирмай шундай деб ёздим: «Менинг ишчанлигими ни кондириш учун ҳатто тўртта қўл, тўртта оёқ ва тўртта

кулок ҳам кифоя килмаган бўларди! Афсуски, одамзод  
ночору нотавон яратилган!»

Иккинчи савол: бир вақтнинг ўзида сиз нечта телевизорга хизмат кўрсата оласиз?

Оддий тенгламани ечиш сингари бу савол жавоби ҳам осон эди: «Агар рўпарамда еттита телефон бўлса, -- деб ёздим мен, -- ўзимни кўйгани жой топа олмай қоламан, ёнимда тўккизта телефон бўлсагина рисоладагидай ғайрат билан ишлайман».

Учинчи савол: бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?

Сўнгги саволга жавоб қуидагича бўлди: «Бўш вақт» нима экани аллақачон ёдимдан кўтарилилган. Ўн беш ёшга тўлганимда бу иборани ўз луғат бойлигимдан тамомила ўчириб ташлаганман, зотан, алломалар: «Мехнатнинг таги – роҳат», деб билиб айтишган.

Ишга олишди. Мендай сергайрат одам учун тўккизта телефон ҳам камлик қиласади. Гўшакни қўлга олиб кичкирардим: «Дархол киришинглар! Бўла қолинглар, деяпман!» ёки: «Бирон чорасини топинглар!», «Нимадир килинглар, ахир!», «Албатта, нимадир килиш керак!», «Албатта, нимадир киламиш!», «Аллақачон уддалаб қўйганмиз!», «Ҳақиқатан ҳам нимадир килиш керак!» Лекин аксарият ҳолатларда корхонадаги умумий мухитга кўра, буйруқ оҳангига ҳайкирардим.

Корхонада тушлик пайтидаги танаффус марокли ўтарди, ишчи-хизматчилар сассиз ҳамжиҳатлик огушида дармондорилар билан бой тўйимли егуликларни иштаҳа билан тановул қиласадик. Вунзиделнинг фабрикаси қиёмат издиҳомидан қолишмас, ишчи-хизматчиларнинг ҳар бири барча буюк зотлар сингари ўз ўтмиши ҳакида тўлиб-тошиб жон деб ҳикоя килишни истарди. Уларнинг умр йўллари ҳаётнинг ўзидан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга эди-да. Бир оғиз шама қилсангиз бас,

кўнглидаги барча гапларни оқизмай-томизмай гапириб берар, камига, буларнинг барчаси ҳақиқат, деб қасам ичишдан ҳам тоймасди.

Брошек деган ғайриоддий зот Вунзиделнинг ўринbosari вазифасини бажааради. У талабалик кезларидаёк етти бола билан шол бўлиб колган онасини таъминлашдик вазифани уддалаб, ном чиқарганди. Бунинг учун тун бўйи ишлар, тўртта савдо фирмасининг вакили вазифасини койиллатиб адо этар, шунга қарамасдан икки йил мобайнида иккита давлат имтиҳонини ҳам «аъло» баҳоларга топшира олганди. Репортёрлар бир гал ундан: «Наҳотки тунда ҳам ухламасангиз?» – деб сўрашганда, Брошек: «Уйқу – гуноҳи азим!» – деб жавоб берган.

Вунзиделнинг котибаси эса Брошекдан ҳам ошиб тушарди. Котибалик қилиш билан бир пайтнинг ўзида қўли тўкишдан бўшамас, шунинг эвазига тўрт бола билан тўшакка михланиб қолган эрини таъминлар, айни пайтда руҳшунос ва тарихчи илмий унвонига эга бўлиб, камига зотдор кучуклар бокар ҳамда тунги қаҳвахонада «Ватн 7» номи билан машҳур хонанда ҳам эди.

Вунзиделнинг ўзи эса эрталаб ўрнидан туриб улгурмасдан нимадир қилишга ошиқадиган ўпкасини қўлтиқлаганлар тоифасидан эди. Улар, ҳатто тунги пижамасининг боғичини шошилиб боғлаш асносида ҳам: «Мен ғайрат қилишим керак!» – дея пишиллайди. Ҳаттоки ёноқларини киртишлаётганда ҳам устара тигида омонат турган, бир лаҳзадан кейин дастжўяк ичига шўнғийдиган соқолининг тукларига ғолибона назар солганча: «Мен ҳаракат қилишим даркор!» – деб ўйлади. Бешафқат қириб ташланган соқол туклари уларнинг тийиксиз ишчанликларининг дастлабки қурбони бўлади. Нимасини айтасиз, кичик ва катта зарурият ҳам бундай кимсаларга хузур баҳш этади – ок чинни ўтиргичдаги сув шовуллайди, ҳожатхона қофози майин шитирлайди... нимадир рўй бе-

раётир-да! Нон иштаҳа билан чайналади, нонушта учун қайнатилган тухум пўчоқлари пачоқланади...

Ҳар қандай майда-чуйда ҳам, Вунзиделнинг наздида, буюк аъмол тусини оларди: шляпа киядими, ғайрати танига сиғмай пальтосининг тугмасини қадайдими, ишга отланишдан олдин хотинининг юзидан бўса оладими – ҳамма-ҳаммаси буюк фаолият! Тенги йўқ ғалаба!

Вунзидель ишга келибօқ котибаси билан саломлашиш ўрнига: «Нимадир содир бўлиши керак!» – деб қичқирап, котиба ҳам, ўз навбатида, ғайрати ичига сиғмай: «Албатта, содир бўлади!» – дея азбаройи ҳаяжон билан садо берарди. Вунзидель шундан кейин бўлимларга бирма-бир бош сукиб чиқар, ҳамма жойда унинг: «Нимадир содир бўлиши керак!» – деган хитоби янграп, ҳамма ходимлар ўрнатилган тартибга риоя қилган ҳолда бор овози билан бараварига: «Албата, нимадир содир бўлади!» – дея мардонавор жавоб беришарди. Хўжайнин хонамга кириб келганда мен ҳам ўрнимдан сапчиб турганча, қувончим ичимга сиғмасдан: «Албатта, нимадир содир бўлади!» – деб жавоб қайтарардим.

Мен иш бошлаган дастлабки ҳафтадаёқ ўзим хизмат кўрсатадиган телефонлар сонини ўн иккитага етказдим, кейинги ҳафтада телефонлар ўн учта бўлди. Эрталаб трамвайда ишга борарканман, «садир бўлади» феълини буйруқ оҳангода ёки барча замонлар ва феъл боғланишларида, шартли ва аниқлик майлларида хилма-хил тарзда туслашу ифода қилишдан ҳузур топардим. Жумладан, бир сафар менга жуда-жуда ёкиб тушган битта иборани, яъни «Нимадир бўлиши керак эди-ку, ахир!» – дея телефон гўшагига қаторасига икки кун кичкирдим. Кейинги икки кун мобайнида эса: «Ҳеч нарса содир бўлмаслиги керак эди-ку!» – деган хитобим янгради.

Шу асно ишга шўнгигб кетдим, бироқ кутилмаганда ҳақиқатан ҳам нимадир содир бўлди. Сешанба эрталаб

ищхонадаги оромкурсига жойлашиб улгурмасимдан жаноб Вунзидель хонамга бостириб кирди-да, одатда-гидек: «Нимадир содир бўлиши керак!» – дея ҳайқирди. Лекин унинг киёфасидаги ғалати ифодани кўрганим ҳамоно тилим калимага келмай қолди. Мендан ҳадеганда жавоб чиқмаганидан ғазабланган Вунзидель жаноблари камдан-кам ҳолатларда ходимларга бақиришига кара-масдан, ўшқира кетди: «Жавоб беринг! Белгиланган тартибда дарҳол жавоб беринг!» «Мен – ярамас бола-кайман!» – дея тан олишга мажбур қилинган норасида боладай астагина: «Албатта, содир бўлади», деб ши-виirlадим... Шундай дейишимни биламан, кўз ўнгимда ростдан ҳам кутилмаган воқеа рўй берди: Вунзидель юзтубан кулади, ёнбошига ўгрилди ва остона олдида кўндаланг тушганча тарашадай қотиб қолди. Столни ай-ланиб ўтиб, яқинлашмасдан олдинок унинг жон таслим қилганини пайқадим.

Афсус билан бошимни сарак-сарак қилганча, узала тушиб ётган жасад устидан ҳатлаб, кенг бўлмадан ўтиб, эшигини тақиллатиб ҳам ўтирмай, Брошекнинг хузурига кирдим. Брошек ёзув столига энгашганча ўтиради. Ик-кала қўлида иккита телефон гўшаги, оғзида эса шарикли ручка, у билан дафтарчага нималарнидир кайд қиласарди, айни пайтда яланг оёкларининг бармоқлари билан стол остидаги тўкув машинасини ишлатарди – Брошек шу та-рика оиласининг кийим-кечаклари мўл бўлишига ўз ҳис-сасини қўшарди.

– Бугун кутилмаган воқеа содир бўлди! – сирли тарзда шивирладим мен.

Брошекнинг оғзидан шарикли ручка тушиб кетди, телефон гўшакларини жойига қўйди, тўкув машинасининг педалидан оёкларини олди.

– Яна нима бало содир бўлди? – сўради у.

– Жаноб Вунзидель омонатини топширди, – дедим мен.

- Бўлиши мумкин эмас, – ишонмади Брошек.
- Ростдан ҳам ўлди, – эътиroz билдиридим мен. – Юринг, ўз кўзингиз билан кўрасиз.
- Йўғ-э. Наҳотки?! – деди Брошек, лекин шунга қарамасдан уйда киядиган бошмоғини кийди ва ортимдан эргашди.
- Йўқ! – қичқириб юборди Брошек марҳумнинг жасадига кўзи тушгани ҳамоно. – Йўқ! Йўқ! Йўқ!..

Унга қандай таскин беришни билмасдим, энгалиб Вунзиделни чалқанча ётқиздим ва кўзларини ёпдим-да, марҳумга ўйчан тикилиб қолдим.

Айни шу кезда унга нисбатан биринчи марта меҳрим товланиб кетди, ниҳоят ростини айтганда, унга ҳеч қачон нафрат билан қарамаганим кўнглимдан кечди. Унинг киёфаси шундай тусга эга эдики, одатда, ўртоқларининг важ-карсонлари канчалар асосли бўлмасин, Қорбобо борлигига оид ишончидан воз кечишни сира истамаётган боланинг юзида шундай ифода бўлади.

- Йўқ! – дея қатъий бақирди Брошек. – Йўқ!
- Нихоят, мана энди нимадир содир бўлади, – дедим секингина унга.
- Ҳа, – дея фикримга қўшилди у ҳам, – энди ростдан ҳам нимадир бўлиши керак.

Ҳакиқатан ҳам антиқа воқеа рўй берди. Вунзиделни дағн қилиш чоғида менга унинг тобути ортидан сунъий атиргуллар гулчамбарини кўтариб бориш топширилди, чунки камина нафақат мулоҳазакорлик ва бекорчиликка мойилман, шунингдек, кора костюм-шим куйиб қўйгандек ярашадиган қадди қомату қиёфага ҳам эгаман. Сунъий атиргуллар гулчамбарини, афтидан, ўзгача викор билан кўтариб бордим. Зотан, кўп ўтмасдан қандайдир жуда ҳам обрўли дағн идорасидан дағн маросимларида малакали ходим сифатида иштирок этишга оид таклиф олдим. «Сиз айни шу касб учун туғилгансиз, – деди мен-

га идора бошлиғи. – Зару кийим-кечаклар ташвишини қилманг, ҳаммаси бизнинг ҳисобимиздан. Сизнинг қиё-фангиз – биз учун айни мудда!»

Мен Брошекка ишдан бўша什 ҳақида ариза бердим. Бу корхонада, ҳатто ўн учта телефон билан ишлаш ҳам мени қониктирмаётганини, қобилиятларимнинг талай қисми беҳуда соврилаётганини баҳона қилиб кўрсатдим. Дастребаки дафн маросимида мутахассис сифатида иштирок этганимдан кейин оқ қатъий ишонч ҳосил қилдим: мана менинг пешонамга битилган ҳунар, мана, айнан мен учун аталган лавозим!

Мотам оркестори Генделнинг юракни эзиб юборадиган маъюс «Ларго» мусиқасини ижро этар экан, одми гулдастани маҳкам ушлаганча тобут ортида чукур ўйга толиб туравераман. Қабристон ёнидаги қаҳвахона – доимий қўнимгоҳим. Хизмат вазифамни бажариш орасидаги танаффусларни айни шу ерда ўтказаман. Лекин баъзида кузатишим шарт бўлмаган тобутлар ортидан ҳам эргашаман. Бундай пайтларда ўзимнинг ҳисобимдан бир сиким гулларни харид қилиб, ўз касбий вазифасига кўра ёлғиз кетиб бораётган маҳкама хизматчиси билан бирга бирон-бир дайдининг тобути ортидан оҳиста қадам ташлай бошлайман.

Вунзиделнинг қабрини ўқтин-ўқтин зиёрат қиласман – ахир, манглайимга битилган касбга айнан унинг шарофати билан эга бўлдим, бунда хаёлпарастлик, яъни жиддий ўйчанлик зарурий хислат, бекорчилик эса хизмат бурчи саналади.

Вунзиделнинг фабрикасида айнан нима ишлаб чиқарилиши билан кизиқмаганим, ниҳоят, бир куни эсимга тушиб қолди... Янглишмасам, совун ишлаб чиқариларди.

*Иво АНДРИЧ,  
Сербия.*

## БАЙРОН СИНТРА СОХИЛИДА

Байрон Синтрада ҳамроҳлари билан келишолмай қолди. Улар қайси йўл билан ортга қайтиш масаласида тортишиб қолишиди. Бундай кезларда хизматкорлари аксига олгандай ҳамиша ганимларига мойиллик кўрсатиши Байронни яна ҳам дарғазаб қилди.

Хиёбон дарвозасидан ўтишлари билан у йўлни бошқа томонга солди. Якшанба. Қаерданdir мусика эшитилади. Жаҳлдан тушиш учун масхара бўлишини тамомила унуганча чўлоқланиб ликанглаганча зиналар бўйлаб югурга кетди. Унинг нигохи қархисида тобора янги нишабликлар, йўлакчалар ва бекиёс манзара пайдо бўларди: денгиз қуршовидаги яшил адирлар кўм-кўк осмон остида яшнаб ётарди. Зиналардан кўтарилиб бораркан, сира ҳам зўриқмади. Ўзини юқорига кўтарилаётгандек эмас, балки парвоз қилаётган лочиндей ҳис қилди. Бирорта ҳам тирик жонзот йўқ. Ҳатто қушлар ҳам. У эмин-эркин тин оларкан, ёлгизлик аллалайдиган осуда макон ҳам бор экан-ку, деган фикр кўнглидан кечди.

Олисдаги боғу роғлар, улардан ҳам нарида ястанган денгиз яққол кўзга ташланадиган қалъа деворига туаш йўл бўйлаб тентираб юрганда илкис бир қизга дуч келди. Қиз мўъжазгина ташландиқ ва шип-шийдам тош қоровулхона ёнида, қалъа девори ёнида турарди. У гўё номаълум топширик билан қаерданdir юборилгандай рўпарасида қўққисдан пайдо бўлди. Қизнинг оппок кўйлаги шамолда майин ҳилпиарди. Чучварадай бурнию

куёшда корайган чехрасидан самимият ёғиларди. Тийрак кўзларида шижаат ва шоду хуррамлик жўш уради. Қиз нотаниш кимсага тортинчоқлик билан аста салом бергандай бўлди, ҳолбуки овози ва нигоҳида саломлашишдан кўра кўпроқ мазмун мужассам эди, лекин буни Байрон англай олмади. У қизнинг саломига алиқ олиб тўхтади. Қиз ҳамон жойидан жилмасди.

Қиз нихолдай оҳиста солланаркан, қуруқшаган лабларини ялаб, ним табассум билан Байронга тикилди. Португал қиз-жувонларининг бежирим лаблари юракка ғалаён солади! Ақиқдай товланади. Етилиб, тасодифан ёрилган мевага ўхшайди. Кавказ қизларининг лабларига ўхшаб кетса-да, аслида, лабларининг чеккалари япроқларнинг бандидай кўзга яққол ташланмайди. Байрон мавҳум ниятли кимса каби жуда кулгили ва қатъиятсиз кўринаётган бўлсан керак, деб ўйлади.

У одми ва хотиржам кўринишга уринди. Азалдан ахтариб юрган сирли манзарани нихоят мана шу яшил юксакликда топгандай бўлди.

Тоғ ҳавоси ва рўпарасидаги қизнинг таровати унга чексиз илхом бахш этди. Чўпонлардан колган гулхан кули тагидаги чўғдан ўрмонга ўт кетгандай, Байроннинг қалбида ҳам аллакандай сирли иштиёқ аланга олди. Ҳатто висол онлари ҳам бахш эта олмайдиган, факат сирли тушлардагина насиб этадиган ғаройиб завқу шавқдан қалби илк дафъа жунбишга келди. Юраги қинидан чиққудай гупиллаб ура бошлади.

Лекин тезда эҳтиросини жиловлади, рўпарасидаги паривашга фақат маҳлиё бўлиб тикила бошлади, азбаройи андиша ва журъатсизлик исканжасида қолди, айни пайтда коинот гултожи бўлган башар фарзандига қалбида чексиз ҳурмат-эҳтиром мавжланди.

Хаёлидан шундай фикрлар кечаркан, гоҳ бир жойда хайкалдай қотиб колар, гоҳ эса қизнинг атрофида пар-

вона бўларди; ўз навбатида қиз ҳам ундан нигоҳини узмас, гўё ҳар бир харакатини ютоқиб кузатарди. Байрон нимадир деб пи chirларди. У гапиряпман, қизга хушомад киляпман, деб ўйларди. Улар бир-бирларига шу асно тикилар, бир-бирига парвона бўларди; одатда бир оз кичикроқ ва йирикроқ илиқкан икки жонивор бир-бири билан пайваста бўлишдан олдин гоҳ яқинлашиб, гоҳ йироклашиб, бир-бирларини шу асно кузатадилар, ҳадиксираб ҳидладилар. Байрон қизга ҳар қанча маҳлиё бўлмасин, аклу хушини йўқотмади. Айни пайтда кўзларининг беғубор оқиу мунчоқдай корачигига синчиклаб разм солди. Орада маълум масофа борлигига қарамай, самбитдай қомати ва шалоладай соchlарининг ифори, ҳатто офтобда унниккан оқ кўйлагининг атри маст қилгандай бўлди. У қайта-қайта шайдо бўладиган бўз йигитга ўхшарди, қолаверса, қалбидаги қайноқ кечинма шунчалар жўшқин эдики, гоҳ қанот баҳш этса, гоҳ дафъатан маҳв этарди. Ниҳоят эндиликда чинакам ҳайрат ва лоқайдлик нима эканини теран англаb етганди.

Йўлаклар сингиб кетган қорамтил буталар орасидан Байрон дафъатан одамларнинг овозларини эшилди. У ширин уйқудан уйғонгандай чўчиб тушди ва ажабланган қиз билан хайрлашишни ҳам унутиб, баланду паст зиналар бўйлаб яна илдамлаб кетди.

У ёлғизоёқ сўқмоқлару нишабликлар бўйлаб яна узок сайд қилди. Анча олдин чиқиб кетган қасрга қайтиб келди. Уни тош ўриндикларда ҳамроҳлари кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиради.

Лиссабонга Байроннинг таклифига зид равишда ҳамроҳларига маъқул, аввал келган, йўл билан қайтишиди. Байрон оғзига талқон солиб олгандай лом-лим демасди. У қўзичноқдай ювош тортиб қолған, қолаверса, ҳамроҳларига хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлар, ҳар бир ашёни авайлаб қўлга оларди.

Кейинги қунлар унинг ҳаёти энг осуда ва гўзал тушдай кечди. Денгизга тикилиб ўзи билан ўзи гаплашаётганинг гувоҳи бўлган лиссабонлик ялангоёқ балиқчилар уни телбага ҳам чиқаришди, лекин балиқчилар янгишганди. Байрон ёлғиз эмасди, айни пайтда арвоҳлар билан гаплашгани ҳам йўқ. У Синтрада яшайдиган, кўзи-кулоғи, кариндош-уруғлари, исми-шарифию бошпанаси ҳам бор сиймо билан сирлашганди. Лекин муҳими бу эмас. Байрон бу сиймони бирон-бир мева ёки қимматли тош номи билан атамоқчи ҳам бўлди, лекин ғаройиб қиёфасига раҳна солади ва ранжитади, деган ўйда бу фикрдан воз кечди. Ниҳоят, уни хаёлан Жажжи хилқат деб атай бошлиди. Бироқ унинг исмини овоз чиқариб айтишга ҳам ботинмасди. Фақат хаёлан такрорлаб, лабларини қимтиганча энтикарди, холос. Уни шу асно қалбида авайлар, исмини такрорлагани сайин шароб ичгандай маст бўларди.

Байрон кўп ўтмасдан Лиссабонни, Португалияни тарк этди. Бошка ўлкаларда кезаркан, одамлар билан сухбатлашиш, аёллар билан ҳазил-хузул килиш асносида қалбидаги сирни ошкор қилмас, аксинча, авайлаб сакларди, сўзлар, ашёлар ва қиёфалар замирида кўз корачигидай авайлар, пинҳона эслаб хузур киларди.

У гаплардаги айрим сўзларни у билан чоғишириар, бундай сўзларни бошқалардан эшитган паллаларда ҳам қалби беихтиёр завқу шавқ билан тўларди. Унинг имзосида Синтра тепалигидаги кизни эслатадиган, аранг кўзга ташланадиган нуқтадай чизиқча пайдо бўлди. Лимон, туз, ёғ ва гулхайрига кўзи тушганда уни эсларди. Йигирма чоғли одамлар даврасида овқатланаётган кезларда ҳам бир чимдим тузга назар ташлаб ям-яшил Синтра билан Жажжи хилқатни кўз олдида гавдалантира оларди. Лекин киз-жу-вонларнинг қиёфалари, гап-сўзлари ва хатти-харакатларига ҳар қанча синчиклаб назар солгани билан жажжи хилқатнинг тирнокча ҳам нишонасини топа олмасди.

Хотирасидаги барҳаёт Жажжи хилқат унинг дардига даво бўларди, шу боис у билан боғлиқ хотираларни барча учрашувлар, аёллар ва ҳаётдан ҳам аъло биларди. Денгиз соҳилларида ёлғиз қолган кезларда эса ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган чинакам мўъжиза содир бўларди: Синтрадаги ложувард соҳил бекиёс оламга айланарди, чўлоқланиб югуриши – сарбаланд парвоз тусини оларди, ўша учрашувда қалбида жўш урган эҳтиросли кечинмалар эса ошуфта руҳнинг бокира туйғуларига дўнарди.

Гаройиб сархушлик Байронни бир йилча безовта қилди. Кейин тонг арафасидаги арвоҳлар ва тушлар сингари Жажжи хилқат киёфаси тобора хира тортиб сўна бошлади, нихоят, ортиқ безовта қилмай қўйди. Байрон ўзини етимдай ғариб сеза бошлади. Қалбида шиддатли ҳаёт гирдоби яна қайнаб тоша бошлади, учрашувлар ва тўқнашувлар яна бир-бирига занжирдай уланиб кетди, улар билан ёнма-ён аламзада нафрат ҳам қора туғини баланд кўтариб борарди. Синтрадаги сирли лаҳзалардан кейин бундай қисмат яна ҳам заҳматли ва аламли тус олди, чунки эндиликда унга турмушнинг ёвуз қоидалари орзуласалтанатига ҳам дахл қилгандай ва улардан қутублиб бўлмайдигандай, нажот йўқдай туюларди.

---

*Сомерсет МОЭМ,  
Англия.*

## ТАЛАБ ҚИЛИНМАГАН ВАЪДА

Хотиним ҳамиша кеч қолиб юради. «Клэридж» меҳмонхонасида бирга нонушта қилишга келишиб, у ерга ўн дақиқа кечикиб борганимга қарамасдан, хотинимдан ҳамон ном-нишон йўқ эди. Одатини яхши билганим учун ажабланмадим. Ўзимга коктейль келтиришларини буордим. Айни дам олиш мавсуми қизиган палла, шу боис меҳмонхонанинг кутиш бўлмасида факат икки ёки учта стол бўш турарди. Айрим мижозлар эрталабки нонуштадан кейин қаҳва ичиб ўтирган бўлса, бошқалар мен сингари мартини солингган қадаҳни қўлида ўйнаб ўтиради.

Эгнига ёзги енгил кўйлак кийиб олган жувонлар қувноқ ва жозибали, эркаклар эса хушчақчақ кўринарди. Лекин мен шу ерда бўлиб турган ўн беш дақиқа мобайнида уларнинг қиёфаси менга хуш ёқарди: улар келишган, яхши кийинган, ўзларини бепарво ва хотиржам тутишарди, айни пайтда деярли барча ўзига хосликдан маҳрум рангпар оломондай таассурот уйғотарди, бинобарин уларни бефарқ, ҳеч қандай қизиқишиз кузатардим.

Хотиним, таъбир жоиз бўлса, икки безак: феруза тақинчоқ ва соат тақишига тоби тоқатим йўқ, деб хархаша килади, айтишича, феруза тақинчоқ кўкариб кетса, соат тўхтаб қолармиш. Бу яхшилик аломати эмасмиш. Феруза тақинчоқ борасида бирон гап айтишим қийин, бироқ соатни вақти-вақти билан мурватини бураб туришни унумаса, менимча, у тўхтаб қолмайди.

Кўнглимдан шундай фикрлар кечаркан, меҳмонхона хизматчиси сирли ва маънодор қиёфада (улар айни шундай қиёфада ҳатто оддий хабарга ҳам ваҳимали тус бахш этмоқчи бўладилар) рўпарамда пайдо бўлиб, хоним қўнғироқ қилгани ўшланиб қолишини билдириб, мен билан нонушта қила олмаслигини маълум қилганини айтди.

Мен иккиланиб қолдим. Гавжум ресторандан ёлғиз нонушта қилиш ёқмасди, бирок фурсат бой берилгани учун клубга боришдан воз кечиб, ноилож шу ерда қолдим. Меҳмонхона ресторанига кирдим. Ҳашаматли ресторанларнинг бош мезбонлари яхши танишлари (барча машҳур кишилар сингари) менинг ҳам ғашимга тегарди, лекин бу сафар ресторан мезбонига умид билан тикилдим. У эса юзинг-кўзинг демай, ҳатто бир оз ёвқарашиб килиб, бўш жой йўқ, деб тўнғиллади. Мен кенг ва ажойиб залга умидсизлик билан назар солар эканман, илкис таниш чехрага кўзим тушди. Элизабет Вермонт хоним – эски қадрдоним-ку! У менга қараб жилмайди, ёлғиз эканини пайқаб, аста ёнига бордим.

– Оч қолган кимсага раҳмингиз келсин, – дедим илтифот билан, – ёнингиздан жой олишга ижозат берсангиз.

– Марҳамат, марҳамат, – жавоб берди хоним бағрикенглик билан, – бирок мен овқатланиб бўлдим ҳисоби.

Вермонт хоним одамнинг қулочи етмайдиган устун ёнидаги столда ўтирас, унинг рўпарасига жойлашганимдан кейин, устуннинг панасида ресторан гавжум бўлишига қарамай, иккаламиз ёлғизланиб қолгандай бўлдик.

– Омадим келди, – мамнун дедим мен. – Очликдан силлам қуриб, йикилар даражага етгандим-а.

Элизабет Вермонт хонимнинг табассуми жуда чиройли эди: табассуми юзини дарҳол чароғон қилиб юбормас, аксинча, оҳиста жозиба бахш этарди. Даствор лабларида канотланган табассум секин-аста юлдуздай йирик кўз-

ларида порлай бошларди. Элизабет Вермонт жозибали жувон эканини, шубҳасиз, барча эътироф этарди. Мен уни қизлик пайтида кўрмаганман. Лекин ёшлигига фариштадай гўзал бўлганини, унга рўпара бўлганларнинг кўзлари ҳайрат ёшлари билан тўлишини кўпчилик гапириб берарди, ва мен бу сўзларга ишонардим, зотан, эллик ёшни коралаган бу аёл ҳамон жозибаси билан ром этарди. Вакт бешафкат хукмини ўтказганига қарамай, ёш жувонларнинг навқиронлигию хушрўйлиги ҳам Элизабет хонимнинг гўзаллиги қошида ғаридай туяларди. Киз-жувонларнинг бўёқ чаплаб ташланган чехраларини ёқтирамайман, менимча, турли атир-упалару лаб бўёкларини юзларига чаплаб, улар ахмокона йўл тутадилар. Лекин Элизабет Вермонт атир-упалардан табиатга таклид килиш учун эмас, унга ўзгача кўрк баҳш этиш мақсадида фойдаланади. Жозибадор қиёфасига назар солар экансиз, безаниб олганини пайқамайсиз ҳам, аксинча, фақат ҳайратланасиз.

Элизабет хоним пардоз буюмларидан шунчалар усталик билан фойдаланаардикি, чиройли чехрасининг ранг-баранг кирралари камалакдай товлана бошларди. Қоп-кора соchlари силлиқ бўлиб, қатрондай товланарди: чамаси, соchlарини ҳамиша бўяб юрарди. Қомати жуда келишган бўлиб, ҳамиша сарвдай тик тутарди, ҳатто ўтирган чоғида ҳам торнинг таранг торларини эслатарди.

Эгнига сидирға одми қора шойи кўйлак кийиб олган, бўйни ва кўкрагини гавҳарлар шодаси безаб турарди. Гавҳар маржонидан ташқари ягона кимматбаҳо тақинчоғи йирик зумрад тошли никоҳ узуги бўлиб, хира ялтираши асносида қўли яна ҳам оппоқ бўлиб кўринарди. Лекин айнан ёркин қизил бўёқ бўялган тирнокли кўллари ёши ўтиб колганини фош этиб туарди. Кизларнинг мулойим ва думалок кўлларига ўхшамайдиган панжаларига кўзингиз тушганда сесканиб кетардингиз.

Улар аллақачон йирткіч қүшларнинг дастпанжаларига үхшаб қолғанди.

Элизабет Вермонт ғайриоддий аёл эди. Аслзода оилада (у герцог Сент-Эрс еттінчининг қизи эди) вояга етган Элизабет үн саккиз ёшдаёк жуда бадавлат кишига әрга тегади ва дархол айшу ишратга берилади, топганини олди-орқага қарамай совуриб, бузуклик күчасига киради. Үта мағрур ва таваккалчи бу жувонга әхтиёткорлик ва оқибатни үйлаб иш килиш сингари хислатлар тамомила бегона эди. Икки йил ҳам үтмай росмана жанжал келиб чиқади ва эри у билан ажрашади. У оиласи бузилган учта ҳамюртидан биттасига яна турмушга чиқади, үн саккиз ойдан кейин унинг хонадонидан ҳам бош олиб чиқиб кетади.

Элизабет Вермонт бузуклиги туфайли ҳамиша маломатта дучор бўларди. Унинг ҳайратомуз гўзаллиги ва жанжалкашлиги барчанинг эътиборини тортар, мишмишларга ўзи ҳам кенг йўл очиб бергани учун эл ичиди сира тилдан тушмасди. Ор-номусли одамлар унинг отини аташдан ҳам жирканарди. Элизабет Вермонт ашаддий киморбоз, фохиша ва исрофгар эди. Лекин жазманларига хиёнат қилгани билан дўстларига садоқатли бўлиб, барчасидан қатъи назар Элизабет Вермонт жуда яхши аёл, дея эътироф қилувчилар топиларди. У ҳеч қачон муноғиқлик қилмаган, самимийлик, бағрикенглик ва хайрихоҳлик ҳамиша ўзига хос жиҳатлари бўлган. Ҳаётининг айни шу палласида у билан танишиб қолдим. Эътиқод асосларига путур етган бизнинг давримизда шаънига доғ тушган аслзода аёллар санъатга мойиллик кўрсата бошлагандилар. Үзлари мансуб доира вакиллари нафрат билан юз ўғирганда улар ҳатто ёзувчилар, рассомлар ва мусикачилар жамиятга ҳам ошна бўлдилар. Элизабет Вермонт хоним марокли сухбатдош сифатида ҳам эътиборимни тортди. Тангри ёрлақаган барча одамлар каби у ҳам кўнглидаги бор гапларни сира тап тортмай, оқибати

қандай бўлишини ўйлаб ҳам ўтирасдан тўкиб соларди (шу асно талай вақтини тежарди), боз устига жуда ҳам топкир эди.

Элизабет хоним жўшқин ҳаётини енгил ҳазил аралаш бажонидил сўзлаб берди. Олий маълумотли бўлмаса ҳам у билан сухбатлашиб хузур қилдим, чунки у ростгўй аёл эди.

Кейин у барчани ҳайратга солган ишни қилди: қирк ёшида йигирма бир яшар йигитга турмушга чиқди. Бу телбаларча қилинган иш дея таниш-билишлари ҳам унга маломат тошларини ёғдиришди. Шу пайтга қадар ҳар қандай шароитда ҳам уни ёқлаб келганлар ҳам эндиликда ёқимтой йигитча тарафига ўтиб, унинг ҳаётий тажрибасизлигидан фойдаланмокчи бўлаётир, дея Элизабетдан юз ўгиришди. Улар, бунга йўл қўйиб бўлмайди, дея бу ишнинг охири яхшилик билан тугамаслигини олдиндан алам билан башорат қилишарди, зеро Элизабет Вермонт ҳеч қайси эркакка ярим йилдан ортиқ тоқат қилмаслигини яхши билишарди. Улар, колаверса, Элизабетнинг шармандали хулқи сабабли, ёшгина эри охир-оқибат ташлаб кетиб ундан қутилади, деб умид қилишарди.

Лекин барча янгишганди. Элизабет Вермонтнинг феъл-авторида йиллар ўтиб жиддий ўзгариш содир бўлганми, ёки Питер Вермонтнинг соф ва самимий мухаббати ўз кучини кўрсатганми, билмадим, хуллас, у Питерга рисоладагидек хотин бўлди. Улар ҳаминқадар кун кечиришарди, Элизабет исрофгарлиги билан ном чиқарганига қарамай, эндиликда тежамкор уй бекасидай рўзгор юритарди. Кутилмаганда ор-номуси хақида кайғура бошлади, натижада миш-мишларга зўр берадиган кимсалар ҳам тилини тишлаб қолди. Питерни баҳтиёр қилиш ҳаётининг мазмунга айланганди. Элизабет эрини жонидан ҳам ортиқ яхши кўришига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Узок вақtlар мобайнода тилдан тушмаган Элизабет Вермонтни ортиқ ҳеч ким эсга олмай кўйди. Унинг турмуш тар-

зи ниҳоят ҳеч кимни қизиқтирмай қўйганди. У тамомила бошқа аёлга айланганди; жўшқин ҳаёт кечирган бу аёл ниҳоят қариди, ўзининг ўтмиши унга аллақандай бегона, деярли нотаниш, аллақачон вафот этган хотиннинг ҳаётидай туюлса-я, деган фикр менга тинчлик бермасди. Бинобарин, аёллар жуда ҳавас қиласиган унтиш қобилиятига эга.

Бироқ кисмат бизга қандай тухфалар тайёрлаб қўйганини олдиндан ким ҳам айтиб бера оларди? Ўн йил бекаму кўст турмуш кечиргандан кейин Питер Вермонт Ташки ишлар вазирининг ёрдамчиси, лорд Роберт Кэнтоннинг кенжаси, келишган қизи Барбара Кэнтонни телбаларча севиб қолади. Элизабет Вермонт билан қиёслаб бўлмаса ҳам, оқсариқдан келган Барбара жуда ҳам келишган қиз эди.

Бундан талай одамлар аллақачон хабар топган, Элизабет хоним буни билармикан, мазкур боши берк қучадан қандай килиб чиқаркан, деган фикр барчани қизиқтиради. Ахир, шу пайтгача бирорта ҳам жазмани ундан воз кечмаган – барчасини унинг ўзи ташлаб кетганди.

Элизабет Вермонт жуда ҳам журъатли ва топқир аёллардан эканини билганим учун катта ҳаёт бўсағасида турган Кэнтон сингари ғўр қизалоқни бир чўқиша-ёқ дафъ қилса керак, деб ўйлагандим. Ресторанда турли мавзуларда сухбатлашиб ўтирас эканмиз, шундай фикрлар хаёлимдан кечарди. Элизабет хоним одатдагидек хушчакчак, жозибадор ва очиққўнгил бўлиб, бирон нарсадан ранжиганини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. У мен билан факат ўзигагина хос оқилона оҳангда, ҳазил-хузулларимга кулги билан жавоб қайтариб, ҳар хил мавзуларда берилиб сухбатлашди. У билан сухбатлашиб баҳри дилим очилди ва менда шундай таассурот пайдо бўлди, Питернинг унга нисбатан муносабатида рўй берган ўзгаришлардан қандайдир ғайриоддий тасодиф туфайлигина

бехабар қолган. Мен буни ўзимча шундай изохладим: у Питерни шунчалар қаттиқ яхши күрадики, ўз навбатида Питернинг муҳаббати ҳам бундан заррача кам бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди.

Биз қахва ичдик, бир жуфтдан сигарета чекдик, нихоят, у мендан соат неча бўлганини сўради:

– Иккидан йигирма беш дақика ўтди, – деб жавоб бердим.

– Ҳисоб-китоб киладиган вақтим бўлибди, – деди у.  
– Ижозат берсангиз, нонуштангиз ҳақини мен тўласам, – деб таклиф қилдим.

– Жоним билан, – деди у чиройли жилмайиб.

– Шошиляпсизми?

– Соат учда Питер билан учрашишим керак.

– У яхши юрибдими?

– Отдай.

Унинг юзи жозибали табассумдан ёришиб кетди, лекин чехрасига нимадир соя согандай бўлди. Бир оз иккilanгандан кейин менга тик қараганча шундай деди:

– Сиз антика воеаларни ёқтирасиз-а? Бирок қандай ниятда эканимни ҳеч қачон тополмайсиз. Бугун эрталаб Питерга қўнғироқ қилиб, соат учда учрашишга келишиб олдим. Мен билан ажralиш ҳакида судда жиноий иш кўзғатишини илтимос қilmokчиман.

– Бўлиши мумкин эмас! – хитоб қилдим мен қизарганимча ортиқ нима дейишни билмасдан. – У билан жуда баҳтиёrsиз деб ўйлагандим.

– Ҳамма билган воеалардан наҳотки мени бехабар деб ўйласангиз? У даражада гўл эмасман, ахир.

Айрим аёлларга ўзинг ишонмайдиган гапларни ҳам bemalol гапираверса бўлади. Бирок Элизабет хоним бошқа тоифадан бўлгани учун майнавозчилик қилишини ўзимга эп кўрмадим.

Бир оз сукут саклагач сўрадим:

– Нима учун Питер бу борада ташаббускор бўлиши керак, деган қарорга келдингиз?

– Ҳамма бало шундаки, Роберт Кэнтон жуда қайсар кария. Ажралиш билан боғлиқ ишни мен бошлайдиган бўлсам, Барбаранинг Питерга турмушга чиқишига рухсат бериши даргумон. Мен учун эса – ажралишлар битта кўп бўлди нимаю, битта кам бўлди нима, заррача ҳам аҳамияти йўқ.

Элизабет хоним бежирим елкасини учириб қўйди.

– Питер Барбара билан турмуш куриш ниятида эканини қаёқдан билдингиз?

– Айтяпман-ку, телбаларча севиб қолган!

– Ўзи айтдими?

– Йўқ. Барчасидан хабардор эканимни ҳатто билмайди ҳам. Бечора икки ўт орасида азоб тортяпти. Менинг қўнглимни оғритмаслик учун шунчалик зўр беряптики, асти кўяверасиз.

– Балки, бу ўткинчи ишқибозлиқдир? – мен юрак ютиб шундай дедим. – Балки, кўз очиб юмгуңча ўтиб кетар.

– Нега энди ўтиб кетиши керак? Барбара ёш ва гўзал. Жуда келишган қиз, улар бир-бирига мос. Устига-устак, росмана ишқий муносабатлар завол топганининг нимаси яхши? Улар бир-бирини севади, севги муносабатларида эса айни замонда рўй берадиган воқеалар мухим. Мен Питердан ўн тўққиз ёш каттаман. Агар йигит киши онаси тенги аёлни ортиқ севмай қўйган бўлса, сизнингча, бу йигит яна ўша аёлга кўнгил қўя оладими? Сиз ёзувчисиз, одамларнинг кўнгил кечинмаларини ҳаммадан яхши билишингиз керак.

– Лекин, нима учун сиз ўз баҳтингизни қурбон қилишингиз керак?

– Чунки бундан ўн йил олдин, Питер менинг қўлимни сўраганда, агар бирон кун келиб эркин қушдай озод бў-

лишни истаб қолсанг, дархол сен билан ажрашаман, деб ваъда берганман. Қолаверса, иккимизнинг ёшимизда катта фарқ борлигини ҳисобга олганда, оддий адолат ҳам шуни тақозо этади.

– Питер сиздан талаб қилмаган ваъдани, наҳотки, бекаму кўст бажармоқчисиз?

Элизабет хонимнинг озғин қўллари енгил титради, бармоғидаги зумраднинг хира товланишида аллақандай ёвуз куч жилва қилгандай бўлди.

– Ох, шундай қилишим керак, биласизми, шундай қилишим зарур! Берган ваъдамга вафо қилишим шарт. Ростини айтсам, бу ерда шунинг учун ҳам нонушта киляпманки, Питер ўн йил муқаддам айни мана шу стол устида менинг қўлимни сўраганди. Афсуски, мен уни ҳозир ҳам ўша пайтдагидек жонимдан ортиқ яхши кўраман.

Элизабет Вермонт бошини этганча жим бўлиб қолди, лабларини асабий қимтиб олгани яккол қўриниб турарди.

– Энди мен бора қолай, – деди Элизабет хоним. – Питер илҳак қиласиган одамларни жинидан баттар ёмон кўради.

У нажот ахтаргандай менга ёлвориб тикилди, дафъатан ўрнидан тура олмаганидан ажабландим. Лекин ўзини қўлга олди ва жилмайганча илкис ўрнидан қўзғалди.

– Кузатиб қўяйми?

– Эшиккача бўлса, майли, – яна жилмайди у.

Биз ресторон ва меҳмонхонанинг кириш бўлмасидан ўтдик, дарбон айланма кириш эшигини итарди. Мен, такси чақириш ниятингиз йўқми, деб сўрадим.

– Йўқ, яхиси пиёда кетаман, ҳавонинг яхшилигини каранг. – У менга қўлинни узатди. – Сизни кўрганимдан жуда хурсандман, – деди у. – Эртага хорижга жўнаб кетаман, лекин бутун кузни Лондонда ўтказмоқчиман. Менга қўнғироқ килинг.

У табассум қилди, бош ирғаб, күчага чиқди. Ҳамон илиқ баҳор ҳавоси хукмрон бўлиб, кўм-кўк осмонда биноларнинг томлари узра паға-паға оппоқ булатлар аста сузиб юради. Элизабет хоним қаддини тик тутган ҳолда бошини мағрур кўтарганча кетиб борарди. Қадди-комати жуда келишган бўлиб, рўпарадан келаётгандар ҳам ўгирилиб ортидан караб қолишарди. Шляпасини бошидан олиб хиёл таъзим қилган танишига самимий жавоб берганига кўзим тушди ва бу аёлнинг кўнгли чексиз дарду алам исканжасида азоб тортаётганини бу таниши ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди, деган фикр хаёлимдан кечди. Яна такрорлайман, Элизабет хоним жуда ростгўй, софдил аёл эди.

---

**Д. ПАУЭРС,  
АҚШ**

## **КУЛФАТ**

*На қулдорларнинг калтаклари,  
на бағритошларнинг қамчилари,  
на аскарларнинг мильтиқлари бизнинг  
эътиқодимизни маҳв эта олмайди.*

Маргарет УОЛКЕР,  
«Менинг халқим учун».

Ўша кунни биз деразанинг олдида ўтказдик. Бувим хонасидан чиқиб: «Қани, бу ердан тез нари кетинглар!» – деб пўписа қиласди. Биз унинг гапига қулок солардик, бирок хонасига кириб кетиши билан яна деразага ёпишардик. Бувимнинг эски тебранма курсиси ҳар гал турганида ғижирлар, курси гижирлаганини эшитганимиз ҳамоно деразадан нари кетардик, «Булар кўчадаги воқеаларни қузатмаётганмикан», деган хавотир билан кирган бувим ҳеч вақони пайкамай хотиржам чиқиб кетарди. Курси ғижирлаганини факат бир гал эшитмай қолибмиз. Чамаси, бувим тебранма курсига ўтирганнан ёки ундан жуда оҳиста турган-у, барчамизнинг деразадан кўчага тикилаётганимизнинг гувоҳи бўлган. Бувимнинг астойдил жаҳли чиқди ва кўм-кўк пардани тушириб кўйди. Лекин ичимиз қизиб, пардани хиёл кўтарганча яна кўчадаги воқеаларни томоша қила бошлидик.

Кўчадаги воқеалар эса каламуш овини эслатарди. Биздаги каламушлар мушукдай-мушукдай келади – жуда катта. Кимдир қўлида қурол билан бирон пана жойга бе-

киниб олади-да, каламушларнинг чиқишини пойлайди ва улар кўриниши билан ўт очади. Факат бу сафар одамлар каламушларни эмас, бир-бирларини овлаш билан банд бўлди. Оклар айниқса кўп ўқ узишди. Баъзи-баъзида куролланган негрларга ҳам кўзимиз тушарди, лекин аксарият ҳолларда уларнинг қўлида сўлакмондай сўйил бўларди, холос. Эрталаб оклар оёғидан яралangan негрга етиб олганининг гувоҳи бўлдик. Оклар унинг бошига ғишт ва тошлар билан аямай уришди. Қоп-кора боши қип-қизил қонга бўялмагунча, токи жон таслим қилмагунча тошбўрон қилишди. Шўрлик негр ётган жойдаги корамтири доғ ҳамон деразамидан кўзга ташланади.

Биз деразанинг олдидан жилмасдик. Балки, энди оклардан бирортасини ўлдиришар, деган хаёл билан деразадан тикилардик, лекин бунга ишончимиз комил эмасди. Чунки яна бир негрни ўлдиришлари эҳтимолдан йирок эмасди.

Уйимизнинг бўсағасида, эшик олдида зинапояли айвонча бор, кутилмаганда тахта айвончадан бир талай одамларнинг оёқ товушларини эшитдим. Эгизак синглим Кэрри жуда кўркиб кетди, негрни қандай ўлдирганларини деразадан кузатиб турганимизни пайқаган оқ танли одамлар бизларни бир ёқлик қилиш учун келишди, деди ваҳима билан Кэрри. Олдинига мен ҳам кўркиб кетдим, лекин эшик ортидаги овозларга яхшилаб қулок тутганимдан кейин улар негрлар эканини билдим. Бирок бир гала негрлар нима учун эшигимиз олдида тўдалашиб турганини тушуна олмадим.

Бувим эшикни қулфлаб, кимдир эшикка яқинлашса, ҳатто у томонга қараса ҳам боплаб адабини бераман, деб бизларни огоҳлантирганди. Калитни эса чўнтағига солиб кўйганди.

Мен бувимнинг олдига кириб, кимлардир эшигимизни астойдил тақиллатаётганини, эшикни очмасак, син-

диришлари мумкинлигини айтдим. Бувим калитни қўлга олди, лекин эшик томон ошиқмади. Калитга тикилганча, «Ё Парвардигори олам, ўзинг паноҳингда асра...» дея пи-чирлаб дуо ўқий бошлади. Кейин эса йиғлаб юборди-да, эшикни очишга тутинди, лекин томирлари бўртиб чиққан коқшол кўли дағ-дағ титраганидан, калитни қулфга сола олмасди.

Остонада бир тўда одамлар онамни кўтариб туришарди. Бу манзарани кўрган бувимга нима бўлганини билмайман, назаримда, уostonага юзтубан кулади.

Мен ўгирилганимда бувим ерда ётарди, қандайдир эркаклар уни кўтариб олишди, аёллар эса: «Бу ёқка олиб киринглар, бу ёқка», дер эди. Мени эса бувимдан кўра онам кўпроқ ташвишга соларди.

Онамнинг синган яланг қўл суюги чиқиб турарди. Ханжардай яланғоч ва конталаш бу сукни кўрганимда юрагим орқага тортиб кетди. Онамнинг кўксига ҳам нимадир бўлганди. Ортиқ қарашга юрагим дош бермади. Кэрри биғиллаб йиғлаб юборди. Мен ҳам йиғлашга тушдим. Кўз ёшларим атрофни кузатишга тўскинлик киларди, шунга қарамай укаларим – бир ярим яшарли гўдак билан тўрт яшар Жорж жуда ҳам ёш бўлгани учун нималар бўлаётганига тушунмас, колганлар анграйганча тикилиб турганини илғадим.

Бувимни ўзининг хонасига олиб кириб, каравотига ётқизишли ва эшикни ёпишли, бувимнинг дугонаси дастрўмолни муздай сувга ботириб, унинг пешонасига босди. Онамни бизнинг хонадаги каравотга ётқизишли, хонада тўпланганлар тобора паст овозда гапиран, кейин эса факат шивирлаб гаплаша бошлиди.

Кимдир дўхтирни бошлаб келди. Дўхтир ҳам негр бўлиб, унинг худди киноларда бўлгандек, кора жомадони ҳам бор эди. Ҳатто тобимиз қочган пайтларда ҳам илгари бизникига дўхтир келганини сира эслай ол-

майман. Балки, мен туғилмасдан олдин дүхтир келган бўлса керак.

Дўхтирнинг отам каби заводда, лекин факат тунги сменада ишлайдиган жаноб Пурвайнга айтган гапи қулоғимга чалинди. Гапидан аён бўлишича, у онамнинг синган қўлини тўғрилаб қўйишни мўлжаллар, лекин беморга азоб бермаслик учун шошилмас, колаверса бунинг хеч қандай аҳамияти йўқ эди.

Дастлаб келганида анча жонсарак қўринган дўхтири энди нимагадир ошикмасди. У бир-икки марта онамнинг манглайини ушлаб қўрди, назаримда, бу ҳам уни хотиржам килмади, аксинча яна ҳам ҳолдан тойдиргандек қўринди.

Дўхтири онамнинг соғ қўлини билагидан бир оз ушлаб турди, лекин ранг-рўйидан хеч вақони англаб бўлмади. Бунда ҳам бирон ўзгариш сезмади, шекилли, ёки у ўз фикрларини биздан яширди. Балки, онам қандай оғир аҳволда ётганини кўриб турганим учун шундай фикрлар хаёлимдан кечгандир. Дўхтири ниҳоят: «Уриниб қўраман», – деди-да, иссиқ сув ва бошқа керакли нарсаларни келтиришни буюрди, бир оздан кейин онамни бошдан-оёқ оппок дока билан ўраб ташлади.

Ундан кейин дўхтири онамни ёлғиз қолдириб, бир тўда одамлардан қолган беш-олтита хотинлар ва эркакларга юзланиб, нималар рўй берганини суриштириди. Афсуски, мени қизиқтирган жуда кўп нарсаларни суриштиrmади, афтидан, у анча воқеадан хабардор эди. Лекин сухбатдан англадимки, онам ишдан чиқиб трамвайдада уйга келаётган пайтда тартибсизликлар бошланган. Биз онам ишга киргач, чоғрок ферма сотиб олиш ниятида пул жамғара бошлагандик. Жаноб Пурвайн заводга телефон қилиб, отамга тез уйга етиб келгин, деганини айтди. Жаноб Пурвайн, шунингдек, кўча нотинч бўлгани учун бугун ишга бормаслигини, негрларнинг уйдан чиқиши хатардан холи эмаслигини ҳам қўшимча килди.

«Хамиша шу аҳвол, – деди алам билан кўзойнакли киши. – Негрлар ниҳоят бир ёқадан бош чиқаришлари ва барчасига барҳам бериш учун муносиб жавоб беришлари керак». Дўхтири тумтайиб олди. Жаноб Пурвайн елка қисиб кўя қолди, битта хотин билан битта эркак эса бу фикрни маъқуллади.

– Манглайимизға нобуд бўлиш ёзилган экан, – деди кўзойнакли киши, – курбонликка сўйиладиган қўйдай ёки кушхонага келтирилган сўқимдай жон таслим қилмаслигимиз керак!

Кўзойнакли киши жон-жаҳди билан гапирав, ҳамма, жумладан, мен ҳам ундан кўз узмасдим.

– Сон жиҳатдан қанча кўп бўлишига қарамай, ялпи душманга қарши курашмоғимиз керак. Бизлар довюрак бўлишимиз, душманнинг минглаб зарбаларига ягона, бирор яксон қиладиган зарба билан жавоб беришимиз зарур! Бошка чорамиз ҳам, йўқотадиган нарсамиз ҳам йўқ! Бир тўда қотиллар бизларни тап тортмасдан ўлдириб, яна ҳеч нарса бўлмагандай сувдан қуруқ чиқишларига йўл кўймаймиз!

Ҳамма жуда тўгри, деб маъқуллади, бир аёл эса, кўзойнакли кишининг сўzlари бамисоли шеърдай жаранглади, деб таърифлади. Мен эшитганларим агар шеър бўлса, келажакда шеърлар ёзадиган шоир бўламан, деб аҳд қилдим. Кўзойнакли кишидан бу шеърни ўзингиз ёзганмисиз ёки бошқа одамникими, деб сурадим, ҳамма одамлар гўё биринчи марта кўраётгандек менга хайрон бўлиб тикилиб қолишибди ва гўё ножӯя гапларни эшитганимдан афсуслангандай бошларини чайқата бошлашди. Кўзойнакли киши эса бу унинг шеъри эмаслигини хотиржамлик билан айтиб, шундай шеърни ўзим ҳам жон деб ёзган бўлардим, дея қўшимча қилди. Афуски, қўлимдан келмайди, бу шеърни бизга ўхшаган негр Клод Маккей ёзган, унинг шеърлар тўпламини кутубхонадан

олиб ўқисанг бўлади, деди. Кўчада осойишталик ҳукмрон бўлиши билан кутубхонага бораман, деган қарорга келдим. Ўшандада хаётимда илк бор кутубхонани ўйлагандим.

Кўп ўтмай ҳамма тарқаб кетди, факат дўхтири билан бувимнинг дугонаси қолди. Бувимнинг дугонаси хонадан чикиб келганида бувим каравотда кўзларини юмганча ётганини кўрдим. Кампир, консерва банкани оча оласанми, деб мендан сўради. Ҳа, очаман, дегандим, сабзавот шўрва солинган консерва банкани қўлимга тутқазди. Кампир тезда таом тайёрлаб, ҳаммамизни дастурхон атрофига ўтқазиб, овқатланишга ундади. Жорж билан гўдак укам овқатланишга тутинди, менинг томоғимдан бир бурда нон ҳам ўтмади, факат бир стакан сув ичдим. Кэрри ҳам ҳеч нарса емади, у стулда оёқларини йиғишириб, кўзларини юмганча қилт этмай ўтиради.

Онам ухларди, дўхтири пардани хиёл қўтариб, кўчага назар ташлади. Мен ҳам, Кэрри ҳам ҳеч нарса емаётганимизни кўрган кампир овқатни увол қилиш яхши эмас, эсли-хушли болалар бундай қилмайди, қолаверса, сен онасидан ажралаётган биринчи болакай эмассан, деб айтди. Мен: «Сиз жиннисиз, мен онамдан ажралишни хоҳламайман», деб бакириб бердим. Ахир, онам ухлаб ётар, дўхтири бирон кор-ҳол бўлса, унга ёрдам бериш учун шай туарди.

Мен бакира бошлаганимда дераза олдида турган дўхтири қайрилиб қарамади ҳам. У ҳатто, онангни уйготиб юборасан ёки кампир бекорларни айтиби, ҳам демади, факат деразага тикилганча тураверди. Дўхтири яна бир оз турди-да, онамга яқинлашиб, қўлидан ушлади, лекин бу сафар пешонасини ушлаб кўрмади.

Бувим хонасидан чикиб, «Сен шовқин солдингми?» дея менга юзланди. Мен «Ҳа» деб жавоб бердим, кампирнинг гапини ҳам айтмоқчи бўлдим-у, тилим бормади. Мен бу совук сўзлар яна бир бор такрорланишини истамасдим, ҳатто хаёлимга келтиришни ҳам хоҳламасдим.

Бувим онамнинг бошига келди ва синчиклаб назар солди, кейин эса дугонасига: «Илтимос, бир пиёла доғ сув бергин, бошқа ҳеч нарса томоғимдан ўтмайди», деди. Сўнг яна дераза олдида қокқан қозикдай турган дўхтирга якинлашиб, унга шивирлаб нимадир деди, дўхтир хам шивирлаб жавоб берди, лекин жойидан жилмади.

Бувим, тез қайтаман, деб чикиб кетди. Мен деразага якинлашдим, қуёш уфққа ина бошлаганди, бувим орка эшикдан кўчага чиқди. У кўчани кесиб ўтиб, рўпарадаги баққоллик дўконига орка эшикдан кирди.

Уйимиздан, чамаси, бир маҳалла нарида нимадир рўй берди, шекилли, шовқин-сурон эшитила бошлади, бирок кўчада ҳозирча бирон зоғ кўринмасди. Бувим кўлида қандайдир жигарранг пакет билан дўкондан чиқди. У кўчанинг ўртасида тўхтаб, назаримда, уйлар орасидан иниб бораётган зарғалдок қуёш баркашига кўз ташлади. Офтоб нурларида бувимнинг соchlари ва ранг-рўйи тилла суви юритилгандай товлана бошлади, шу паллада фавқулодда манзара ҳосил бўлди: бувим дафъатан ёшариб кетгандай туюлди ва мен онамни кўргандай бўлдим.

Кўчада шовқин кучайди, уйимизнинг ёнгинасида эшитила бошлади. Ўттизтacha оқ танлиларга кўзим тушди, улар иккита негрни қувиб келарди. Оқ танлилардан бири горн чаларди. Оқ танли кишилар тулки овига чиқишганда, шу тариқа горн чалиб тулкиларни қувлашади. Шундай қилишларини кинода кўрганман. Мен хавотирланиб дархол бувим турган жойга қарадим. Бувим наҳотки гафлатда қолиб, бирон жойга яширинмаган бўлса? Лекин бувим ҳаммасини пайқаган ва яширинган эди. Негрлар икки уй орасида ғойиб бўлди, оқ танлилар уларнинг ортидан югурди ва кўчада яна сокинлик чўкди. Бувим яширинган жойидан чиқди, қочаётганда кўлидан тушириб юборган, шекилли, жигарранг пакетни яна кўлига олди. Лекин шу палла яна шовқин кўтарилди.

Бувим яна пакетни қўлидан тушириб юборди ва уй томон ошиқди, пакет эса кўчада колиб кетди. Занглаган темир-терсаклар ва эски машиналар ташланган жойдан бир тўда оломон югуриб чиқиб, сигирлар галасидай кўчани тўлдириб чопа кетди. Мен кўзларимга ишонмасдим. Биз тартибсизликлар бошлангандан буён кўришни умид килаётган воқеанинг гувоҳи бўлиб тургандик: оқ танли киши негрлар оломонидан кочиб бораарди, негрларни эса санаб саноғига етиб бўлмасди. Оқ танлининг куни битиши аниқ эди, бу икки негрни кувиб бораётган оқ танлилар орасида горн чалиб бораётган кимса эди.

Оқ танли уйимизга яқинлашгани сайин ўзининг аҳволини оғирлаштиради, чунки бизнинг уйимиз кўчанинг охирида жойлашган бўлиб, бу ерда у қўлга тушиши аниқ эди. Горн ушлаганича кочиб бораётган бу ношуд оқ танли зора кочиб қутулса, деган фикр нима учундир беихтиёр кўнглимдан кечди. Унинг кочиб қутулишини ҳатто тахмин ҳам қилиб бўлмасди, балки, айни шу боис унинг омон колишини истагандирман.

Оқ танлининг калласи ишлаб колди. У қўлидаги горнни жон-жаҳди билан бошидан ошириб орқасига улоктириди. Одатда, топиб олинган отнинг тақаси яхши ният билан шу асно орқага улоктирилади. Горн оқ танли ортидан изма-из келаётган негрнинг қаншарига тегди. Негр коқилиб кетди ва йикилди, унинг ортидан югуриб келаётган шериклари ҳам бир сония тўхтаб қолди.

Оқ танли мебеллар омбори билан ракс майдони ўртасидаги чиқиндиҳона томон бурилди. У шу ерда ҳам тулкидай айёрлик қилмоқчи бўлди-ю, уddeлай олмади. Омбор билан чиқиндиҳона ўртасида сезиларсиз тор йўлакча бўлиб, ундан фақат битта одам югуриб ўта оларди. Агар у яхширок мулоҳаза килганда, ана шу тор йўлак орқали бошқа кўчага чикиб олган бўларди, ўшанда кочиб кутублиб кетарди. Бироқ у йўлакча томон бурилмади, уни ҳад-

дан ташқари тор деб ўйлади, шекилли, уйимиз якинидаги гараж ёндан югуриб ўтди.

Негрлар уни тутиб олиш учун чикиндихона бўйлаб чопишди ва, афтидан, каравотларнинг симлари, бошка темир-терсакларга ўралишиб қолиши. Лекин оқ танли ҳам қўздан ғойиб бўлганди, шунга қарамай, боши берк кўчага кириб қолган оқ танли оркага қараб югуриши керак бўларди, чикиндихонадан чиқиб олган негрлар эса оқ танлига нисбатан каттиқ юурғанлари учун уни тутиб олишлари шубҳасиз эди.

Шу паллада бувим орқа эшикни очиб, оқ танлини кутқариб қолди.

Олдинига оқ танли омон қолганидан хурсанд бўлдим, бирок ўта оғир ахволда ётган онамни ўйлаб, бувим килган ишдан афсусландим. Кейин эса бувим уни кутқариб қолганидан яна мамнун бўлдим. Онамни қўз олдимга келтирганимда оқ танли тирик қоладими, ўладими, унга барибир экани кўнглимдан кечди, лекин оқ танлининг омон қолиши биз учун ҳам, унинг ўзи учун ҳам муҳим эканини ҳис қилдим.

Кейин ўйга толдим. Ҳамма бало шундаки, кимнидир алдашган, ҳақорат қилишган ёки ўлдиришган, қолганилар эса ёлғон гапирганлар, ҳақорат қилганлар ва қотилларни алдаб, ҳақорат қилиб ва ўлдириб, ҳисоб-китобни гўғриламокчи бўлаётир. Афсуски, улар чучварани хом санаган. Ўйлашимча, бундай кора ниятига хеч қачон ета олишмайди. Жуда тўғри хулоса чиқардим, деган фикр кўнглимдан кечди. Тартибсизликлар барҳам топгач, албатта, кутубхонага бораман, осуда ўқув залида ҳаммасини яна бир бошдан пухта мулоҳаза қилиб кўраман. Ёки айни мен сингари мулоҳаза юритаётган бувим билан маслаҳатлашаман.

Дўхтир ҳамон дераза олдида мен билан ёнма-ён турарди. Бувимнинг хатти-ҳаракатларига доир хеч нарса

демади, аста дераза олдиdan нари кетди, мен ҳам ортидан эргашдим. Чамаси, оқ танли борасида дўхтир ҳам мен каби мулоҳаза юритар, шу боис деразадан нари кетганди. Бизларни деразадан тикилиб турганимизни кўрган негрлар, оқ танли қаёққа гумдон бўлди, деб ташланиб қолишларидан дўхтири чўчириди. Негрлар жуда ғазабга минган, ҳатто қутурган қиёфада эди. Улардан бири горнни кўтариб олган, у билан эшигимизга каттик ура бошлади. Мен кўркиб кетдим, наҳотки бувим эшикни беркитишни унуган бўлса, наҳотки негрлар уйга ёпирилиб киради-да, бувимнинг ҳам, дўхтирининг ҳам, менинг ҳам истагимга зид равиша бечора оқ танлини бир ёклик қилишади?

Шу жойда бувим айёрлик қилди. Кўчага югуриб чиқиб, турли томонларга ишора қила бошлади. Орадан бир сония ҳам ўтмасдан кўчада бувимдан бўлак ҳеч ким колмади. Бувим уйимизнинг деворига яқинлашиб, кимдир тепиб юборган жигарранг пакетни қўлга олди.

Бувим оқ танлини бевосита бизнинг хонамизга бошлаб кирди, унга ўтири деди-да, ўзига доғ сувдан қўйди. Қайнок сувни ҳўплаб ичаркан, хоҳлаган пайтингда кетишинг мумкин, лекин ҳозирча бир оз сабр қилганинг маъқул, деди. Оқ танли жуда миннатдор эканини билдириди, сизларни ташвишга қўйганимдан хижолатдаман, деб кўчадан шунчаки ўтиб кетаётганда юзлаб кораялок... қўккисдан унга ташланиб қолишганини айтди. Кейин онамга қўзи тушиб, «Кимнингдир тоби кочдими?» деб сўради.

Бувим ҳамон сув ҳўпларди, дўхтир деразадан ўгирилиб деди:

– Улар яна шу томонга югуриб келяпти. – У яна деразага қаради. – Йўқ, хайрият, орқага караб чопишаپти.

Дўхтир онамга яқинлашиб, яна қўлидан ушлади. Унинг қиёфасидан ҳеч нарсани англай олмадим, онам эса ҳамон ухларди. У ҳануз тик турган оқ танлига, ўтиринг, деб таклиф қилди. Кэрри факат бир бора қўзини очиб,

ҳаммага назар ташлади. Жорж билан кичкина гўдак укам бурчакка биқинганча оқ танлидан кўз узмасди. Гўдакнинг оёқлари кутилмаганди – тетапоя бўлганига энди бир ҳафта бўлганди – ва ерга аста йиқилди. Оқ танлидан кўзини узмай яна оёқка турди. Оқ танли бизнинг хонамиизда менга кулгили ва аллақандай ортиқча кимсадай кўринарди. Бизнинг уйимизда оқ танли кишилардан фақат хонадон эгаси ва яна рухоний, Эган авлиё ота бўларди, кейинги пайтларда эса фақат хонадон эгаси кириб туради, чунки Эган авлиё ота вафот этганди.

Дўхтир оқ танлидан, бирон жойда ишлайсизми ёки хусусий иш билан шуғулланасизми, деб сўради. Оқ танли эса нима учундир оёқларини кўздан кечира бошлади ва йўқ, боя айтганимдай, кўчадан ўтиб кетаётгандим, менга бирдан ташланиб қолишиди, деди. Дўхтир бувимга юзланиб, онамнинг юзи ва бўйини илиқ сув билан ювсангиз бўлади, деб уқтириди.

Кўчада яна шовқин кўтарилиди. Ойна бўлакларининг чарсиллаб сингани, деворнинг қарсиллаб қулагани эшитилди. Шунда дўхтир оқ танлига деди:

– Кетаверсангиз бўлади. Ҳозир кўчани оқ танлилар эгаллаб олган. Ҳаётингизга хеч қандай хавф йўқ.

– Йўқ, – эътиroz билдириди оқ танли, – фикрингизга қўшила олмайман. Мени улар билан бирга кўришларини хоҳламайман. Нариги тўдадан буларнинг фарки йўқ хисоби.

– Эҳтимол, – маъқуллади дўхтир.

Бувим оқ танлидан бир пиёла чой ичмайсизми, деб сўради.

– Чойми? Йўқ, – жавоб берди оқ танли. – Мен чой ичмайман. Сизлар чой ичишингизни билмас эканман. Менинг назаримда, чой инглизларнинг ичимлиги, буйракни ишдан чиқаради.

Дўхтир жавоб бермади, бувим унга бир пиёла чой тутти. Шу орада отам келди. Отам уйга кириши билан онам

томон талпинди ва жон таслим қилгандай унинг каравоти ёнида чўкка тушди. Онамнинг қўли синганини, қўкраги ҳам жароҳатланганини қўргани ҳамоно гўё жони узилгандай бўлди. У бошини қўтариб, онамнинг манглайдидан ўпди, шунда отам йиғлаётганини қўрдим. Мен дунёда энг кучли ҳисоблайдиган одам йиғларди, маржондай йирик қўз ёшлари катта-катта қўзларидан кенг юzlари бўйлаб окиб тушарди. Онам уни баъзида меҳрибон паҳлавоним деб эркаларди, энди эса барча оқ танли ва кора танлилар ичидаги энг паҳлавон одам, онамнинг меҳрибон паҳлавони йиғлаб ўтиради.

Отам қўлини яна онамнинг ёнига қўйди. Ҳамма турган жойидан қилт этмасди, факат гўдак укам отамга яқин келди ва қулоғидан тортқилай бошлади, эркалангиси келгандা ҳар доим отамнинг ё қулоғи ёки бурни ёки кўзларига чанг соларди. Лекин отам унга эътибор бермади, бир оғиз гапирмади ҳам, гўё ёнида эркатои турганини ҳам унутганди. Жажжи укам ноилож ундан нари кетди-да, ерга ўтириб олганча гоҳ отамга, гоҳ оқ танлига, гоҳ отамга, гоҳ оқ танлига қарай бошлади.

Отам ўрнидан турди, аста сув қувурининг ёнига келиб, жўмрагидан сув ичди. Нихоят оқ танлини пайқаб колди.

– Ким бу? – сўради отам. – Ким деяпман?

Хеч қайсимиз мик этмадик.

– Бу нусха ким деяпман, жин урсин? – яна ҳайкирди отам, одатда жуда қувонганда, ёки ўта ранжиганда мана шундай шер каби наъра тортади.

Дўхтир, бу жаноб Горман, деди, сўнг отамнинг ёнига келиб, ниманидир тушунтириди.

– Айбдор эмасми? – яна ҳайкирди отам. – Унда бизнинг кўчамиизда гавҳар еб юрибдими? Негрлар маҳалласида оқ танлига пишириб қўйибдими? Айтинглар, пишириб қўйибдими?

У ҳаммамизга галма-галдан савол назари билан тиқилди. Оқ танли күчада нима билан машғул бўлганини ҳаммамиз билсак ҳам, отамга хеч нарса демадик. Ҳеч кайсимиз: дўхтир ҳам, бувим ҳам, мен ҳам – барчасидан хабардор бўлсан ҳам оғиз очмадик.

– Мен кўчадан шунчаки ўтиб кетаётгандим, – ўзини оклади оқ танли. – Улар тасдиқлаши мумкин.

У шунчалик қўрқиб кетдики, мен сал бўлмаса кулиб юбораёздим. «Наҳотки оқ танлилар шунчалик куёнюрак бўлса?» – деган хайратомуз савол кўнглимдан кечди. Отамнинг наъраси билан қиёслаганда унинг овози заифона, ҳатто аҳмокона эшитилди. Отам йирик океан кемаси каби бонг урган бўлса, оқ танли кичик шатакчи қайқдай сал товуш чиқариб кўя колди.

Отам оқ танлинни унутиб, дўхтирандан хириллаганча онамнинг аҳволи ҳакида сўрай бошлади, улар паст овозда гаплашгани учун хеч нарсани англай олмадим.

Отамнинг қиёфаси тобора бешафкат тус оларди, ниҳоят ҳайкалдай қотиб колди ва мен, унинг юзида ортиқ ҳеч қачон табассум ҳам, кўз ёшлари ҳам кўрмасам керак, деб ўйладим.

Бувим келди ва шам ҳарид килиш учун борганда рухонийга ҳам телефон килганини айтди. У, шамларга рухоний томонидан дам солинмаган, дея хавфсиарди ва жигарранг пакетни очганида иккита оппок шамга кўзим тушди. Мажалламиздаги баққоллик дўконида шам ҳам сотилишини билмас эканман.

Бувим ўзининг хонасидан ҳошия солинган суратни олиб чиқди, суратда бир пайтлар менга тушунтиргандек, конга ботган муқаддас юрак тасвиirlанганди. Суратни онамнинг каравоти ёнидаги кичкина столча устига жойлаштириди ва икки ёнига иккита шамни ёқиб кўйди. Шамлар шуъла соча бошлигач, тиканли чамбар нишлари санчилган конталаш юрак тамомила қонга ботгандай тус олди.

Оқ танли дўхтирга яқин келиб, «Мен ҳам католикман», деди. Дўхтири жавоб бермади, фақат бош ирғаб қўя қолди. Назаримда, у католик эмасди, чунки негрлар католик динига камдан-кам эътиқод қиласди. Бувим билан ойим асли Янги Орлеанлик бўлмагандан, – Янги Орлеанда шу динга мансуб негрлар пашшадан ҳам кўп – бизлар ҳам католик динига эътиқод қилмаган бўлардик.

Отам столдан турди ва оқ танлига юзланди:

– Худо кечирсин-у, жаноб, бироқ хотиним ўладиган бўлса, сизни ҳам шу хонадаёқ ўлдираман.

Гўдак укам йиғлашга тушди, дўхтири отамга яқинлашиб, оқ танлидан нарига бошлади, отам итоатгўйлик билан эргашди, чунки бирданига чўкиб қолгандай бўлди, назаримда, оқ танлини ҳам, онам ҳакида айтган гапинию қилган пўписасини ҳам унутгандай эди.

– Гаров ўйнайман, рухоний келмайди, – деди отам.

– Йўқ, келади. Кутиш керак, – деди бувим, у тинмай калима ўгиради.

Мен олдинига рухоний кела қолсайди, деб умидвор бўлдим, кейин эса, келмай қўя колгани маъқул, деб ўйладим. Айрим рухонийлар оддий кимсалардан деярли фарқ қилмайди. Улар ҳеч нарсага аралашмасликни жуда боплайди. Отам бир гал менга шундай сабок берган: агар ижтимоий адолат ҳакида эшитмокчи бўлсанг, радионинг мурватини бурагин ёки 4 июль куни стадионга бор, ўша ерда янги кора костюм кийган оқ танли қария ҳайтимиз бекаму-кўст, ҳеч ким насибасиз қолмайди, савоб қилган одам нажот топади, дея сафсата сотади.

Ўтган йили Нажот (Спаситель) черковимизга янги рухоний келди, бузруквор Эган уни ёрдамчим деб таништириди, бироқ бу ёрдамчи кейинги якшанбада ғойиб бўлди. Унинг саломатлиги яхши эмас экан, деган мишиш тарқалди. Лекин отамнинг айтишича, уни факат оқ танлилар истикомат қиласиган тумандаги черковга ўт-

казишибди, чунки қора танлиарнинг гуноҳларини ке-чиришни сўраб, Тангрига ёлворишни асло хоҳламабди. Агар Эган авлиё ота тирик бўлганда, тартибсизликлардан ҳам чўчимай, дархол етиб келган бўларди, лекин у вафот этганди, унинг ўрнини эгаллаган рухоний борасида эса биз ҳеч вако билмасдик.

Ниҳоят, Нажот черковимизнинг рухонийси келди, у хонамизда туар, кўчада эса тартибсизликлар давом этарди.

Бувим тараддуланиб қолди ва, рухоний келишини билардим, дея тинмай такрорларди. Рухоний унча кари эмасди, бироқ игна ютган итдай жуда ҳам қилтириқ, қолаверса одатий оқ танлидан ҳам рангпар эди. У: «Мен – авлиё ота Кроувман», – деди-да, хонадагилар билан танишиш учун атрофга назар солди.

Дўхтир ўзини таништири ҳамда оиласиз аъзоларини, йўловчи сифатида жаноб Горманни ҳам таништириб чиқди, каравотда онам ётганини айтди. У бувимнинг дугонасини тилга олмади, менимча, ким деб таништиришни билмади. Рухоний каравотга яқинлашиб, онамга қаради, кейин дўхтирга имо қилди ва бирга бувимнинг хонасига кириб кетишиди. Дўхтир сингари рухонийнинг ҳам қора жомадони бўлиб, қўлдан қўймасди.

Отам яна столдан турди ва яна ғазабланиб оқ танлига деди:

- Нима деганим эсингиздами, жаноб?
- Нега менга ёпишиб олдингиз? Факат оқ танли бўлганим учунми? – вахимага тушиб сўради у.

Отам онам ётган каравотга қаради ва деди:

- Айнан оқ танли бўлганингиз учун. Айнан шунинг учун...

Бувим отамнинг қўлидан олиб, стол ёнига бошлаб борди ва уни яна ўтқазди.

Рухоний билан дўхтир бувимнинг хонасидан чиқишиди, рухоний, гўё бувимнинг хонасида ҳозиргина у ҳақда

сұхбатлашгандай дархол оқ танлиниң ёнига келди ва нима учун уйингизга кетмаяпсиз, деб сүради. Оқ танли күчадан ҳозир ҳам бакирик-чақириклар эшитилаётганини, бу унга ёқмаётганини, күчада юриш ҳозирча хатардан холи эмаслигини, шунинг учун мана шу ерда жон сақлаётганини айтди.

– Тушунарли, – деди рухоний.

– Мен ҳам католикман, авлиё ота, – деди оқ танли.

– Ҳамма бало шунда-да, – жавоб берди рухоний.

Рухоний қора жомадончасидан бир сиқим пахта олди, бармоқларини муқаддас мойға ботириб, онамнинг күзлари, бурни, қулоклари, лаблари ва құлларига хоч белгиси қўйди, шу асно лотинчалаб тўхтовсиз дуо ўқиди, кейин эса қўлинини пахта билан артди.

– Энди эса барчангиз тиз чўкиб калима келтиринглар. Бемор ухляяпти, уйғотиб юбормаслик учун секин дуо ўқийсизлар.

Гўдак укам ва Кэрридан бўлак ҳаммамиз тиз чўқдик. Кэрри Тангрининг кошида ортиқ ҳеч қачон тиз чўқмайман, деди.

Бувим йиғлагудай бўлиб:

– Илтимос, Кэрри, кела қол, – дея ёлворди.

Бувим, бечора онанг учун шундай қилишинг керак, ахир, сен аклли қизалоқсан-ку, наҳотки ўз онанг учун шундай қилмасанг, деб қўшимча килди.

– Йўқ! – қичқирди Кэрри. – Тангри ҳам оқ танли бўлса керак! – Кейин алам билан йиглаб юборди ва ёнимизга тиз чўқди.

Ҳатто оқ танли ҳам, дўхтири ҳам, ҳамиша баптист бўлган бувимнинг дугонаси ҳам тиз чўқди.

Кейин оқ танли рухонийга деди:

– Авлиё ота, сиз билан бирга кетсам, каршилик қilmайсизми?

Рухоний индамади, оқ танли яна деди:

– Мен кетадиган вақт бўлди. Йўлимиз бир эмасми, авлиё ота?

Ниҳоят, руҳоний жавоб берди:

– Нима ҳам дердим, юра қолинг. Сиз руҳонийлар ортига беркинаётган биринчи кимса эмассиз.

Оқ танли талмовсирагандай шундай деди:

– Нимага шама қилаётганингизни тушуна олмадим.

Лекин руҳоний унга эътибор бермади ёки у билан сухбатлашишни истамади, ўгирилиб онамга яқинлашди. Каравот олдида тиз чўкди-да, лотинчалаб дуо ўқиди, Парвардигор ўз паноҳида асрасин, деб қўшимча қилди. Кейин онамга синчиклаб тикилди ва дўхтирга имо қилди. Дўхтири каравот олдига келиб, онамнинг билагидан ушлади, кўкрагининг бутун томонига кулоғини қўйди ҳамда елкасига тоғ кулагандай жуда секин ўрнидан қўзгалди.

Отам билан биз дўхтирининг хатти-харакатларидан кўз узмасдик, отам бирдан етулдан сапчиб турди, стулни ағдариб юборди ва онам сари талпинди. Каравотнинг олдида тиз чўкиб ўтиаркан, қалт-қалт титрарди ва мен унинг яна йиғлаётганини пайқадим, ҳолбуки бир оз олдин, отам ортик ҳеч қачон, ҳеч қачон йиғламайди, деган хаёлга боргандим.

Шу пайт ичимга қандайдир оғриқ кирди, бу оғриқ кучайгандан кучайди. Дўхтири каравотдан нари кетди ва оқ танлининг қўлидан тутиб, илдам қадамлар билан эшик томон одимлади, шунда отам дафъатан ўрнидан турди ва деди: «Жаноб, бир оз кутиб туриңг!»

Дўхтири билан оқ танли эшик бўсағасида туриб қолишиди, отам аста яқинлашиб, оқ танлининг рўпарасида тўхтади. У энтикиб нафас оларкан, ҳаммамиз эшитадиган қилиб: «Сизга қўлимнинг учини ҳам теккизмайман», – деди. Кейин ортга, онамнинг каравоти томон юрди. Унинг қадди тамоман букилганди, отамни ҳеч қачон бундай афтода ахволда кўрмагандим.

Бувим, «вой Худойим-эй», деганича онамнинг қаравоти ёнига ўзини ташлади. Ўшанда ичимда кучайиб бораётган оғрик қўққисдан портлади, онам ортиқ ухламаётганини англадим, бўгилиб қолдим, ниҳоят бир оз ўзимга келганимда укам Жорж ва синглим Кэрри бўғи-либ-бўғрикиб дод солиб йиғларди.

---

*Марта ХОУК,  
Швеция.*

## БҮЮРМАГАН БОЙЛИК

Мартин Каунтидаги банкни кутилмаганда ўмаришганды Альвин Пимлэй бегунох гувоҳ эди, холос. Лекин бир соат ўтмасдан ўғрига айланди.

Пимлэй ўша куни роппа-роса соат бешда идорадан чиқиб, шалдироғи чикқан автомобилида соҳил бўйлаб йўлга тушди. Шаҳарчадан ўтиб, ўзи мижози бўлган банкка кириш учун машинасини маҳкамалар жойлашган мавзе томон бурди. Омади келиб машинасини банкка киравериш йўлагида тўхтатди; ҳатто ён орқа эшик ойнасини кўттармасдан автомобилни шу ерда қолдирди.

Жамғармалар қўйиладиган дарча олдида йигирма чоғли мижозлар навбат кутишарди, Пимлэй ҳам уларнинг сафидан жой олди. Нихоят икки кампирнинг ўртасида колган Пимлэй, кечки овқатга нима пиширсам экан, деб ўйлай бошлади. Қўй гўшти маъқулми ёки бузоқ гўштидан котлет есаммикан, деб иккиланиб турганда вахимали ола-тасирдан хушёр тортди. Унинг олдида турган семиз аёл жон-жаҳди билан чинкирганча ерга юзтубан қулади, бошқа бир хотин эса бор овозда дод солди, қайсиdir киши эса қичқирди:

– Банкни ўмаришяпти! Банкни ўмаришяпти!

Огоҳлантириш қўнғироғи кулоқни қоматга келтириб жаранглади, соқчилардан бири қўчага югурди, бошқаси эса кириш эшигини ёпди. Қўчадан ўқ овозлари эшитилди.

– Ўн минг долларни ўмарибди, – деди навбатда турганлардан бири.

«Ўн минг доллар, – ўйлади Пимлэй. – Мўмайгина пул-ку...»

Полициячилар соchlари паҳмайған, кўзлари қинидан чиқиб кетай деб турган йигитчани судраб олиб киришганда Пимлэй ишонгиси келмади.

– Лекин бунинг ёнида сариқ чака ҳам йўқ! – деди полициячилардан бири.

– Ҳамтовоғи бўлса керак, – деди ҳамон ҳаяжонини боса олмаётган банк директори.

Хуллас, банк биносидаги эркакларни ҳам, аёлларни ҳам синчиклаб тинтуб қилишга тўғри келди. Бироқ полиция ҳам, уларга кўмаклашган полициячи аёл ҳам ҳар қанча зўр бермасин, тинтуб ҳеч қандай натижа бермади. Ўн минг доллар қанот боғлаб учиб кетгандай ғойиб бўлганди.

Альвин Пимлэйга ҳам рухсат беришди. Машина рулига ўтирас экан, яна кечки овқат ҳақида ўйлай бошлади. «Бузоқ гўштидан қилинган котлет еганим маъқул», деган қарорга келди-да, Томпкинснинг музлаткичи томон йўл олди. Мазкур музлаткичда Пимлэйнинг ҳам шахсий бўлмаси бўлиб, турли навли гўшtlарни саклар, бу бўлма унинг ўзи учун яратган ягона имтиёзи эди.

Мистер Томпкинс хонасидан чиқиб келди. Дароз, мўйловдор бақалоқ. Юнгдор йирик қўлларини ишқалағанча хиёл таъзим қилди.

– Хайрли кеч, жаноб Пимлэй. Банкни ўмаришганини эшитдингизми? Радиодан хабар қилишди, ўғрилардан бири ўн минг долларни олиб, кочиб кетибди.

– Бу воқеа содир бўлганда, ўзим ўша ерда эдим, – деди Пимлэй ўзини бефарқ кўрсатишга уриниб.

Яна бир оз ундан-бундан гап сотгач, Томпкинс ўз катагига кириб кетди, Пимлэй эса катта музлаткич хонага кириб, шахсий бўлмасини очди ва гўшт солинган қоғоз пакетлардан бирини танлаб олди.

Альвин Пимлэй токи гаражга кирмагунча пулни пай-камади. Машинадан тушаётганда орка ўриндиқقا бирров назар ташлаб, газета қоғозидан қилинған ярим очик пакетни күриб қолди. Қандайдир кўкимтири қоғозлар тахла-ми эътиборини тортди. Доллар-ку!

Ҳаммаси қандай рўй берганини дарров тасаввур килди: ўғри банк биносидан қочиб чиқар экан, қўлидаги пул тўла пакетни ён томонидаги ойнаси тушириб қўйилган дастлабки дуч келган машина ичига қаратса улоқтирган. Шундай бўлиши мумкинлиги полициячиларнинг эсига келмаганини қаранг-а.

Пимлэй дарҳол бир фикрга келди. Музлатилган гўшт солинган пакетларни очиб, ичидаги гўшт бўлакларини орка ўриндиқка қўйди. Пулларни эса шу пакетга солиб, яхшилаб ўради. Пакетни ёмғирпўшининг чўнтаига со-либ, гараж эшигини очганди, кутилмаганда уй бекасига рўпара бўлди.

Эшик дафъатан очилишини кутмаган бека сесканиб кетди.

– Вой, жаноб Пимлэй... Йўлингизга қараб кўзларим тўрт бўлди, ижара ҳақини, балки, ҳозир оларман, деб ўй-ладим. Шу ерда бўлсангиз керак, деб гараж деразасидан қарамоқчи эдим.

Пимлэй дарҳол ўзини қўлга олди.

– Жуда соз, Браун хоним. Катта раҳмат.

Ҳамёнидан керакли пулни олиб, аёлга узатди.

– Қаҳва олишни унутибман, яна шаҳарга тушиб чик-масам бўлмайди, – деб ғўлдиради Пимлэй.

Браун хоним яхши бориб келинг, дегандай имо қилди-да, боғча эшиги томон йўналди.

«Бу жодугар кўриб қолмадимикан?» – деган фикр кечди Пимлэйнинг кўнглидан.

Орадан ўн дакиқа ҳам ўтмай, яна Томпкинснинг музлаткичидаги ҳозир бўлди. Омади келди. Томпкинс идора-

сида кўринмасди. Пимлэй кўллари қалтираганча пул со-линган пакетни бўлмасининг энг остига жойлаштирди, устидан эса бошқа пакетларни қалаштириб ташлади.

Ярим тунга яқинлашганда полициячилар келиб, унинг автомобилини синчиклаб кўздан кечиришиди, кўплаб саволлар беришиди. Алвин Пимлэй бундан ажабланмади ҳам, ўзини йўқотиб ҳам қўймади. Уй бекасини ҳам саволга тутишиди. Шаҳарга қаҳва харид қилиш учун қайтиб борганини айтиб берган бўлиши шубҳасиз. Лекин у, одатда, егуликлар харид қиласиган баққоллик дўконларидан суриштиришганда, Пимлэй кўрсатилган вақтда уларнинг ёнидан машинада ўтиб кетганини, дўкончаларнинг биридан ярим килограмм донадор қаҳва сотиб олганини айтиб беришган бўларди.

Орадан бир неча кун ўтди, Пимлэй музлаткичга бош суқмасликка ҳаракат қиласди. Ҳолбуки, Томпксинс ўз жойида соатлаб бўлмас, мижозлар музлаткичга ўzlари кириб, зарур озик-овқатларни олиб чиқиб кетишарди.

Меҳнат таътили вақти келди. Пимлэй шу пайтгача ҳам музлаткичга кирмади. Таътилдан қайтгандан кейин кирапман, деган қарорга келди. Шундай қилсан, сих ҳам, кабоб ҳам кўймайди, деб ўйлади. У кейинги олти йил мобайнода дам олиш учун одат қилганидек, денгиз бўйидаги арzon оромгоҳдан битта хона буютириди. Бу йил ҳам уч хафталик таътилни шу ерда ўтказишни ният қилганди.

Бирок... Таътилнинг учинчи куни эрталаб нонушта чоғида кутилмаган воеа содир бўлди.

– Сиз Мартин Каунтиданмисиз, жаноб Пимлей? – деб сўради тилла гардишли кўзойнак такқан озғин эркак.

– Ҳа, ўша ерликман.

Аксарият дам олувчилар бир сония нонуштани ҳам унутиб, улар томон қаради.

– У ерда кеча кечаси кучли сув тошқини бўлганини хабар килишибди. Росмана тўфон. Бўрон дараҳтларни ил-

дизи билан қўпориб кетибди, бутун шаҳар электр чироғи-сиз қолганмиш.

Альвин Пимлэй тишларини гижирлатди, бошига бирдан оғрик кирди. Шаҳар электр токисиз қолибди! Унинг музлаткичдаги бокси нима бўлди экан? Ўн минг доллар-чи?

У даст ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди.

Орадан олти соат ўтгач, унинг эски автомобили Мартин Каунтига кириб келди. Тўфон ростдан ҳам анча зарар етказганди. Мажақланган, агдарилиб ётган машиналар устида илдизи билан қўпорилган дараҳтлар ётарди, ҳамма ёқда черепица плиткалари ётар, эълон қоғозларининг парчалари учиб юрарди. Шамол тинган, лекин ҳамон ёмғир ёғарди.

Жаноб Томпкинс ўз идорасида ўтирап, унга кўзи тушган Пимлэй остонада тош қотди. У сир бой бермасликка ҳар қанча харакат килмасин, овози титраб чиқди:

— Тўфонни каранг-а, жаноб Томпкинс. Электр токисиз қандай амаллаганингизга сира ишонгим келмаяпти. Буларнинг барчасига қандай чидадингиз? Музлаткич жиддий зарар кўрмадими...

Пимлэй қўллари қалтираётганини билдириб қўймаслик учун уларни чўнтағидан чикармасди.

— Мен кеча эрталаб уйингизга қўнғироқ килгандим, — деди Томпкинс. — Барча мижозлар билан боғланишга харакат қилдим. Бахтимга, Гольфпортдан анча куруқ муз топдим. Йўқса, бўлмалардаги гўштлар айниб қоларди. Сизнинг бўлмангиздаги гўшт солинган барча пакетларни олиб, муз бўлаклари орасига қўйдим. Қўлимдан келгани шу бўлди. Бузоқ гўштидан килинган котлетлардан бошқа барчасини асраб қолдим. Бузоқ гўштидан килинган тўртта пакетдаги котлетлар ҳидланиб қолибди, уларни ташлаб юбордим. Лекин уларнинг ўрнига сархил котлетлар олиб бераман. Чунки менинг идорам бундай табиий оғатлардан суғурта қилинган.

– Айниган... айниган гўштларни нима киласиз? – тутила-тутила сўради Пимлэй.

– Агар жуда кўп йифилиб қолса, чиқиндиҳонага олиб бориб кўмиб ташлаймиз. Лекин бу гал арзимаган миқдордаги гўштни бой бердик. Шу боис уларни уйимнинг ўтхонасида ёндириб юбора қолдим.

Пимлэйнинг боши чир айланиб кетди. Оёқ-қўлига муз югурди.

Томпкинс эса давом этарди:

– Баъзида шундай воқеалар ҳам бўлиб туради, жаноб Пимлэй. Ҳа-я, бутун ишни бир неча ойга ўғлимга топширишга қарор қилдим. Хотиним билан Жанубий Америка бўйлаб сафарга чиқишни мўлжалляпмиз. Эру хотин бирон марта ҳам саёҳат қилмаганмиз. Лекин якинда омадим кулиб, мўмай сармояни мерос қилиб олдим. Ҳамёнинг тўла бўлса, чангалда шўрва, деб бежиз айтишмаган. Накд пулга нима етсин, нима дейсиз, жаноб Пимлэй?

---

**Ульф МАЛМГРЕН,  
Швеция.**

## **ОЛМА ҲАҚИДА ЭРТАК**

Бу ёзда мевалар яхши бўлмади. Олмалар ҳам одатдан майдан майдан, рангпар бўлди. Боғбонлар ҳар хил заҳарли ва кимёвий моддалар билан гуллаган дараҳтларга ишлов беришди, ўшандаёқ дараҳтларнинг пўстокларига орасига бекиниб олган қуртлар мевалар етилмасдан уларни имма-тешик қилиб ташлади. Олма қуртларининг ҳам нафси бор, бироқ боғбонларнинг ҳам ўз ҳисоб-китоби бор, бинобарин ёзнинг охирида олмаларни териб, бозорга отла нишди – ҳосилни сотиш керак.

– Бугун олмалар неча пулдан? – бозор пештахталари олдида кўлларида ҳамёнларини ушлаганча савол беришарди аёллар.

– Жуда аъло навли олмалар. Олганлар дармонда, олмаганлар армонда. Сизга неча кило тортайин? – кекса сочувчилар шундай олмаларни солиш учун қоғоз пакетлар тайёрлай бошларди.

– Икки килограмм етар, неварам олмани жонидан ҳам яхши кўради!

Майда, қасмоқдай кора доғ тушган қуруқшаган олмалар дарҳол қоғоз халтадан жой оларди. Тангалар жаранглаб, у қўлдан-бу қўлга ўтарди. Савдо шу асно давом этарди.

Баъзида эркаклар ҳам қизиқсиниб келиб қолар, ҳамён тўла пули бўлмаса ҳам меваларни кўрганда кўзлари ўйнаб кетарди.

- Менга икки дона олма берсангиз бас. Ширинми?
- Албаттa, ширин. Айниқса, манави нави. Оласизми?

Шу асно икки дона серсув олма – бу йил олмаларнинг ҳаммаси серсув ва bemaza эди – тарозига қўйилади. Савдо шу асно давом этарди.

«Ўзингга шукр, – хотиржам тин оларди сотувчи, – савдо чакки эмас, ҳамма олмаларни сотиб, кун ботмай уйга етиб олишим ҳеч гап эмас».

Савдо анча жонланди, барча ишбилармон кишилар каби олма сотувчи ҳам имкониятни қўлдан бой бермай уларнинг нархини бир оз оширди. Шундай қилмаса бадавлат ишбилармон бўлмас эди, бадавлат ишбилармон бўлмаса, ҳеч ким уни одам каторига қўшмайди. Соат 11 дан кейин бир килограмм олманинг нархи яхлит бир кронага қимматлашди, савдо эса яна ҳам қизғин тус олди, зотан, бу пайтга келиб бозор харидорлар билан яна ҳам гавжумлашди.

Мева расталаридан бирида қария ҳам жойлашиб олиб, савдо-сотиқни унсиз кузатарди.

Унинг уйи ёнида ёлғиз олма дарахти ўсади. Отам замонида экилган бу эски олма дарахтининг ҳосили йил сайин камайиб борди. Қария дарахтни кесиб ташлашни аллақачон қўнглига туғиб қўйган, бирок ўсиб турган дарахтни кесиб ташлашга сира кўзи қиймасди. Болалик пайтида, ота-оналари тирик бўлган кезларда ҳам олма уйнинг ёнида қад ростлаб тураг, ҳар йили мўл ҳосил берар, кип-қизил олмаларнинг маржондай терилган шохлари ерга теккудай эгилиб қоларди. Мактабга кетаётганда ҳам сумкасига олмалардан солиб беришар, олма сяверганидан тишлари ҳам камашиб кетарди.

Лекин замонлар ўзгарди, отаси ҳам, онаси ҳам дунёдан бош олиб кетди, уларнинг дийдори киёматгача армон бўлиб қолди, олма дарахти ҳам қариб, кичрайиб қолди, шохларини патак сокол бўлакларидаис ис босиб кетди. Дарахт ортиқ мўл ҳосил бермас, бирок қариянинг қўзи унга тушганда олис болалигини эслаб энтикиб қўярди.

Бу йил олма дарахти бир дона мева қилди. «Адойи тамом бўлибди, куриган дарахтнинг хосияти йўқ, кесиб ташлаш керак», деган фикр ўтди кариянинг кўнглидан.

Лекин олма дарахти кутилмаган ҳунарлар кўрсатди. Унинг меваси етилмасдан туриб шу даражада катта бўлиб кетдики, олма дарахти ёш бўлган кезларда мана шундай йирик-йирик мевалар берарди. Қария ўз кўзларига ишонмасди. У куриган деб тахмин қилган дарахт шохларида шунча ҳаётий куч борлигига ақли бовар қилмаеди. «Майли, – дея қўл силтади у, – кузгача турасин, лекин кузда, албатта, кесиб ташлайман».

Олма меваси кун сайин тўлишиб борарди, бутун чор-атрофдаги олма меваларига етишмаётган фазилат унинг бағрида тўлиб-тошаётгандай. Нихоят, ранги ҳам ўзгарди. Саргимтил-қизғиши тус олиб, яркираб товланар, битта ҳам доғи йўқ, кўзгудай тиник эди. У етилиб пишди, кария умри давомида бу қадар катта олмани кўрмаганди.

«Бу олмани бозорга олиб бораман, – ўйлади кария. – Кўриб одамларнинг ҳам кўзи яйрасин, гўзаллигини мен сингари англаган одамга бераман, шундай одамга берганим бўлсин, бу олма билан кимнингдир кўнглини шод киламан. Савоб ҳам керак, ахир».

У шу мақсадда бозорга келди, бирок ҳамон иккиланар, шу боис ёнидаги олмани пештахтага қўйгани ботинмасди.

– Яхши олмалар борми? – сўрашарди хотинлар.

– Аъло навли, асалдай ширин олмалар, – жавоб берарди сотувчилар.

– Бир килограмм тортинг, – дерди хотинлар.

Тангалар жаранглар, тарози паллалари лопиллар, коғоз пакетлар эса шитирларди. Хуллас, олма сотилаётган жойда нимаики рўй берса, ҳаммаси содир бўларди. Қария эса ҳамон иккиланарди. Нима учун? Нихоят, нимадир дея минғирлади-да, шойи коғозга ўралган олмани пештахтага қўйди.

Олмани пештахтага қўйиб, унинг ёнига қизил сиёҳ билан нархи ёзилган ёрлиқни ҳам жойлаштириди.

Қария кута бошлади. Ҳеч қанча ўтмай ягона олма рўпарасида бир хотин тўхтади. Нимадир демокчи бўлиб оғиз жуфтлаганда қўзи олма нархи қайд этилган ёрлиқقا тушди. Оғзини аста ёпаркан, бошини норози равишда чайкаганча, ёрлиқقا яна бир карра назар солди – ва нари кетди.

Беш эре – ёрлиқда олманинг нархи шундай эди. Бу – айтишга ҳам арзимайдиган нарх. Қария даромад қилиши эмас, факат олмани ўйларди, шу боис бозор талабидан келиб чиқиб олмани рамзий нархлаб қўя колганди. У одамларга бирон қимматбаҳо ашё эмас, етилиб пишган чиройли олмани таклиф килаётганди.

Яна бир оз вакт ўтди. Навбатдаги харидор келди. Кўзойнаги ва сумкасини қидириб олдинги аёлга нисбатан пештахта қаршисида анча туриб колди. «Олмани кўриб кўзлари чақнаб кетади», – ўйлади қария. Бироқ олманинг нархига қўзи тушгани ҳамон бу хотин ҳам – ха, ха, – биринчи аёл каби жуфтакни ростлаб колди.

Хотинлар кетма-кет келиб, кетма-кет нари кетарди. Қария парво ҳам килмасди. Ёлғиз олма пештахта устида товланар, ҳамон ўзининг чинакам харидорини кутарди.

Ён пештахталардаги олма уюмлари аста-секин камая бошлади. Тушдан кейин харидорлар ҳам камайди. Сотувчилар бор-будини йиғишириб уй-уйларига жўнаб қолишлиари ҳам мумкин эди, чунки олмага талабгор одамлар бугунча керагини ғамлаб олишганини билиб туришарди, бироқ ишчанликларини намойиш килиб, идишлар тагида қолган олмаларни ҳам сотиб тугатишга умид қилишарди.

Шу боис яна қўлга қалам олдилар. Эски нархни шоша-пиша ўчириб, янги нархни каттарок сонлар билан ёзиб қўйишиди. Ҳар бир килограмм олманинг нархини яна роппа-роса бир кронага арzonлаштиришиди, кола-

верса, алохида ёрлиқка ўқловдай-ўқловдай ҳарфлар билан: «АРЗОН» ва «СУВТЕКИН», деб ёзиб қўйишиди. Бу ўз самарасини берди – савдо яна жонланди.

Чиройли олманинг рўпарасида ёш йигит тўхтади. Нархига назар солди. Лекин кетмади.

– Наҳотки! – деди киноя билан. – Атиги беш эре – арzon. Лекин уч эрге берсангиз оламан.

Жавоб кутиб қарияга кибр билан тикилди. «Сиз шохидага юрсангиз, мен баргидага юраман», – демокчидай бўлди.

Қария жилмайди.

– Сира ҳам йўқ демайман. Уч эрге олмоқчимисан – марҳамат.

«Бу ёғи неча пулдан тушди! – ажабланди йигит. – Вой қари туллаг-эй! Бошқача усул қўллаймиз».

– Тўғрисини айтинг, бу олманинг қандай камчилиги бор?

– Камчилиги дейсанми? Унда камчилик нима килсин, тонг шабнамидай беғубор.

Йигит каловланиб қолди, саросимага тушганидан аччиғи чиқиб, асабийлашди.

– Бор барака, отахон, бир эре бераман.

Бироқ қария англадики, йигит у кутған харидор эмас, шу боис лом-лим демай олмани олди-да, ёмғирпўшининг тагига яшириди.

– Қари тўнка, – тўнғиллади йигит. Унинг кўнгли олмага суст кетган, бироқ зўравонлик килиб ҳам уни қўлга кирита олмаслиги алам қилганидан кайфияти тамомила бузилди.

Орадан ҳеч қанча ўтмай иккита қўғирчоқдай қизалоқ пештахта ёнидан ўтишиди. Улар нарх ёзилган ёрликка қараганлари ҳам йўқ, лекин қарияни кўрганлари ҳамоно полапон қалдирғочлардай чуғурлашди:

– Жуда ғалати бува экан-а, бир ўзи биттагина олмани сотяпти. Ҳи-ҳи-ҳи!

Кун ўтар, қуёш уфқ сари эниб борарди.

Қария нархномани олиб, ўрнига бошка ёрлик қўйди. Унга шундай ёзилганди: «Бу олмани кўнгли тусаган одамга бераман. Жуда ёмон олма».

Олма жуда яхши эканига хеч ким ишонмасди. Қария одамларни яна бир бор синовдан ўтказишга қарор килди.

Хотинлар, эркаклар, болалар кетма-кет пештахтага яқинлашарди.

– Тушунарли, – деди бир хотин. – Бу олманинг ичи чириган. Ким олса олсин, мен эса текинга ҳам олмайман.

– Жуда чиройли олмамикан? – деди бошка бир аёл. – Лекин заҳардай аччик бўлса керак.

– Албатта ёмон олма, – деди бошка биттаси. – Шундок кўриниб турибди-ку. Шунақа бемаза олмани ҳам бозорга олиб чикишганини қаранг!

Харидорлар олмага турли томонлардан назар солишаркан, жиркангандай бурунларини жийиришарди.

Хуллас, чириган олма сотилаётганидан полициячи ҳам хабар топиб, жиддий киёфада пештахтага яқинлашди.

– Айтишларича, кимдир бу ерда чириган олма сотиб, чўнтагини қаппайтиришни мўлжаллаётганмиш, – деди полициячи. – Олма сотишга рухсатномангиз борми?

– Йўқ, – деди қария, – рухсатномам йўқ, лекин менда биттагина олма бор, холос...

– Шунақами, – деди ўсмоқчилаб полициячи. Қария айтгандай, пештахтада ҳақиқатан ҳам битта олма турарди. – Битта бўлса ҳам сотяпсиз-ку!

– Сотаётганим йўқ, уни хайру эҳсондай бериб юбор-моқчиман.

Вазият полициячига тушунарсиз ва ғайриоддий туъюлди.

– Мен билан маҳкамага юринг, ҳаммасини ойдинлаштирамиз, – деди у.

Қария унинг ортидан эргашди. Полиция маҳкамасида қария росмана сўроқ қилинди, ҳаммаси ҳужжатлаштирилди, бироқ маълум бўлганидан ортиқ ҳеч вакони ойдинлаштириб бўлмади. Қарияни қўйиб юбориши, аммо бозорга ортиқ келманг, харидорларнинг асабини бузманг, деб тайинлашди, қолаверса бундай бемаънилик яна такрорланса, жавобгарликка тортамиз, деб огоҳлантиришиди.

Савдо тугади, сўнгги пештахтани ҳам машинага юклашди, сотувчиларнинг гап-сўзларидан аён бўлдики, бу кун улар учун омадли бўлди. Барча мевалар сотилди, факат йирик, чиройли, шишадай товланаётган, шохидан янги узилган сархил олма сотилмай қолди.

Қария кетиб бораркан, ўзи билан ўзи гаплашарди. «Нима ҳам дердим, – ўйларди у. – Тартиб-коидага амал килиш керак, лекин бугун бозорни ҳам, харидорларни ҳам жин урган кўринади. Мен сени емайман, олмажон. Сени кўриб росмана қувонадиган одам, албатта, топилади. Бугун рўй берган воқеалар эса наинки қариб кучдан қолганимни, шунингдек, элдан бегоналашиб қолганимни ҳам кўрсатди. Афсуски, бугун мени ҳеч кимса тушунмади».

Қария уйга келгач, олмани кекса олма дарахтининг тагини қоплаган майсазорга қўйди.

– Мана, эй олма дарахти, – деди қария, – жигарбандинг бағрингга қайтиб келди.

Бахорда кор эригач, бутун борлиқ яшил либосга бурканди, факат олма дарахтининг тарвақайлаган шохлари қип-яланғоч эди – дарахт батамом қуриб қолганди. Лекин олма ётган жойда кичикдан ҳам кичик бир жуфт рангпар яшил ниҳолча қуёш нурларига талпиниб ўса бошлаганди.

**Херман ХЕССЕ,**  
*Германия.*

## НУСХА

Брауэргассда бир замонлар Циглер исмли кимса яшаган. У күчада ҳар куни күрганимизга қарамай киёфаси сира ҳам эсда қолмайдиган тоифадан эди, зотан, бундай кимсаларнинг барчаси бир оғиз сўз билан «оломон» деб юритилади.

Оломонга мансуб Циглер ҳамиша оми омма каби иш тутарди. У хислатдан холи эмасди, бироқ айтишга арзирли иктидори ҳам йўқ эди; пулни ва кўнгилхушликни яхши кўрар, жон деб олифтагарчилик килар, айни пайтда аксарият одамлар каби қўрқок эди; бинобарин эҳтирослари ва калб туғёнларига эрк бермас, аксинча, таъкиклардан ҳадиксираб, жазоланишдан кўркиб, минг бир андиша исканжасида кун кечиради. Карангки, унинг мақбул хислатлари ҳам бор эди, умуман, рисоладагидек одам бўлиб, жамиятда кадр-кимматим деб ташвиш тортадиган, ўзига анчагина бино кўйган одам эди. Гарчи сарик чакага ҳам арзимайдиган нусха бўлса ҳам, ҳар бир одам каби ўзини наинки шахс деб билар, ҳаттоқи оламнинг устуни хисобларди. Ҳар қандай шубҳалардан олис бўлгани учун дунёкарашига зид далилларга дуч келганда, норозиларча иккала кўзини ҳам юмиб оларди.

Барча замондошлари каби у ҳам пулдан кейинги кудратли куч – илму фан қаршисида таъзим бажо келтиради. У фаннинг моҳиятини сира ҳам тушунтириб бера олмаган бўларди, бироқ уни хисобдонлик ёки ҳашаротшунослик сингари аллақандай нарса дея тасаввур килар,

лекин давлат илму фанга қанча сармоя сарфлаётганию олимларни қанчалар эъзозлашини жуда яхши биларди. Саратон ўсмаларини даволаш билан боғлик тадқикотларга алоҳида эҳтиром билан каарди, чунки отаси саратон хасталигидан вафот этганди, бинобарин ўшандан буён мисли кўрилмаган мэрраларни қўлга киритган табобат фани Циглернинг ҳам отаси каби нобуд бўлишига асло йўл қўймайди, дея қатъий ишонарди.

Циглер кўрпага караб оёқ узатишни хаёлига ҳам келтирмас, сўнгги русумдаги кийим-кечакларни жон деб ҳарид килишни истарди. Бирок ҳамёни кўтартмагани боис ёш-яланларнинг модага ўчлигини ошкора масхараларди. Ўзини мағрур кўрсатишга зўр бериб уринар, якин дўсту биродарлари ёки холироқ жойларда бошликлар шаънига тап тортмай мағзава ҳам ағдараарди. Дарвоке, барча сирасорни бирма-бир фош килиб, сизларни зериктироқчи эмасман. Бирок Циглер ҳакикатан ҳам хушрўй йигит эди, бинобарин ундан айрилиш катта йўқотиш бўлди. Афсуски, ўз режалари ва асосли орзу-умидларига зид равища Циглер ҳаётига жуда тез ва ҳайратланарли нукта қўйди.

Шахримизга кўчиб келгандан кейин қўп ўтмай якшанба куни эл катори хордик чиқаришга аҳд қилди. Шу пайтгача ҳеч ким билан ош-катик бўлмаган, қолаверса, ўта катъиятсиз бўлгани учун бирон бир уюшмага аъзо ҳам бўлмаганди. Эҳтимол, шу боис жувонмарг бўлгандир. Ҳеч кимса сўкқабош бўлмасин.

Хуллас, шаҳарнинг осори-атиқалари билан кифояла-нишга мажбур бўлди, албаттa, олдин яхшилаб сўраб-суриштирди. Нихоят, тарих музейи ва ҳайвонот боғига бориши кўнглига туғиб қўйди. Музейни томоша қилиш якшанба куни тушгача текин, ҳайвонот богига эса тушдан кейин чегирмали чипталар билан кирилар экан.

Циглер якшанба куни ўзи ёқтирадиган антиқа тугмали, елкалари кенг камзулни кийиб, тарих музейиги йўл

олди. Яна ҳам салобатли күриниш ниятида нафис ҳашамдор асо – лакланган қип-қизил чоркирра жез калтакни ҳам қўлига ушлаб олди, бироқ музей ходимаси залга кираверишда хафсаласини пир қилиб ҳассани олиб қўйди.

Баланд шифтли хоналардаги кўпдан-кўп ноёб жихозларни кўрган томошибинлар илм-фан қудратига беихтиёр тасаннолар айтарди. Пештахталардаги ёзувларни кўздан кечираб экан, Циглер бунга қайта-қайта имон келтирарди. Дарвозаларнинг занглаган калитлари, хира тортган тақинчоқлар каби ашқол-дашқоллар айни уларга биритирилган ёзувлар шарофати билан эътиборни тортар ва алоҳида аҳамият касб этарди. Ҳайратланмай бўладими ахир: илму фан шуғулланмаган, синчковлик билан ўз тасарруфига олмаган соҳанинг ўзи йўқ, – ха-я, ҳадемай наинки саратон хасталиги ҳам даво топади, умуман, одамзотга мангу ҳаёт бахш этса ҳам ажаб эмас.

Иккинчи залда шиша шкафга дуч келди, унинг кўзгудай тиник ойнасида гўё бутун олам жилва киларди. Унинг қаршисида беихтиёр михланиб қолди, бежирим камзули, силлик соchlари, кўйлагининг куён кулоғидай ёқалари, эринмай дазмолланган шими ҳамда бўйинбоғининг чиройли тугунига сукланиб тикилиб қолди. Нихоят қувончи ичига сифмай, ёғочга ўйилган кўхна нақшларга иддао билан назар солганча томошани давом эттирди. «Ўта соддава гўл, лекин қўли гул йигитлар», – деб ўйлади бағрикенглик билан. Фил суюгидан ясалган ҳамда ҳар соатда ракс тушадиган ўйинчоқли қадимий соатни ҳам марок билан томоша қилди. Кейин томошадан зерикди, дам-бадам эснаб, чўнтагидан соатини олиб қарай бошлади, холисона айтганда, кўз-кўз қилса арзийдиган, отасидан мерос қолган, қулинг ўргулсин вазмин олтин соат-да ўзиям!

Тушгача ҳали анча вақт борлигидан ҳафсаласи пир бўлганча навбатдаги залга кирди-ю, яна қизиқиши ортди. Бу ердан жодугарлик китоблари, туморлар, жодугарлар-

нинг энгил-боши каби жаҳолатли ўрта асрларга оид ашёлар жой олганди. Бир томонда кориндор шиша идишлар, ховончалар, пуфланадиган чарм идишлар, кафтдай қозончалар каби кимёгарларнинг лаш-лушлари. Залнинг айни шу бурчаги мовут арқон билан тўсилган бўлиб, ашёларга тегиб бўлмаслиги ҳам лавҳачада кайд этилганди. Лекин бундай огоҳлантиришларга камдан-кам томошабин эътибор беради, боз устига Циглер залда ёлғиз ўзи эди.

У арқон узра беихтиёр қўлини чўзиб, ғалати нарсаларни пайпаслаб кўра бошлади. Ўрта асрлар ва ўша даврлардаги ғаройиб ирим-сирилар ҳакида ўқиганди; лекин бундай болаларча бемаънилик билан ўшандада одамлар нима учун зўр бериб шуғуллангани-ю бундай жодугарлик ва қаллобликларни нима учун бутунлай тақиқлаб қўйишмаганига сира ҳам ақли етмасди. Кимёгарликни-ку кечирса бўлади, ахир айни шу хунар негизида кейинчалик, ҳозирги замонда ниҳоятда зарур кимё фани пайдо бўлган. Бир замонлар тилла эритиш учун зарур бўлган антиқа қозончалар ҳамда бемаъни бу ашқол-дашқолларнинг барчаси пайти келиб жуда кўл келганига ишонч хосил қилганда, ҳайратдан беихтиёр ёқангни ушлайсан, зотан, бугунги кунда буларсиз аспирин каби дори-дармонларни ҳам, газ бомбаларини ҳам яратиб бўлмас эди!

У хабдорини эслатадиган, курук, деярли вазнисиз бўлиб қолган корамтири сокқани қўлга олиб, салмоқлаб қўриб, энди жойига қўймокчи эди, ортида қадам товушларини эшилди. Циглер довдираб қолди, чунки сокқани ҳамон ушлаб турар, бунинг устига лавҳачадаги огоҳлантиришни ўқиганди. Соққани чанглаб, кейин эса чўнтағига согланча кейинги залга ўтди.

Қўчага чиқкандан кейин яна сокқани эслади. Қўлига олиб улоқтирмоқчи бўлди, лекин қизикиб ҳидлади. Зифгина қатрон хиди Циглерга хуш ёқди ва сокқани яна чўнтағига солди.

Ресторанга кириб, тушлик буюрди, бир неча ғазеталарга кўз югуртириди, бўйинбоғини тўғрилаган бўлди, хўрандаларга эгнидаги кийимларига мос равища гоҳ лутфан, гоҳ калондимоғлик билан назар ташлади. Официант ошхонада анча ушланиб қолди, ва жаноб Циглер беихтиёр ўғирлаган соккани қўлга олиб, яна хидлади. Сўнгра тирнаб кўрди ва ниҳоят болаларча кизиқувчанлик билан оғзига солди. Сокка оғзида бир зумда эриди ва Циглер унинг ҳеч қандай таъми йўклигидан хайрон бўлганча бир ҳўплам пиво билан ютиб юборди. Айни шу палла тушлик келтирилди.

Йигитча роппа-роса соат иккода трамвайдан сакраб тушди-да, ҳайвонот боғига кириш учун чипта харид килди.

Оғзи қулоғида, маймунлар катаги томон йўналди ва шимпанзе сакланётган каттакон катак олдида тўхтади. Ҳирсадай эркак шимпанзе унга кўзини қисди, дўстона имо килди ва шивирлагандай деди:

– Ахволлар қалай, оғайнин чалиш?

Ажабланган ва ҳаддан ташқари қўрқиб кетган томошабин шоша-пиша нари кетаркан, шимпанзенинг заҳархандаси қулоғига чалинди:

– Кеккайганига ўлайми бунинг! Эсини еган маймок!

Циглер узун думли макакаларни томоша қила бошлиди. Улар одатдагидек ирғишлаганча унга деди:

– Қанд берсанг-чи бизларга, биродар, қанд! – ёнида қанд йўклигини билиб, ғазабга келиб, «Вой қурум-соғ-эй!..» дегандай тишиларини ғижирлатиб, ғашига тега бошладилар. Бунга сира чидай олмай, ранжиганча, яхшироқ муносабатда бўлар деган умидда олачипор буғулар томон юрди.

Йирик буғу шундоққина ғовга тумшуғини тираганча чакчайиб тикилиб турарди. Циглер қўрққанидан юраги нақёрилай деди. Ниҳоят, фалати соккани ютиб юборгандан

буён жониворларнинг тилини тушуна бошлаганини англади. Буғу эса йирик-йирик кўм-кўк кўзлари воситасида у билан сұхбатлашарди. Буғунинг хотиржам нигоҳида улуғворлик, садоқат ва орзиқиши туйғулари акс этарди, томошабинга нисбатан эса нафрат, ҳаттоқи жирканч нафрат ёлқинланарди. Жонивор осуда ва викорли нигоҳи билан Циглерга шляпаси, қўлида ушлаган асою, соати ҳамда киройи камзули билан бутун туриш-турмуши масхараомуз, ўзинг эса сарик чақага ҳам арзимайдиган тасқарасан, дегандай туюлди. Буғунинг таъқибидан нажот ахтариб Циглер архар сари, ундан эса тоғ кийиги сари, қоплон, ёввойи тўнғизлар ва айиклар томон шошилди. Ҳеч бири унинг нафсониятига теккани йўқ, бирок ҳамма-ҳаммаси ундан ошкора нафратланарди. Жониворларнинг гапларига қулоқ тутиб, уларнинг одамзот ҳақидаги фикрларини билиб олди. Бу даҳшатли мулоҳазалар эди. Уларнинг барчаси, хусусан, нима учун жирканч, сассикдан-сассик, айни галалашган иккиоёклиларга, худди мана шу салту сатангларга озодлик оғушида эмин-эркин давру даврон суринасиб этган-а, дея ҳайратга тушарди.

Кўзлари чўғдай ёнаётган қора силовсин ўғлига айтганларини ўз қулоғи билан эшилди. Бу одамлар орасида ҳам камдан-кам учрайдиган сермулоҳаза ва омилкорона ору номус мулоқоти эди. Якшанба куни келадиган нафратомуз томошабинлар ҳақида калондимоғ йўлбарс асилзодаларга хос босиқлик билан қанчалар лўнда фикр билдирганини эшилди. Циглер оппок паҳмок ёlli шернинг нигоҳига назар солиб, катаклару одамзотдан ном-нишон ҳам йўқ даррандалар олами нақадар бепоён ва гаройиб эканига ишонч ҳосил қилди. Заранг шоҳ узра ҳайкалдай қотиб қолган кайғули, айни пайтда мардонавор какликни кўрди, сойкалар эса ҳамон қадр-кимматига заррача ҳам путур етказмай ҳазил-хузул билан умргузаронлик килаётганининг гувоҳи бўлди.

Олам түгрисидаги жамики тасаввурларидан жудо бўлган, гангиган Циглер алам ва умид билан одамларга юзланди. У қўркув ва хавотирларига барҳам берадиган нигоҳни ахтарар, таскину тасалли бўладиган эзгу фикрлардан умидвор бўлиб, одамларнинг сухбатларига қулоқ тутди, инсоний кадр-киммат, одамохунлик, олий-жаноблик ва пинхона афзаллик хислатларини топиш мақсадида ҳайвонот боғида тўда-тўда кезиб юрганларнинг имо-ишораларини кузатди.

Бироқ барча умидлари пуч бўлиб чиқди. Одамларнинг овозларини эшитар, хатти-харакатлари, имо-ишоралари ва нигоҳларини кўрар, бироқ эндиликда буларнинг бар-часига дарранданинг нигоҳи билан назар солгани боис ҳамма жонзот турларининг жирканч умумлашмасидан иборат мазкур ҳайвонсифат мавжудотларнинг сохта, мунофикаона ва шармандали тўдаси тимсолида тубанликдан бўлак ҳеч вако топа олмади.

Циглер ҳайвонот боғи бўйлаб алам билан гўё чарх урап, хижолатга ботганидан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгудай бўларди. Кўлидаги чоркирра асони аллакачон буталар ичига улоқтирганди, қўлкопни ҳам ўша томонга отди. Бироқ шляпасини ҳам отиб юбориб, пойабзалини ҳам ечиб, бўйинбоғини ҳам юлкиб олиб, буғу тумшугини тираб турган ғовга ёпишганча йиғлай бошлаганда, росмана ола-ғовур қўпди, уни оёқ-кўлига кишан солиб, жин-нихонага жўнатишиди.

---

*Сирел ХАЙР,  
Англия.*

## ПАРИПАЙКАР

Мен билан Оксфордда бирга ўқиган Жон Франклин бир гал уйига, Маркхэмтонга, Маркширдаги овчилар балига таклиф қилди. Айтишича, худди шу муносабат билан синглиси иккенин кичкина оқшом ташкил этмоқчи экан.

— Синглингни ҳеч қачон күрмаганман, — дедим мен, — қанақа у?

— Парипайкар, — жиддий ва оддийгина жавоб берди у.

Ёдимда, бу қанчалар алмисоқдан қолган ибора эканлигини ўлагандим ўшанда, бироқ у чин маънода ҳак бўлиб чиқди. Дебора Франклин беҳад сулув қиз эди. Киноюлдуз ҳам, манекенчи ҳам эмас. Ҳатто бу соҳаларда ўзини синаб кўришга ҳам уринмаган эдик, буни ҳам яхшиликка йўйдим; зеро, у билан таққосланганда ўзгалар хаддан ташқари ахмокона кўринишга эга бўлиб қоларди. Эҳтимол, ташки кўриниши – қадди-қоматию бошқалар – жуда кетворган эмасдир, бироқ чехрасига караган заҳоти юрагинг тўхтаб қоларди.

Бу янглиғ латофат билан бирга яна ақлни ҳам кутиш – жуда кўп нарсани талаб килишни англатарди, колаверса фоят дўстона муносабатига қарамай, у менга жуда зерикарли туюлди. У ўзининг гўзал эканлигини, албатта, яхши англар ва бўйи икки метр келадиган эркак дарозликтининг ижобий ва салбий жиҳатлари борасида қандай гапирса, у ҳам ўз гўзаллиги ҳақида ҳар қандай кибру ҳавосиз мулоҳаза килишга тайёр эди.

Аксарият таклиф қилинганлар Франклинларнинг азалий дўстлари бўлиб чиқди ва улар Деборанинг чиройини маҳаллий мўъжиза сифатида қабул қиласди, бироқ куни кеча маҳаллий музей қўриқчиси этиб тайинланган Обри Мелкомб исмли серсокол бир йигит улар орасида илк бор пайдо бўлганди.

– Гарчи аввал учрашмаган бўлсак-да, – бирданига деди у Деборани қўрибок, – чеҳрангиз менга жуда ҳам таниш.

Кўринишидан бу Дебора учун янгилик эмасди.

– Мен ҳеч қачон фотографлар қархисида қийшангламайман, – деди у, – бироқ одамлар қўчада суратга олаверади. Бу жуда асабимга тегади.

– Бунга фотографиянинг нима дахли бор! – ранжигандай деди Обри. – Мен портретингизни назарда тутмоқдаман – бундан тўрт аср аввал чизилган суратни. Тицианинг Уорбек-холлдаги аёл портретининг тирик тимсоли эканлигиниз ҳақида наҳот ҳеч ким айтмаган?

– Умримда эшитмаганман, – деди Дебора ва бу ҳолат унинг қадрини анчайин ерга уради – зеро, Уорбек-холл Маркхэмтонга қўшни худуд бўлиб, у ердаги картиналар ҳам анча машҳур эди. Айтганча, сайёҳлардан бошқа ким ҳам уларни бориб қўради!

– Очиги, буни сизга қандай исботлашни ҳам билмайман, – давом этди Обри. – Тўхтанг-чи, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Лорд Уорбек ўша суратни биз черков фонди учун ташкил қилаётган кўргазмада намойиш қилишга рози бўлди. Мен очилиш маросимиiga боришингиз учун таклифнома жўнатаман.

Шундай деб у Разумонда Клечч билан ракс тушгани кетди. Айтишларича, у Обрининг қайлиғи экан; чехрасида кишини жалб этувчи алоҳида ҳеч вақо йўқ, аммо бу чехра бир сонияга бўлса-да унинг қадди-қоматидан кўз узишингизга сабаб бўла олмасди.

Обри ва унинг маъшукаси мени сира ҳам қизиқтирмас эди, бирок бир неча ой ўтиб кўргазма очилишига келгач, ўз ишларига уста эканликларига тан бердим. Улар мамлакатнинг кўп музейларида барча дурданаларни йиккан ва ажойиб тарзда жойлаштирган эди. Кўргазма дурданаси эса, албатта, Тицианнинг картинаси. Унинг учун залнинг тўридан алоҳида стенд ажратишибди. Дебора кириб келганида мен картинадан кўз узмай турган жойимда тошдай қотиб қолгандим.

Ўхшашлик кишини лол қолдиради. Лорд Уорбек ўз картиналарини сира янгиламас, шу боис Тицианнинг тилларанг карминли бўёғи Деборанинг кирмизи ёноғи ва оппоқ танасидан яққол ажралиб турарди. Шиша тагига олинган матодаги сурат бошқа барча жиҳатларда унинг аник-тиник акси эди. Бахтли тасодиф туфайли у одми кора кўйлак кийган эдикি, бу нарса картинадан либос билан ўта муваффакиятли муштараклик касб этганди. Дебора картинага яқинлашиб, таъбир жоиз бўлса, асрлар аро ўтиб келган ўз эгизагига сўзсиз ва вазмин тикилиб колди. Қизик, у нимани хис этаётган экан, деган ўй кўнглимдан ўтди.

Репортёрнинг камераси чараклаб, шараклаб кетди. Одамлар бирин-кетин бу ўхшашликни пайқай бошлади ва тез орада галереянинг бир кисми бўшаб қолди. Ҳамма Тицианнинг картинаси рўпарасида йиғилиб, нигоҳини асл нусхадан портретга, портретдан асл нусхага кўчира бошлади. Деборанинг атрофигина бўш эди. Унинг профилини яхшиrok кўришга уриниб, Тицианнинг айнан профилда чизилган картинасини кўздан кочирмай, бир-бирларини тутишар, у жойдан-бу жойга ўтишарди. Дебора эса уларни ҳатто пайқамаётгандек эди. У ўз тасвирига бутунлай маҳлиё бўлганча картинага узоқ вакт, синчковлик билан тикилиб турди, сўнг бурилиб, тезда чиқиб кетди. Ёнимдан ўтаётганида унинг йиғлаётганини

пайқадим – ғоят хотиржам одамда туйгуларнинг кишини эсанкиратувчи ошкора намойиши.

Ўн дақиқа ўтиб Обри картина рўпарасидаги стендан Деганинг иккита ҳайкалчаси йўқолганини пайқаб қолди – кичик, аммо ўта киммат буюмлар! Полицияга одам юборишиди, бирок ҳеч бало топа олмадилар. Мен имкони борича тезрок кетдим ва Франклайнларникига йўл олдим. Дебора уйида экан.

– Ҳайкалчалар сиздами? – сўрадим мен.

У сумкасидан ҳайкалчаларни чиқарди.

– Қандай билдингиз?

– Сизнинг Тициан картинаси рўпарасида пайдо бўлишингиз менга анчайин нотабийи кўринди, – тушунтирдим мен. – Обрининг максади, ўғирлик рўй бераётганда залдаги барчанинг дикқатини чалғитиш бўлган.

– Ҳа-а... – ўйчан тан олди Дебора. – Обри барчасини ўта мохирона уюштирган, тўғрими? У барчасини ўйлаб кўйганди. Биласизми, ҳатто мана бу кўйлакни танлашда менга кўмак берганди – каргинадаги кўйлак рангиға мос.

– Репортёр-чи? Уни ҳам атайин таклиф қилишганми?

– О, албатта. Обри мени суратга олиш учун кимдир кўл остимизда бўлиши ғамини еганди. Унинг айтишича, бу нарса одамларнинг бир жойда тўпланишига ёрдам бераркан. Ҳа-я, одамлар тўхтаб менга қарашлари учун фотограф ёрдамига суюниш, очиғи, шарт эмасди.

Унинг хотиржамлиги ҳайратга соларди. Мабодо, бу ходисанинг қайси бир мувафакиятсизлигидан аламзадалик оҳангига сезилса-да, виждон қийналишидан асар ҳам йўқ эди. Чехрасидаги ўзгармас хусн ҳудди аввалгидек килт этмаганди. Очик-ойдин кўриниб турган жиноят белгисига қарамай – рўпарамда ҳайкалчалар туарди – ўғри билан сұхбатлашаётганимга ишонмаётган эдим.

– Умуман, барчаси ўта ўткир ақл-заковат билан ўйланган, – дедим мен. – Обри билан қандай иш олиб бор-

ганингизни тасаввур қилаётирман. У билан шунчалар яқинлигингизни ўйламаган эканман.

Буни мен кескинроқ шаклда айтгандим ва қайси бир сонияларда унинг ақлни лол қиладиган хотиржамлигига путур етказгандек ҳам бўлдим.

– О, албатта, – жавоб қилди қиз ва ёноғига қизиллик югурди, – сўнгги пайтларда у билан тез-тез учрашиб турардик – очиғи, ўша балдан сўнг.

Айтадиган бошқа гапимиз колмаган, ҳаммаси жой-жойинга тушганди. Бирок Дебора каби тенги йўқ хилқат нима учун ўша тубан кимсани севиб қолди экан? Йўқ, бу ерда бошқа гап бўлса керак...

– Бир нимани тушунмаётирман, – дедим яна мен, – То чикиб кетгунингизча одамлар сизни ўраб турганди, сиздан кўз узишмаётганди. Обри қандай қилиб ҳайкалчаларни сизга бериб юборишни эплади, яна денг, ҳеч кимга сездирмай?

Айнан шу ерда унинг хотиржамлигига бутунлай барҳам бердим.

– Ҳайкалчаларни менга бериб юборди?! – эътиroz билдириди у чуқур ҳайрат ва ғазаб ичида. – Эй Худо! Сиз ҳам ҳайкалчаларни ўғирлашда мени Обрига кўмак берди, деб ўйлаётисизми?

У ғазаб отига минган санамга ўхшарди ва янада гўзалрок кўринарди.

– Аммо... агар сиз бўлмасангиз... унда... ким...

– Разумонда, яна ким бўларди. Картина рўпарасида ўша талотўнда Обри ҳайкалчаларни унга тикиштириб юборди. У эса шунчаки сумкасига солиб қўйди ва чикиб кетди.

– Разумонда? – ҳайратланиш навбати энди менга келганди. – Демак, буларнинг ҳаммасини иккаласи уюштиредими?

– Ҳа-да. Разумонда буни яширишга ҳам уринмади. Улар турмуш қурмокчи эдилар, пуллари эса йўқ. Разумонда бир

ишбилармон билан таниш бўлиб, ўша одам бу каби буюмлар учун ёмон ҳақ тўламаган бўларди, боз устига, ҳеч бир ортиқча саволларсиз мақсадга эришилди.

– Аммо сиз бунинг барчасида қандай роль ўйнадингиз? – сўрадим мен.

Деборанинг чехраси салгина ўзгарди. Бир сония ичидан мен унинг кексайгач қай кўринишга эга бўлишини тасаввур қилдим – худди ўша тенгсиз, мумтоз санам, бироқ инсоният нодонлигини ўзида ҳис эттирган ва бундан анча хориган.

– Обрининг айтишича, мабодо мени Тициан картинасининг рўпарасида суратга олишса, кўргазма учун яхшигина реклама бўларкан, шунинг учун ҳам рози бўлдим. – Қиз шарақлаб кулиб юборди. – Ҳозиргина эсладим. Агар Обри ҳазиллашибни истаб қолса, мода журналлари зарвараги учун мендан аъло даражадаги модель чиқишини айтарди. Моҳиятан, шундай бўлиб ҳам чиқди – ҳамма менга кўзини лўқ қилиб қараб қолди, мен эса, аслида, у ва Разумонданинг қинғир ишларини беркитиб турдим, холос.

Қиз ўрнидан турди ва ҳайкалчаларни қўлига олди.

– Буларни эса кайтаришга тўғри келади, – деди у. – Буни ҳеч бир шовқинсиз амалга оширса бўладими? Бу каминанинг наздида аклга зид, албатта, бироқ Обрига нисбатан маҳкама иш очишини истамайман.

Мен уни тушуниб хўрсиндим.

– Аввало, – давом этди у, – бу Разумонданинг ғояси эди. Ишончим комил. Обрининг хаёлига бунақа нарсаларнинг келиши амримахол – бу даражада ақлли эмас у.

– Нихоятда моҳирона ишлаб чиқилган, – дедим мен. – Бироқ сиз дарров пайқабсиз. Қандай эпладингиз?

Дебора маҳзун жилмайди.

– Ўзимни ақлли деб ҳисобламайман. Аммо шиша тагидаги эски, корайған картина ажойиб кўзгу бўлиб хиз-

мат килди. Обри мендан картина рўпарасида туришни илтимос килди ва мен буни бажардим. Бироқ тасвирий санъат асарлари мени қизиктирмайди, биласиз. Шунчаки ўзимни томоша килиб турдим ва, албатта, шундоккина ортимда нелар рўй бергаётганини кўрмай қолмасдим...

---

## МУНДАРИЖА

<b>Габриэл Гарсия Маркес, (Колумбия).</b>	
Ок ийл, жаноб Президент.....	5
<b>Роберт Фиш, (АҚШ).</b>	
Самолётдаги ўғирлик.....	37
<b>Эдгар По, (АҚШ).</b>	
Морелла .....	50
<b>Генрих Бёлль, (Германия).</b>	
Нимадир содир бўлиши керак! .....	58
<b>Иво Андрич, (Сербия).</b>	
Байрон Синтра соҳилида.....	66
<b>Сомерсет Моэм, (Англия).</b>	
Талаб қилинмаган ваъда.....	71
<b>Д. Пауэрс, (АҚШ).</b>	
Кулфат .....	81
<b>Марта Хоук, (Швеция).</b>	
Буюрмаган бойлик .....	99
<b>Ульф Малмгрен, (Швеция).</b>	
Олма ҳакида эртак.....	105
<b>Херман Хессе, (Германия).</b>	
Нусха .....	112
<b>Сирел Хайр, (Англия).</b>	
Паринайкар .....	119

*Адабий-бадиий нашр*

## **БҮЮРМАГАН БОЙЛИК**

*Жаҳон адабиётининг сара ҳикоялари*

«Ziyo nashr»  
нашиёти  
Тошкент – 2019

Рус тилидан  
**Абдухамил Пардаев ва Бобохон Муҳаммад Шариф**  
таржимаси

Мухаррир	<i>Абдураҳмон Жўраев</i>
Бадний мухаррир	<i>Баҳодир Иброҳимов</i>
Мусаххих	<i>Иброҳим Жовлиев</i>
Саҳифаловчи	<i>Сурайё Суннатуллаева</i>

Нашриёт лицензияси АА № 0008, 27.03.2019  
17.10.2019 йилда босишга рұхсат этилди. Қоғоз бичими 84x108 <sup>1/32</sup>.  
Офсет коғози. «Times» гарнитурасида оғсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 6,72. Нашриёт-хисоб табоғи 5,5.  
Адади 10000 (2- завод 5000). Шартнома № 66–19.  
Буюртма раками 977.

«Ziyo nashr»  
Масъулияти чекланган жамияти  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 23-мавзе, 42-уй.

«Credo Print» МЧЖ  
китоб фабрикасида чоп этилди.  
Тошкент ш.р., Боғишамол кўчаси 160.  
Тел.: 71 234-44-01/05.  
[www.credoprint.uz](http://www.credoprint.uz)

**Буюрмаган бойлик.** [Матн]: хикоялар / таржимонлар:  
Б 98 А. Пардаев ва б. – Т.: «Ziyo nashr» нашриёти, 2019. – 128 б.  
ISBN 978-9943-5706-6-5

**УЎК: 821(100)-32  
КБК 84(0)**